

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Л.Х. ЁЗИЕВ

## БОТАНИКА

ЎСИМЛИКЛАР МОРФОЛОГИЯСИ  
ВА АНАТОМИЯСИ

Олий ўқув юртларининг биология  
мутахассислиги талабалари учун

28,5

Ботаника: Ўсимликлар морфологияси ва анатомияси  
Университетларнинг биология мутахассислиги талаба-  
учун ўқув кўлланма. 2004. 131 б.


Масъул муҳаррир:  
профессор Ашурметов О.А.

Тақризчилар:  
доцент Убайдуллаев Ш.Р.,  
доцент Хўжамқулов Б.Э.

Қарши Давлат университети Илмий Кенгаши (2003 йил  
5 июндаги №10 сонли баённомаси) томонидан нашрга  
тавсия этилган.

Кўлланма амалдаги дастур доирасида ботаниканинг  
бўлимлари, унинг тарихи, ўсимликларнинг аҳамияти, ҳужайра ва  
тўқималар, юксак ўсимликлар вегетатив ва репродуктив  
органдарининг морфологик ҳамда анатомик тузилиши тўғрисидаги  
сўнгти маълумотлар асосида ёзили.

© Л. ЃИЕВ 2004 й.



10 30796 | 2

## К И Р И Ш

Табиат атрофимизни ўраб турган борлиқдир. Инсоннинг ҳәёти табиат билан узвий боғлиқ. Табиатни асосан иккига - жонли ва жонсиз табиатта бўлиб ўрганамиз. Жонли ёки тирик табиатта ўсимликлар, ҳайвонлар киради. Жонсиз ёки нотирик табиатга эса тупроқ, сув, топ-тошлар, минераллар, атмосфера, литосфера ва шунга ўхшашлар киради.

Академик А.Л.Тахтаджян (1973) эса тирик табиатни уч оламга: ҳайвонлар, замбуруглар ва ўсимликлар оламига бўлади.

Тирик табиат кўпинча биосфера ҳам дёб юритилади. Лекин биосфера ҳаётта макон берган ва яшаш муҳити деб атаса бўладиган жонсиз табиат массасининг жуда оз қисмини ташкил қиласди. Шунга қарамасдан биосфера ўзининг фаолиги билан нотирик табиатта таъсири қилиб туради. Бу жиҳатдан хусусан ўсимликлар таъсири каттадир, чунки уларнинг умумий массаси ҳайвонларнидан кўп бўлиши билан бирга муҳитта яқинроқ турари ва унга маҳкамроқ боғланган. Ана шундай хусусиятларни фотосинтез жараёнида яққол кўриш мумкин.

Ботаника ўсимликлар тўгрисидаги фан. У грекчадан олинган бўлиб, "ботане" - ўт, кўкат, сабзавот деган маънени билдиради. Ботаника ер юзида тарқалган тирик организмлар тўгрисидаги фан-биологиянинг бир бўлагидир.

Бу фан ўсимликларнинг ҳаёти, тараққиёти, ички ва ташки тузилиши, тарқалиши, ўтмиши ва ундан оқилона фойдаланиш усусларини ўрганади.

Ўсимликлар тўгрисидаги маълумотлар инсон ҳаётининг дастлабки этапларида тўплана бошлади. Одамлар ўсимликлар билан овқатланган, улардан кийим-кечак, дори-дармон сифатида фойдаланганлар. Шу сабабли зарарлар ўсимликларни озиқ-овқат ва доривор ўсимликлардан ажратиш зарур эди. Қадимги Мисрда зигир асримиздан 3-3,5 минг йил илгари экиб этиширилган. Ҳали Америка қитъаси кашф қилин-

масдан минг йиллар илгари Перу ва Мексика халқлари маккажүхори, картошка, тамаки, пакта, батаг каби ўсимликларни экиб ўстиришган. Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, ботаника фани инсоннинг амалий эҳтиёжи натижасида юзага келган. Таҳдиллар шуни кўрсатадики, ботаника фани дехқончилик ва медицина ривожланган мамлакатларда яхши тараққий этган.

Ботаника бу ўсимликлар тўғрисидаги фан деб таъриф бериш унинг моҳиятини чеклади. Бугунги кунда ботаника кўп тармоқли фан. Унинг вазифасига фақат алоҳида олинган ўсимликларни ўрганиш эмас, табиатда ўрмон, ўтлоқ ва чўл ҳосил қилувчи ўсимлик қопламларини ҳам ўрганади. Шу билан бир қаторда ботаника фундаментал фан сифатида фармакология, ўсимлишунослик, пахтачилик, ўрмончилик, мевачилик сингари қатор фанларнинг асосидир. Бундан ташқари ботаника фойдали ўсимликлар ва ўсимликлар қопламидан мақсадга мувофиқ фойдаланиш, зарур бўлса инсоннинг эҳтиёжларига қараб ўзгартириш каби мухим саволларга жавоб беради.

Ўсимликлар ҳам ҳайвонлар сингари тирик организмнинг барча хоссаларига зга. Улар озиқланади, ўсади, ривожланади, таъсиранланади, ҳаракат қилади ва кўпаяди. Шундай экан, ўсимлик ва ҳайвонларнинг ҳаёт кечиришларида кўп жиҳатдан ўхшашликлар мавжуд. Бу ўхшашликлар айниқса энг содда тузилган ўсимлик ва ҳайвонларда яққол кўринади. Буни биринчи марта рус олими Горяненков П.Ф. 1834 йилда асослаган ва улар бир жыл авлоддан келиб чиққаётини исботлаган. Бироқ юксак ўсимликлар ва ҳайвонлар қатор белгилари билан бир-биридан фарқ қиласди.

Ўсимликлар ер юзасининг ҳамма жойларида - куруқлик ва сувда, ҳавода ва музликларда, хуллас турли хил экологик шароитларда учрайди. Умуман, ер юзасида ўсимлик ўсмайдиган жойни топиш қийин.

## *1-боб*

# **БОТАНИКАНИНГ БҮЛІМЛАРИ. ҮСИМЛИКЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ**

## **1 §. БОТАНИКАНИНГ БҮЛІМЛАРИ**

Айтиб ўтилгани сингари ботаника биологиянинг таркибий қисмидир. Ботаниканың обьекти фақат қуруқлиқдаги эмас, балки, дунё океани ва атмосфераға деген үсімликтер ҳамдир.

Ботаника ўз навбатида қатор бүлімларга бүлиниб, улар эса үсімлик ва үсімликтер қопламининг ривожланиш қонуниятлари, тузилиши ва ҳаётини ўрганади.

**Үсімликтар морфологияси** - бу ботаниканың энг үирик ва анча илгари шаклланған бүлімидир. У грекчадан олинниб, морфө - шакл, логос - фан деган мағынени англаради.

Морфологиянинг вазифаси - үсімлик хили ёки унинг алоқида олинған қисмининг ривожланиши ва пайдо бўлиши қонуниятларини ўрганишдир. Үсімлик органла-рининг тузилиши ва ривожланишини икки аспектда: 1) алоқида олинған үсімлик тупининг индивидуал ривожланиши - онтогенезда; 2) турнинг ёки туркумнинг тарихий тараққиёти - филогенезда ўрганади.

Кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги амалиёти ва биологик фанларнинг тури тармоқдарини ривожланиши, янги техник имкониятлари үсімликтар систематикасини үирик фундаментал фан бўлиб шаклланишига олиб келди. Тадқиқот услуби ва даражасига қараб үсімликтар морфологияси мантиқан иккига: макроскопик морфология ва микроскопик морфологияга бўлинади.

Кўпинча морфология тор маънода үсімликтар ва уларнинг қисмларини ташқи тузилишини ўрганадиган фан деб қаралади. Лекин унинг қамрови анча

кенг. У ўз ичига ўсимликларнинг ички тузилишини ўрганувчи-ўсимликлар анатомияси, ўсимликлар ҳужайрасини ўрганувчи - цитология ва ўсимликлар тўқималари ҳақидаги фан – гистологияни қамраб олади.

Шунингдек, у жинсий ва жинссиз кўпайиши органлари тузилишини, уларнинг шаклланиш йўллари ва ривожланиш қонуниятлари, чангланиш, уругланиш жараёнларини ўрганувчи-эмбриологияни ўз ичига олади.

**Ўсимликлар систематикаси** – ботаниканинг энг қадимги бўлимларидан биридир (лот. систематикус - система ёки тартибга солиш). Инсон ўсимликларни дастлаб таниб бошлаган даврдаёқ унга турли номлар бера бошлиган. Ўсимликлар систематикаси ўсимликлар оламининг турли вакилларини, уларнинг қон-қардошлиги, филогенияси ва турли хоссаларининг йигинди-сига кўра уларни классификациялади. Амалда ўсимликлар асосан морфологик белгилари, шунингдек анатомик, эмбриологик ва цитологик маълумотлардан фойдаланиб уларни турли хил таксонлар: тур, авлод, оила ва бошқа йирик таксономик бирликларга ажратади. Таксонлар номи уларнинг характерли белгиларининг ўхшашлиги ва фарқига қараб ажратилади. Бу эса ўз наубатида улар қариндошлик даражаси ва келиб чиқишини аниқлаш учун мезон бўлиб хизмат қиласи. Турли хил таксонлар тўгрисидаги тўплантган маълумотлар йигинди-сига қараб ўсимликлар системаси тузилади.

**Ўсимликлар физиологияси** – турли хил ҳаётий жараёнлар, жумладан нафас олиш, ассимиляция, модда алмашинуви, ўсиш ва ривожланиш кабиларни ўрганади. Ҳозирги пайтда бу бўлим тараққий этиб ўсимликлар биохимияси ва биофизикаси каби янги йўналишлар пайдо бўлди. Ўсимликлар биохимияси - ўсимлиқда тўпланадиган турли хил органик моддалар, уларнинг хусусияти ва ҳосил бўлиш жараёнларини ўрганади. Ўсимликлар биофизикаси эса ўсимликнинг ўсиш ва ривожланиши, модда алмашинуви жараёнидаги физик ҳодисаларни ўрганади.

**Ўсимликлар географияси** – турли хил географик зоналарда ўсимликларни тарқалиш ва

тақсимланиш қонуниятларини ўрганади, Булардан ташқари у ўсимликларнинг флористик географияси ва фитоценологияни бирлаштиради. Флористик географиянинг бирлиги бу – ареалдир. Ареал деб турнинг ер юзида эгаллаган майдонига айтилади.

Ўсимликлар экологияси – теварак атрофдаги мұхиттинг ўсимликлар билан алоқасини ўрганади. Шунингдек, ўсимлик организмими мұхитта мослашиши қонуниятлари ҳамда мұхим факторлар: иссиқдик, намлық, тупроқ ва бошқаларнинг ўсимлик организмимга таъсири, ўсимликтин мұхитни ўзгартирувчи хусусиятини ва ҳоказоларни ўрганади.

Микробиология – бу фан микроблар, яъни бактериялар ва айрим замбуруглар ҳаёт жараёнидаги хусусиятларини ўрганади.

Палеоботаника (юнон. παλαιος- қадимғы) – қадим геологик даврларда яшаб, бутун қолдик ҳолатида сақланиб қолган ўсимликларни ўрганади.

Ўсимликлар генетикаси – ўсимликлар организмидағи ирсият ва ўзгаруышчанлик қонуниятларини ўрганади.

Булардан ташқари, ўсимликларнинг алоқида туруjhарини морфологик, физиологик, анатомик ва бошқа жиҳатлардан комплекс ўрганадиган бошқа фанлар ҳам мавжуд. Хусусан, сувұтларини ўрганадиган – альгология, замбуругларни ўрганадиган – микология, мохларни ўрганадиган – бриология, дарахт ва бугаларни ўрганадиган – дендрология шулар жумласидандыр.

## 28. ЎСИМЛИКЛАРНИНГ ТАБИАТДАГИ ВА ИНСОН ФАОЛИЯТИДАГИ АҲАМИЯТИ

Ўсимлик ва мұхит орасида мураккаб алоқадорлик мавжуд. Ўсимликлар табиатдаги модда алмашынуви жараёнида мұхим роль үйнайды. Яшил ўсимликлар планетамиздеги ҳаётнинг асосий манбаидир. Қуёшдан келадиган ёрутлик энергияси яшил ўсимликлар томонидан ўзлаштирилиб, уларнинг ҳужайрасида химиявий энергияга, унинг ёрдамида эса ўсимликті

атроф-мухитдан келадиган ноорганик моддалар органик моддаларга, яъни оқсил, ёг, углевод, витамин, органик кислоталар ва бошқаларга айлантирилди. Бу ҳосил бўлган моддалардан ўсимликларнинг ўзидан ташқари ҳайвонлар, одамлар ва яшил бўлмаган ўсимликлар фойдаланади. Ноорганик моддаларни органик моддаларга айланиш жараёни *фотосинтез* дейилади. Бу жараёнда атмосферага кислород ажралиб чиқади ва ердаги ҳаётнинг давомийлиги сақланади. Ҳаёт фаолияти давомида яшил ўсимликлар чексиз миқдорда биомасса тўплайди. Улар инсон ва ҳайвонлар томонидан ўзлаштирилади. Куруқлик ва сувда ўсадиган ўсимликлар фотосинтез натижасида ҳар йили 450 млрд тонна органик модда ҳосил қиласи.

Ўсимликлар оламининг яшил бўлмаган вакиллари, яъни замбуруглар ва бактериялар ҳам модда алмашинувида муҳим аҳамиятга эга. Улар тупроқдаги органик қолдикларни парчалашиб учун хизмат қиласи. Тупроқнинг ҳар 1 граммида миллиардаб бактериялар мавжуд. Айрим замбуруғи ва бактериялар эса ўсимликлар билан симбиоз муносабатда бўлади. Масалан, ўсимлик илдизига ёпишиб ўсуви замбуруглар органик моддаларни минераллашда актив қатнашади. Бу микориза ҳодисаси дейилади. Айрим тутанак бактериялар дуккаклилар илдизига ёпишиб ҳаводаги эркин азотни ўзлаштириб тупроқни бойитади.

Автотроф ва гетеротроф организмларнинг ёнмаён яшashi табиатдаги модда алмашинувининг зарур шартиди. Бу жараёнда тирик организмлар ўз танасини нотирик табиат ҳисобидан қуради. Бунда тирик ва нотирик табиатнинг бирлиги акс этади. Автотроф организмлар органик моддалар ҳосил қиласи, гетеротроф организмлар эса уларни чиритади, минераллайди ва ҳоказо. Минерал, ноорганик моддалар яна автотроф организмлар, одам ва ҳайвонлар томонидан қайтадан истеъмол қилинади.

Ўсимликлар инсон ҳаётида жуда катта аҳамиятга эгадир, чунки инсон ўсимликлардан ўзини турли эҳтиёжлари учун фойдаланади.

Овқат бўладиган ўсимликлардан дунёнинг

ҳамма жойларида экиладиган ғалла ўсимликлари инсон учун жуда катта аҳамиятта эгадир. Ғалла ўсимликларидан бүгдой, шоли, сули, маккажүхори, арпа, тариқ, оқ жүхори жуда күплаб экилади ва ундаң күплаб фойдаланилади.

Бундан ташқари, сабзавотлардан ҳам инсон кундалик турмушда кенг фойдаланади. Масалан, карам, шолғом, сабзи, картошка ва шунга ўхшашлар. Шу билан бирга мевали дараҳтларни ҳам күрсатиш мумкин. Мевалар ва сабзавотлар хұллигича ва күклигича ейилса уларнинг таркибидаги углеводлар, ёғлар, оқсиллар, витаминалар түлиқ сақланади ва инсон ҳаёти учун энг зарур озиқ моддалардан бўлиб ҳисобланади.

Одам учун энг зарур бўлган мевали дараҳтлардан олма, нок, олхўри, олча, энг муҳим мевали ўсимлилар ҳисобланган ток, цитрус ўсимликларидан апельсин, мандарин, лимон ва шунга ўхшаш ўсимликлар ҳам күплаб экиб ўстирилмоқда.

Одам учун овқат бўладиган яна энг муҳим ўсимликлардан дуккакли доналарни күрсатиш мумкин. Масалан, мош, пӯҳат, ловиня, соя ва шунга ўхшаш ўсимликлар оқсилга бой бўлгани учун кундалик овқатда күплаб ишлатилиади.

Мойли ўсимликлардан ҳам кенг фойдаланилади. Айниқса, кунгабоқар, зигир, наша, горчица, канакунжуг, соя ва шунга ўхшаш ўсимликларнинг уругида ёғ кўп бўлганилиги учун улардан озиқ-овқатда ишлатиладиган мой олиниади.

Булардан ташқари, кўпгина ўсимликлардан шакар олиниади ва олинган шакар овқат ва мазали таомлар тайёрлашда ишлатилиади. Масалан, шакарқамиши, қанд лавлаги ва шунга ўхшаш ўсимликлардан ҳар йили 15 млн т шакар олиниб, бунинг 60 фоизга яқини шакарқамишдан, 40 фоизи қанд лавлагидан олиниади.

Ҳозирги вактда бир қанча доривор ўсимликлар топилган. Буларга қалампирмунчок, чойўти, зира, зирк, сугурӯт, дўйтбўй, черкас, отқулоқ, шивит, зубтурум, кийикўти, каврак, чаканда, тограйҳони, зуфар ва шунга ўхшашлар киради. Булар овқатта таъм бериш билан бирга инсон соглигини яхшилашда ҳам катта аҳамиятта

эгадир.

Энг кўп кийиладиган кийимлар учун керакли бўлган материални биз толали ўсимликлардан оламиз. Буларга гўза, зигир, каноп (йигириладиган тола) киради.

Пахта ҳам мой, ҳам тола беради. Шунинг учун бу ўсимлик кўплаб мамлакатларда ўстирилади ва юкори ҳосил олинади.

Айрим ўсимликларниг таркибида ошловчи моддалар – танидлар бўлади. Булар асосан териларни ошлаш учун ишлатилади. Буларга оқ ва қора қарағай, тол ва ўрик пўстлари, эман ёғочи билан пўстлоги, жинжак, шовул (отқулоқ) ва шунга ўхшаш ўсимликлар киради.

Бўяш учун кўп ишлатиладиган ўсимликлар ҳам экиб ўстирилмоқда. Рўян, гулхайри, анор каби ўсимликлар газламаларни бўяшда, кўпроқ хунармандчилик ва озиқ-овқат саноатида ишлатилган.

Эфир мойли ўсимликлар парфюмерия ва қисмал озиқ-овқат саноатида кенг ишлатилади. Булардан тапиқари, каучукли ўсимликлар ҳам ҳозир катта аҳамиятга эгадир. Булардан резина пойафзал, резина шиналар, электр изоляция материаллари тайёрланади. Каучукли ўсимликларга эса товсагиз, кўксагиз, эвкоммия ва шунга ўхшашлар киради.

Қурилиш материаллари берадиган ўсимликлар ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Улардан уй-жой қурища, саноат иншоатларида, кўприклар, телеграф столбалари, темир йўл қурилишида кўплаб фойдаланадилар. Ўрмон-химия саноатида ҳам ёғоч ишлатилади.

Бундан ташқари, манзарали ўсимликлар кўп экиб ўстирилади ва улар атрофни кўкаламзорлаштириш билан бирга чирой ва гўзаллик бериб туради, шунингдек ҳавони тозалашга ҳам ёрдам беради.

Маълумки, инсон Ер шарида 2 млн йилдан буён яшаб келмоқда. Лекин у ўсимликларни анча кеч етиштира бошлиган. Бу давр тахминан 8-10 минг йилни ўз ичига олди. Археологларни маълумотига қараганда, Мисрда узум 4700--5000 йил, пахта эса Хитойда 4000 йил бурун экиб ўстирилган. Шафтоли, ўрик эрамиздан олдин Урта Осиёга келтирилган. Қишлоқ хўжалиги, доривор ва манзарали ўсимликларни етиштирган

қадимий манбалар Ҳиндистон, олд Осиё (Вавилон, Ассира) Греция ва Италиядир.

Вақт ўтиши билан инсон ўсимликларни кўпайтиришни ўргана бориб, ўзи ҳам турли фойдали хусусиятларга эга бўлган ўсимлик навларини яратди. Фанга маълум 200 минг гули ўсимликнинг 1,5 минг тури қишлоқ хўжалигида фойдаланилади. Турли мамлакатларда маданий ўсимликларнинг минглаб навлари яратилган. Жумладан, атиргулнинг, бутдойнинг 3 мингтадан, картошканинг 2 минг, узумнинг 5 минг нави маълум.

Айтиб ўтиш керакки, ўсимлик ресурсларининг ўзлаштирилиш даражаси шу ер ахолисининг маданий даражасини кўрсаткичидир. Ҳозирги кунда инсон билими ва савияси ўсимлик ресурсларидан жуда кенг фойдаланиш имконини беради. Бир пайтлар инсониятга қирон келтирган вабо, сил, тиф, қизамиқ, қутуриш касалликлари турли замбурууглардан олинган антибиотиклар ёрдамида барҳам топди. Инсон ҳаётида муҳим аҳамияти бор витаминалар ўсимликлар томонидан ҳосил қилинади ёки ўсимлик хом ашёларидан синтез қилинади. Инсон истеъмол қиласига ёғ ҳам ўсимликлардан: кунгабоқар, кунжут, пахта, ёнгоқлардан олинади. Қимматли зайдун ёғи зайдун дарахтидан олинади. Булардан ташқари, ўсимликлар инсонга крахмал (нон), қанд, оқсила, каучук, гуттаперча, портловчи моддалар, тола, қогоз, эфир ёғи, смола, антибиотик, ёғоч, ошловчи моддалар, бўёқ, дори-дармон, тамаки, чой, кофе, какао, вино, мева-сабзавот, асал, турли кислоталар, витамин, камед, клей беради. Ҳатто гўшт, сут, ёғ, сир, тухум, ипак ва тери каби ҳайвонлар маҳсулоти ҳам аслида ўсимликнинг маҳсулоти. Ниҳоят, тошкўмир, торф, эҳтимол газ ва нефть ҳам ўсимликларнинг маҳсулидир. Шу ўринда қуйидаги маълумотларни келтириш ўринидир. АҚШда чоп этиладиган "Нью-Йорк Таймс" газетасининг битта сонини чиқариш учун 80 гектар ўрмон кесилади. Фақат ўрмон маҳсулотларидан эса 20 минг хил модда ва материаллар олинади.

## 2- боб

### БОТАНИКА ФАНИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ

Инсон ўз тараққиётининг дастлабки босқичларидан бошлабоқ ўсимликлар билан овқатланганлар. ундан уй-жой қурғанлар ва кийим-кечак ясаганлар. Бунинг натижасида ўсимликлар ва уларниң хусусиятлари түгрисида баъзи билимлар пайдо бўлган ва ана шундай билимларниң якунланиши натижасида ўсимликлар ҳақидағи фан, яъни ботаника вужудга келган.

Бу фаннинг дастлабки негизлари бундан 2300 йил оддин яшаган грек олимлари Аристотель (322-384) ва Теофраст (285 - 370) асарларида вужудга келган.

Аристотелнинг ботаника соҳасидаги ишлари бизгача етиб келмаган. У биринчи бўлиб ҳайвонлар классифи-кациясини яратди. Аристотелнинг шогирди ва дўсти Теофраст (баъзан уни Феофраст деб ҳам юритилади) ўсимликлар дунёси билан алоҳида шугулланиб 6 томли "Ўсимлик сирлари" ва 9 томли "Ўсимликларни текши-риш" деган асарлар ёзган. Теофраст ўз асарларида 500 га яқин ўсимликларниң горизонтал ва вертикал тарқалишларини, уларниң тузилиши ва кўпайишларига алоҳида эътибор берди. У пояда ёрочлик ва ўзак бор-лигини ажратади, турли ўсимликларниң барглари, гуллари турлича бўлиши устида тўхталади, жумладан қовоқниң мева берадиган ва мева бермайдиган гулларининг фарқини кўрсатиб беради. Автор мева ва уругларга тўхталиб, ургунинг қандай тузилганлигини белгилайди ва муртакда илдизча ва пояча бошлан-гичлари борлигини ажратади. У илдизнинг тупроқдан озиқ оладиган орган эканлигини ҳам кўрсатиб ўтади. Теофраст ўсимликларниң турли хоссаларига (доривор ва бошқалар), уларни кўпайтиришга, ерга ишлов беришга, шунингдек, ўсимликларни пайванда қилишга ҳам алоҳида эътибор

беради. Ушбу фикрлар Теофрастни "ботаниканинг отаси" деб ҳақли равища атасига асос бўлган.

Эрамизнинг биринчи асрларидан бошлаб, ундаи кейин ўрта асрлар мобайнида ўсимликларни ўрганиш соҳасида етарли муваффакиятлар кузатилмади. Феодал тузум, майда феодаллар ўртасидаги тўхтовсиз урушлар, черков тазиики - ана шуларнинг ҳаммаси эркин фикрнинг, демак фаннинг ривожлашига имкон бермади.

XV - XVI асрларда пайдо бўлиб келаётган савдо капитали янги товарларни талаб этди ва шу товарларни қидириш буюк географик кашфиётлар қилинишига (жумладан, Ваксада Гаманинг қуий Индияга дастлабки сафари, Колумбнинг биринчи марта Американи кашиф этиши, Магелланнинг кемада бутун жаҳонни айланиб чиқиши ва ҳоказолар) сабаб бўлди. Ана шу даврларда медицинага талаб бироз зўрайганлиги муносабати билан ботаника XVI асрдан то XVIII асргача тобора кенг авж ола бошлади.

Россияда дастлабки ботаника боғлари XVII асрнинг биринчи яримарида вужудга кеди. Улар дастлаб "Айтгекарский огород" деб юритилган. Москвауда ана шу номдаги боғлар 1706 йилда ташкил топди. Аср бошида (1805) бу боғ Москва университетининг ботаника боғига айлантирилди. Ленинградда шу хилдаги ботаника боғлари 1714 йилда ташкил топди.

Бу ботаника боғларининг асосий вазифаси ўсимликлар дунёсини тушунишда бирмунча аҳамият касб этади. Шу тадбирлар туфайли каттагина материаллар ҳам тўплана бошланди. Бу тўпланган материаллардан фойдаланиш уларни системалашишни талаб қилди.

Ўсимликларни системалашишда биринчи қадиргочлардан италиялик ботаник Андреа Цезальпин (1519-1603)ни кўрсатиш мумкин. Шунинг учун ҳам Цезальпиннинг хизматларини ҳисобга олиб "XVI асрнинг Аристотели" деб ҳақди равища атайдилар. Олим ўзининг 1583 йилда босилиб чиққан "Ўсимликлар ҳақида" деган асарида 1500 га яқин ўсимликларни таърифлаб беради. Булардан ярмини авторнинг ўзи тўплайди.

Цезальпин биринчи бўлиб урганинг тузилиши ва

унишини тұғри тушунтириб, у ўсимлік танасида ингичка каналчалар орқали озиқ моддалар ҳаракат қиласы, дейди. Цезальпин ўсимлікларни систематикалашында уларнинг меваларини тузилишини асос қилиб олади. Автор дастлаб барча ўсимлікларни 2 гурухға - дараҳтсимонлар (дараҳтлар - ва буталар) ва ўт ўсимліклари (ўтлар ва ярим буталар)га бүләди. Мана шу 2 гурухға мансуб ўсимлікларни олим мөваси ва мевадаги уругларига қараб яна 14 синфға бүләди. Цезальпин ўз системасининг 15-синфига мөхлар, папоротниклар, қирқбүгімлар, сувұтлари ва замбуруғларни киригади ва уларни кам тараққий эттан организмлар деб ҳисоблайды, ҳамда булар ҳайвонлар ва ўсимліклар ўртасида туради деб тушунтиради.

Цезальпин тузган айрим гурухлар системалари жуда табиийдір. Масалан у 11-синфға говзабонгуллилар билан лабгуллиларни киритса, 10-синфға эса факт мұраккабгуллиларни киригади. Шундай бўлишига қарамасдан Цезальпиннинг системаси умуман сұнный система характерида эди. Чунки у ўсимлікларни систематикалашында уларнинг кам белгиларидан фойдаланади.

Цезальпиндан сұнғ систематика соҳасида жуда катта иш қиласын олим буюк швед натуралисти Карл Линней (1707 -1778)дир. Линней ўсимлікларни систематикалашында уларнинг гул тузилишларини, аниқрөги чанғчиларнинг тузилишини асос қилиб олади. У бутун ўсимліклар дүнёсини 24 синфға бүләди. Ҳамма синфларни 116 отрядга бүләди. 1-13 синфларга чанғчиларнинг сони 1 дан 13 гача ортиб бориши асос қиласын олинади. 24-синфға эса оталиклари ва оналиклари күринмайдиган "яширин никохли"ларни киригади. Линнейнинг ушбу "жинсий системаси" ўша даврдаги ботаниканың энг мұхим талабларини қондириб, бу фанни, хусусан, ўсимліклар систематикасینи ривожланишига жуда катта таъсир күрсатди. Линней томонидан ҳаммаси бўлиб, 1000 га яқин ботаник терминлар киригилган ва булар ҳозир ҳам қўлланилмоқда.

Линней биринчи бўлиб ўсимлікларни бинар номеклатурасини, яъни ҳар қайси ўсимлікни унине авлодиги ва түрини аниқлайдиган 2 та логин сўзи билан

аташни жорий қилди. 1753 йилда Линнейнинг "Ўсимлиқ турлари" деган китоби босилиб чиқди. Линней ва унинг издошлари турларнинг доимийлиги тұғрисидаги дөгмани құллаб-қувватлар әдилар, яъни систематиканинг асосий бирлиги - турларни ўзгармайдыган, бир-бирига боғланмаған ҳодисалар деб қарап әдилар.

Линней табиий система яратышни орзу қылган бўлса ҳам, унинг системаси сунъий система бўла олган, холос.

Ўсимликларнинг табиий системасини яратиш соҳасида катта иш қылган олимлардан бири француз ботаниги П.А.Жуссье(1748-1838) дир. Олимнинг 1789 йилда "Ўсимлиқ оиласлари" деган асари чиқди. Жуссье бу соҳада тоғаси Б.Жуссье (1697-1777) нинг эълон қилинмаган бой тажрибаларидан танқидий фойдаланиб 100 га яқин оиласи тўлиқ тавсифлаб беради. У ўсимликларни системага солганда сунъий системадагидек бир белгисини асос қилиб олмасдан, белгилар мажмуини асос қилиб олади.

Жуссьенинг систематикадаги хизмати шундан иборатки, у бугун ўсимликларни, сувўтлари ва замбурууглардан бошлаб, токи гулли ўсимликларгача, оиласларининг охирида улардан кейинги оиласларни ўзига боғловчи оралиқ гурӯҳ ўсимликларни жойлаштиради. Жуссьенинг бу хизмати туфайли бутун ўсимликлар дунёси бир буғун деб тушуниладиган бўлди.

Бу эса ўша даврда фанда мустаҳкам ўрнашиб қолган - турлар худо томонидан қанча яратилган бўлса ўшанчалигича қолаверади ва улар ўзгармайди, деган дөргмага қаттиқ зарба бўлди.

Жуссьенинг табиий систематика соҳасидаги айрим ишлари мунозарали бўлиб, унинг бу соҳадаги изланишлари ундан кейинги баъзи бир олимлар томонидан кенгайтирилди. Бундай олимлар қаторига Декандоль, Эндижер, Бронъяр ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Лекин юқоридағи олимлардан ташқари, табиий системани яратища Ж.В.Ламаркнинг (1744-1828) ҳам роли каттадир. Олимнинг эволюцион назарияси (1778) табиий системани яратища катта таъсир кўрсатди.

Ламарк организм табиатнинг ирсий жиҳатдан ўзгаришига сабаб бўладиган ташқи мұхит таъсирини, органларнинг чиникиши ва чиниқмаслигини эволюциянинг асосий омили деб билди.

1858 йилда Ч. Дарвин (1809-1882) органик дунёнинг табиий танланиш йўли билан эволюцияси тўғрисидаги ўз назариясини яратди. Ламаркнинг назариясига қараганда анча мукаммал ишлаб чиқилган бу назария яна шу жиҳатдан ҳам афзал эдикӣ, ҳайвонларнинг "тузилишидан мақсадга мувофиқдик" ни, яъни уларнинг тузилиши яшаши шароитига мос бўлишини жуда яхши тушунтиради.

Шундай қилиб, Аристотель ва Теофраст замонидан бошланиб, Линней системаси билан тутаган система сунъий системани ташкил этади. Жуссъе системаси эса табиий систематикага мустаҳкам асос солган эди, Дарвин назариясининг вужудга келиши эса учинчи давр – филогенетик системани яратишда мухим манба бўлиб хизмат қилди.

Ўсимликларнинг филогенетик систематикасини тузишда олимлар турли фанларнинг ютуқларидан кенг фойдаланишга ҳаракат қиласидилар. Айниқса, бу соҳада ўсимликлар палеонтологияси, солиширма морфология, солиширма анатомия на эмбриология, ўсимликлар географияси, ўсимликлар физиологияси, генетика, селекция фанлари жуда катта аҳамият қасб этади.

Ҳозирги вақтда кенг тарқалган ва кўпчилик олимлар томонидан тан олинадиган филогенетик систематикалар орасида А.Энглер (1844-1930) систематикаси алоҳида аҳамиятга эгадир.

Энглер системасига ўхшаш, лекин ундан чукурроқ ишланган филогенетик система – бу Р.Ветштейн (1863-1931) системасидир.

Кейинги йилларда мавжуд филогенетик систематикаларни кўриб чиқиши ва янгиларини яратиш соҳасида рус ва чет эл олимлари катта иш қиласидилар. Булардан Кузнецов, Буш, Козо-Полянский, Гросстейм, Тахтаджянлар томирли ўсимликларнинг филогенетик системасига оид масалаларни ишлаб чиқдилар ва биогенетик қонунни ботаникага тадбик этиш ҳақидаги

масалани текширдилар.

Таниқоли олим А.Н.Бекетов (1825-1902) фитогеография соҳасида катта ишлар қилди. Бекетовнинг фитогеография устида ишлаган жуда кўп таниқли шогирдлари бор эди. Улар Панфильев, Кузнецов, Тимирязев, Комаров ва бошқалардир.

А.С.Фалинцин (1835-1918) ботаник физиологияни ривожлантиришда катта ишлар олиб борди. У 1883 йилда "Ўсимликда моддалар алмашинуви ва энергия ўзгариши" номли асарини ёзди. О.В.Баранецкий, И.П.Бородин, Д.И.Ивановский, В.А.Ротерт, С.Н.Виноградский ва бошқалар Фалинциннинг шогирдлари эди.

О.В.Баранецкий лишайниклар устида бир қанча ишлар олиб борди, у ўсимликлар анатомияси ва физиологиясига оид бир қанча ишларни қилди.

И.П.Бородин ўсимликларда нафас олиш жараёни устида иш олиб борди ва бир қанча асарлар, жумладан "Ўсимликлар анатомияси курси" ни ёзди.

Д.И.Ивановский фильтровчи вирусларни кашиф этди. В.А. Ротерт ўсимликлар физиологияси ва анатомияси соҳасида, С.Н. Виноградский эса бактерияларда бўладиган хемосинтез жараёнини аниқлаб микробиологияга асос солди.

Ўсимликлар физиологиясини ривожлантиришда энг катта ҳисса қўшган олимлардан бири К.А.Тимирязев (1843-1920).

Тимирязевнинг бир қанча толмас шогирдларидан В.И. Палладин, Д.Н.Прянишников, Ф.Н.Крашенников, Е.Ф.Вотчал, В.С. Буткевич, Л.А.Ивановларни кўрсатиш мумкин.

В.И.Палладин (1859-1922) ўсимликлар нафас олишининг механизми ва шу билан маҳкам боғланган спиртли бижгиш устида жуда кўп иш олиб борган олим. Палладиннинг энг яқин шогирдларидан Костичев, Залесский, Иванов, Львов, Максимов, Сабинин ва бошқалардир. Бу олимлар ўсимликлар физиологиясини ва ўсимликлар биохимиясини ривожлантиришга катта ҳисса қўщдилар.

Д.Н.Прянишников (1865-1948) ўсимликлар физиологияси ва агрономияга асос соглан

И.Н.Горожанкин (1848-1904) уругли ўсимликлардан ургуланиш жараёнини ядронинг чанг найчаси орқали тухум ҳужайрасига кириши туфайли юзага чиқишини биринчи бўлиб кўрсатди. У биринчи бўлиб ҳужайралараро протоплазма бўшлиқлари (плазмодес-малар) борлигини кашф этди.

Горожанкиннинг шогирди Беляев В.И. (1855-1911) ҳужайра ядросининг редукция йўли билан бўлишини биринчи бўлиб текширди. 1927 йилда М.И.Голенский ўзининг йирик назариясини яратиб, унда бўр даври бошларида ёпик уругли ўсимликлар пайдо бўлиши айтиб ўтилди.

И.И.Герасимов ҳужайранинг индивидуал ҳаётида ядронинг аҳамияти тўғрисидаги назарияси билан машҳурдир.

С.Г.Навашин (1857-1930) ўзининг 1898 йилда эълон қилинган гулли ўсимликларнинг қўш ургуланиш низарияси билан дунёга танилди.

Ботаника фани Россияда юқоридағи олимларнинг ишлари туфайли анча ривожланган бўлса, бизнинг асримизга келиб у янада тараққий эттирилди. Бу даврдаги йирик олимлардан В.Л.Комаров (1869-1945), Н.И.Вавилов (1887-1943), Гроссгейм, Е.П.Коровин ва М.Г.Попов (Ўрта Осиё флораси), Козо-Полянский, Раздорский, Мейер, Курсанов (замбуруглар), Любименко ва Максимов (экологик физиология), И.В.Мичурин (1855-1935) ва шунга ўхшаш бир қанча олимлар Россия флораси ўрганишда, ўсимликларни системага солишиб, ўсимликларнинг янги навларини яратишда, умуман ботаника фанини ривожлантиришда катта ҳисса қўшдилар.

Ўрта Осиё ўсимликларини ўрганиш ҳам жуда қадимдан бошланган. Абу Райхон Беруний (973-1048) табобатта бағишлиланган "Китоб Ас-Сайдана фит-тиб" номли асарида ўлкамизда ўсадиган кўплаб доривор ўсимликлар тўғрисида маълумот берган.

Абу Али ибн Сино (980-1037) ўзининг қатор асарларида Туркистонда ўсадиган кўпгина доривор ўсимликларни тавсифлаб, уларнинг шифобахши хусусиятларини кўрсатган. З.М.Бобур (1483-1530) ҳам "Бобурнома" асарида Туркистон ўсимликлари ҳақида маълумотлар берган.

Илмий фаолиятининг асосий қисмини Туркистон флорасини ўрганишга бағишлаган Б.А.Федченко, онаси О.А.Федченко билан биргаликда, 1906-1916 йиллар ичидә 6 қисми "Туркистон флорасининг рўйхати" деб номланган китобини чоп этган ва унда Туркистон ҳудудида 4111 тур ўсимлик борлигини кўрсаттан.

Ўрта Осиё ҳудудида ўсадиган ўсимликлар ҳақидаги маълумотларни Туркистонга оид тарихий адабиётларда яна кўпроқ топилиди. Лекин ўсимликларни илмий ўрганиш анча кейин, асримизнинг 20-йиларида Ўрта Осиё Давлат университети ташкил этилганда бошланди. 1940 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси ботаника институти ташкил этилгач, бу иш янада жонланди.

А.И.Введенский (1898-1970) раҳбарлигида "Ўзбекистон флораси" номли 6 жилдлик асар чоп этилди. Бу ҳудудда 138 оиласа оид 4230 ўсимлик тури ҳақида батафсил маълумот берилган.

Академик Е.П.Коровин (1891-1963) Ўрта Осиё ўсимликларини ўрганиш учун ташкил этилган 24 та экспедицияга қатниашди. Булар асосида "Ўрта Осиё ва жанубий Қозогистон ўсимликлар жамоалари" номли 2 жилдли китоб ёзди.

М.Г.Попов (1893-1955) Ўрта Осиё ўсимликларининг ривожланиш тарихи ва систематикасига оид қатор асарлар яратди ва бу ҳудудни қадимги Ўртаер денгизи флористик областига киришини асослади.

Академик Қ.З.Зокиров (1903-1992) Зарафшон дарёси ҳавзасининг ўсимликлар ҳақида 2 жилдли асар ёзиб, унда Ўрта Осиё ўсимликлар қопламини 4 погонага (чўл, адир, тоғ ва ялов минтақалари) бўлишни тавсия қилди.

П.Л.Баранов (1882-1962) Ўзбекистонда ўсимликлар анатомияси ва эмбриологияси илмини ривожлантиришда муҳим ҳисса қўшди. Академик Ж.К.Сайдов (1909-1999) ушбу йўналишда катта ишлар қилди. Унинг раҳбарлигида Ўзбекистон ФА Ботаника институтининг бир гуруҳ олимлари чўлда ўсадиган ўсимликларнинг анатомик тузилишини ўргандилар.

Сувўтларини ўрганиш ва улардан халқ хўжали-

гида фойдаланиш илмий асосларини академик А.М. Музаффаров (1909-1987) яратди. Унинг раҳбарлигида Ўрта Осиёда ўсадиган кўк-яшил сувўтларининг тўлиқ рўйхати тузиљди.

Академик Ф.Н.Русанов (1896-1978) ўсимликларни иқлимлаштириш борасида катта хизматлар қилгани, у томонидан яратилган "Туркумлар комплекси услуби" мамлакатимиздан ташқарида ва кўплаб чет элларда зътироф этилди.

Булардан ташқари, П.К.Зокиров, О.А.Ашурметов, Ў.П.Пратов, Т.И.Славкина, В.П.Печеницин, И.В.Белолипов сингари олимлар Ўзбекистонда ботаника фанининг ривожлантиришга катта ҳисса қўшган ва қўшиб келмоқдалар.

### З-боб

## ЎСИМЛИК ҲУЖАЙРАСИ

### 1§. ҲУЖАЙРА. УНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА КОМПОНЕНТЛАРИ

Ҳужайранинг тузилиши ва унинг фаолияти тўғрисидаги фан цитология дейилади. Ҳужайра бу ўсимлик танасининг мустақил кўпаявчи элементар структуралари ва функционал бирлиги бўлган бир қисмидир.

Ҳужайрани дастлаб инглиз олими Р.Гук 1665 йилда кашф этган. У бузина ўсимлигини қопловчи тўқимаси - пробкани кўраётгиб, унда бўшлиқларни кузатди ва уни "клетка" деб атади. Пробка асосан ўлик ҳужайралардан тузилганлиги сабабли дастлаб ҳужайра пўсти ва унинг тирик қисми орасидаги боғлиқлик тўғрисида иштаган тасаввур ҳосил бўлди. Фақат XIX асрга келиб олимлар ҳужайранинг ички қисмини жиддий ўргана бошладилар. 1833 йил инглиз ботаниги Р.Броун унда ядро борлигини, 1839 йил чех физиологи Я.Пуркинье эса цитоплазмани кашф этди. Ҳужайра шираси ҳақида тўплланган материаллар немис ботаниги М.Шлейден ва зоологи Т.Шваннларга 1838-1839 йилларда ҳужайра назариясини яратиш имконини берди. Унинг моҳияти шундан иборатки, *барча тирик организмлар ҳужайралардан тузилган* Ҳужайра назарияси ўсимлик ва ҳайвонлар умумий келиб чиқишига эга эканлигини исботлади. Ф.Энгельс бу кашфиётни XIX асрда яратилгай З буюк кашфиёт (энергиянинг сақданиш конуни, Ч.Дарвиннинг эволюция назарияси)нинг бири деб атади.

XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб ҳужайра назариясини бойитувчи янги ихтиrolар қилинди. Аниқ экспериментал тадқиқотлар ёрдамида ҳужайранинг бўлиниши, ҳужайралар орасида эса цитоплазматик


богланинг мавжудлиги исботланди. Шу аср охирига келиб цитология мустақил фан сифатида шакланди. Электрон микроскопнинг кашиф этилиши билан эса ҳужайранинг асосий компонентларини ўрганиш имконияти туғилди.

Жойлашган ўрни ва бажарадиган вазифасига қараб, ҳужайранинг шакли ва ўлчамлари турлича бўлади. Аксарият ҳолларда у кўп қиррали, эркин ҳолатда эса шарсимон, юлдузсимон, цилиндрсимон шаклларда бўлади. Ташки кўринишига қараб, уларни 2 гурухга: *паренхима* ва *прозенхима* ҳужайраларига ажратиш мумкин. Паренхима ҳужайраларининг бўйи знига тенг ёки 2-3 марта узун, прозенхима ҳужайраларида эса у бир неча марта узуни бўлади. Ўксак ўсимликлар ҳужайрасининг узунылиги ўргача 10-100 мкм бўлади. Лекин айрим ўсимликлар, масалан, тарвуз, лимон ва картошкада улар бир неча мм гача етади ва улар оддий кўз билан кўриш мумкин. Бошқа ўсимликларда бундан ҳам йирик бўлиши мумкин. Масалан, зигирнинг прозенхима ҳужайраси 40 мм, чайён ўтиники 80 мм, раминики 200 мм гача етади. Бир вақтнинг ўзида айрим бактерияларнинг ҳужайраси шунчалик кичикки (атиги 0,5-5мкм), улар ёргулик микроскопларида аранг кўринади.

Ҳужайра асосан, З қисмдан: ташқаридан ўраб турувчи ҳужайра пўсти, марказида жойлашган вакуола ва ҳужайра шираси - протопластдан иборат. Ҳужайра пўсти ва вакуола унинг ўлик қисми, протопласт эса тирик қисмидир (1-расм). Протопласт ўз навбатида цитоплазма ва ядродан ташкил топган. Протопластнинг фаолияти туфайли ҳужайра пўсти ва ҳужайра шираси ишлаб чиқарилади. Ҳужайра шираси турли органик ва минерал мoddаларнинг сувдаги эритмасидир.

Ҳужайранинг ҳар бир қисми *органоид* деб аталади ва маълум бир вазифани бажаради. Унинг тирик бўлмаган қисми (пўсти ва шираси) ҳам тегишли вазифани бажаради.

**Цитоплазма** - бу шилимшик, рангсиз суюқлиқdir. Унинг таркибида 90% гача сув бўлса-да, асосан мураккаб органик бирикмалар, кўпинча



1-расм. Ўсимлик ҳужайрасининг тузилиши

1-цитоплазма; 2-ядро; 3- митохондрия; 4- хлоропластлар;  
5- хромопластлар; 6- крахмал доначалари; 7- Гольжи  
аппарати; 8- эндоплазматик түр; 9- вакуола;  
10- ҳужайра пўсти.

оқсиллардан ташкил топган. Шунингдек, унда нуклеин кислоталар (ДНК, РНК) ва мойсимон моддалар – липидлар, углеводлар, ферментлар, гармонлар, алколоид ва бошқа органик ҳамда минерал моддалар бўлади.

Цитоплазмада шунингдек, анерганик бирикмалар: углерод (10%), кислород (70%) ва водород (10%) бўлади. Булардан ташқари калыңий, калий, азот, фосфор, олтингутурт, кремний, хлор, темир ва бошқа кўплаб химиявий элементлар бор.

Цитоплазманинг химиявий таркиби турғун эмас. Модда алмашинув жараёнида оддий моддалар бирикиб

мураккаб моддалар ҳосил қиласи. Ҳосил бўлган моддалар баъзан заҳира ҳолида тўпланади, баъзида эса қайтадан оддий моддаларга парчаланади.

Ёш ҳужайраларда цитоплазма уни бутунлай тўлдириб, қари ҳужайраларда эса вакуола (вакуумбўшик) деб аталувчи бўймиқлар бўлади.

Цитоплазманинг ҳужайра деворига тақалган қавати плазмолемма, вакуолага тақалган қавати эса тонопласт дейилади.

Плазмолемма билан тонопласт ёпишқоқ парда бўлиб, плазматик мембрана деб юритилади. У ҳужайрага моддалар тушиши, яъни танлаб ўтказишни бошқаради, ҳужайранинг озиқланиши учун муҳим роль йўнайди.

Цитоплазманинг асосий массаси – гиалоплазма анча бир хил тузилган. Уши кўплаб майдага каналча, найча, пуфакчаларни ривожланган тўри тешиб ўгади. Уларнинг девори ҳам плазматик мембранныдан тузилган. Тармоқланган бу тўр эндоплазматик тўр ёки эндоплазматик ретикулум деб аталади.

Эндоплазматик тўр цитоплазма каналчаларини ядро ва қўшини ҳужайралар билан боғлайди. Моддалар алмашипуви маҳсулотлари ҳам шу система бўйлаб тарқалади ва ҳужайранинг турли қисмларига оқиб боради.

Ҳужайранинг диктиосома ёки Гольжи аппарати деб аталадиган алоҳида органоидлари ҳам эндоплазматик тўр билан функционал боғланган. Улар анча мураккаб тузилган бўлиб, гёё деворлари плазматик мембранныдан тузилган ясси цистерналар пакетига ўхшайди. Гольжи аппаратида органик моддалар вақтинча тўпланади ва кейин ҳужайранинг бошқа қисмларига тарқалади.

Электрон микроскопда қаралганда, эндоплазматик тўр каналчаларининг ташки юзасида ва бевосита цитоплазма қаватида юмaloқ, майдага танаҷаларни кўриш мумкин. Бу рибосомалар деб аталади. Улар рибонуклеин кислота (РНК)нинг спиралсимон шаклини бир нечта молекуласидан ташкил топган. РНК спирами ўрами орасида оқсил молекулалари жойлашади ва улар оқсил моддаларини синтезлаб, муҳим вазифани бажаради. Оқсил синтезланиши учун рибосомалардаги РНК моле-

кулалари ҳужайра ядроидаги ДНК молекулаларидан ажраладиган информацион РНК нинг алоҳида молекулалари томонидан активлаштирилиши керак.

Муайян организм оқсилларининг ўзига хос ҳусусияти рибосомалар туфайли келиб чиқади, чунки "кодланган" тегишили ахборот муайян таркибга эга бўлган оқсиллар синтези учун матрица бўлиб хизмат қиласди. Рибосомалар томонидан синтезланган оқсиллар эндоплазматик тўрга ўтади ва ҳужайранинг турли қисмларига тарқалади.

Ўсимликлар ҳужайрасининг цитоплазмасида калта таёқчалар шаклидаги митохондриялар бўлади. Уларнинг бўйи 0,2-2,0 мкмгача бўлиб, кўпинча 0,6-0,8 мкм орасида ўзгариб туради. Митохондрияларнинг сони ҳужайрада жуда кўп бўлиб, ўрта ҳисобда 2-2,5 мингтани ташкил этади.

Митохондриялар 60-70% оқсил моддалар, 25% гача липидлар, кам миқдорда РНК ва анорганик бирикмалардан тузилган. Улар анча мураккаб тузилган бўлиб, таники томонида икки қават мембранныи бор. Мембранныи ташки қавати митохондрияни цитоплазмадан ажратиб туради, мембранининг ичида эса кристаллар деб аталадиган жуда кўп қиррали ўсиқлар чиқади. Булар митохондриянинг ички юзасини бирмунча катталашибтиради. Унинг ички камераси таркибида эрувчан оқсиллар бўлган анча бир хил суюқ масса билан тўла бўлади.

Митохондрия бу ҳужайранинг энергия манбаидир. Бунда моддалар алмашинуви турли хил маҳсулотларининг ачиши натижасида ажралиб чиқадиган энергия ҳисобига аденоцитрифосфат кислота (АТФ) синтезланади. Бу АТФ ўзига хос энергия аккумуляторидир. Кейин у бир қанча химиявий ўзгаришиларга учрайди, оқибатда кўплаб энергия ажралиб чиқади ва у кечадиган турли хил жараёнларда сарфланади.

Митохондриялар одатда ҳаракатда бўлади. Улар ядро, хлоропласт ва бошқа ҳаётгий процесслар тез кечадиган органоидлар атрофида тўпланади. Митохондрия ўсимлик ва ҳайвон ҳужайрасининг бўлиши лозим бўлган таркибий қисмидир.

**Пластидалар** - фақат ўсимлик күжайраларида бўлади. Улар ташқаридан иккита мембрана билан қопланган. Берадиган рангига қараб пластидалар З хил бўлади. Булар хлоропласт, хромопласт, лейкопласт.

Хлоропласт яшил пигментли хлорофилл, қўнгир рангли каротин ва сариқ рангли қсантофилларни ўзида тутади. Хлоропластнинг асосий вазифаси айнан хлорофил билан боғлиқ. У фотосинтез жараёнига қатнашиб анорганик моддалардан органик моддалар ҳосил қиласди. Шу сабабли хлоропластлар ўсимликнинг фақат ер устки, қуёш нурини қабул қиласдиган, қисмида учраб, унинг ҳисобида ўсимлик яшил рангда бўлади.

Юксак ўсимликларда хлоропластлар кўпинча линза шаклида бўлади, уларнинг диаметри 4-6 мкм, қалинлиги 1-3 мкм. Уларнинг сони ҳужайрада 1-50 тагача бўлади ва одатда цитоплазманинг девор қаватига жойлашади. Ёргулек кам тушганда улар қуёшга ясси томони, кўп тушганида эса қавариқ томони билан ўгирилиб туради.

Хлоропластлар ичида бир хил таркибга эга бўлган модда - спромалар бор. Улар ясси халтачалар кўринишида бўлиб, паралмел жойлашган мембраннылар тузилишидан иборат ва тилакоид ёки ламеллалар дейилади. Стромада ДНК молекулалари, рибосомалар, липид, крахмал доналари ва бошқалар жойлашган.

Хлоропластда крахмал фотосинтез жараёни натижасида ҳосил бўлади. Ферментлар ёрдамида бу крахмал шакарга айланади ва глюкоза кўринишида баргдан бошқа органоидларга ҳаракатланади.

Лейкопластларда ферментлар бўлмайди. Уларнинг ўлчами хлоропластлардан анча кичик ва тургун шаклга эга эмис. Лейкопластлар кўпинча тўқима ва органларнинг қуёш нури тушмайдиган ер остики қисмида, яъни, илдиз, тутунак ва уругда бўлади.

Лейкопластларнинг ички мембрана тизими хлоропластлардагига нисбатан кам тараққий этган. Уларнинг стромаларида ҳам ДНК молекулалари ва рибосомалар бор.

Лейкопластларнинг асосий вазифаси - запас озиқ моддалар, биринчи навбатда крахмал, баъзан

оқсил ва кам ҳолларда ёғларни синтез қилишдан иборат.

Хромопластлар ўзида каротиноидлар гурӯҳига мансуб қизил, қўнгир ва сарик пигментлар тутади. Ўлчамига кўра улар хлоропластлардан анча кичик ва турли-туман шаклларда бўлади. Хромопластлар одатда айрим ўсимликларнинг гул ўрамида, пишган мевалари ва қузги баргларида бўлади. Уларнинг модда алмашинуви жараёнидаги вазифаси ҳалигача аниқланмаган. Уларнинг билосита вазифаси эса гулларнинг чангланиши ва уругларни тарқалиши жараёнида ҳашарот ва қушларни жалб қилишдан иборат.

Эволюция жараёнида пластидалардан дастлаб хлоропласт, улардан эса ўсимлик танасининг қисмларга ажралиши билан лейкопласт ва хромопластлар пайдо бўлган. Онтогенез жараёнида эса пластидаларнинг барча турлари бир-бирига айланаб турди. Кўпчилик ҳолларда лейкопласт хлоропластта (масалан, уругланган тухум ҳужайрасидан уругмуртак ҳосил бўлишида) ва хлоропласт - хромопластга (масалан, баргларнинг кузда саргайиши) айланади. Фақат хромопласт табиий шароигда, одатда, бошқа пластидаларга айланмайди.

## 2§. ЯДРО, УНИНГ ТУЗИЛИШИ

Ядро - бу ирсий белгиларни сақлайдиган ва оқсил синтезини бошқарадиган марказdir. Ҳужайра ядросиз яшай олмайди, агарда уни ҳужайрадан ажратиб олинса дарҳол нобуд бўлади. Одатда ҳужайрада битта, айрим сув ўтлари ва замбуруугларда кўп ядроли ҳужайралар бўлади. Бактерия ва кўк яшил сув ўтларида шаклланган ядро бўлмасдан, унинг таркибига кирувчи моддалар цитоплазмада, яъни уларнинг яроси сочма ёки диффузия ҳолатида бўлади.

Ядронинг шакли турли-туман, одатда ҳужайра шаклига мос бўлади. Паренхима ҳужайраларида шарсизмон, прозенхима ҳужайраларида линза ёки ипсизмон шаклда бўлади. Ядронинг ўлчами ҳам турлича: ёпиқ уругли ўсимликлар вегетатив органлари ҳужайраси

ядросининг диаметри 10-25 мкм га тенг бўлгани ҳолда, айрим замбуруғларни кида у 1-2 мкм, ҳаралар туркумидаги сув ўтлариники 2,5 мкм.

Ядро куйидаги қисмлар: ядро пўсти, нуклеоплазма, хромосома ва ядрочадан иборат.

Ядро пўсти ядрони цитоплазмадан ажратиб туради. У икки қават мембронадан тузилган. Тузилиши ва таркибига кўра ядро пўсти эндоплазматик тўрга яқин. Ядро пўстида махсус тешикчалар – поралар бўлади. У жуда мураккаб тузилишга эга бўлиб, диаметри 80-90 мкм га тенг. Поралар орқали макромолекулалар нуклеоплазмадан гиалоплазмага ва тескари томонга ўтиб туради. Ядро пўсти ядро ва цитоплазма орасидаги модда алмашинувини бошқариб туради, шунингдек оқсил ва липидлар синтезлаш қобилиятига эга.

**Нуклеоплазма** – бу каллоид қоришма бўлиб, унда хромосома ва ядроча жойлашган. Нуклеоплазма таркибига турли хил ферментлар ва нуклеин кислотаси киради.

Хромосомалар икки хил ҳолатда бўлиши мумкин. Ишчи ҳолатида ингичка ипга ўхшаш бўлиб, модда алмашинуви жараёнида фаол қатнашади. Уларни фақат электрон микроскоп ёрдамида кўриш мумкин. Ядронинг бўлиниш даврида улар максимал даражада йигилиб қисқа ва йўғон бўлади. Бу ҳолатда уларни ёргулик микроскопида ҳам кўриш мумкин бўлади. Улар генетик ахборотларни бўлишигириш ва ташиб вазифасини бажарадилар ва модда алмашинуви жараёнида қатнашмайдилар. Химиявий таркиби эса ДНК ва оқсидан иборат нуклеопротеиддан таркиб топган. ДНК молекулаларининг таркибий қисми – нуклеотидларdir. Нуклеотидлар З компонентдан: фос-фор кислотаси, дизоксирибоза шакари ва 4 та азот бирикмалари: аденин, гуанин, тимин, цитозиннинг бири.

Нуклеотидлар узун занжирли хидаланган тартибда бирикадилар. ДНК молекуласининг ҳужайранинг махсус оқсилини синтезловчи қисмига ген дейилади. Ҳар бир организм учун ўзига хос бўлган ДНК молекуласидаги нуклеотидлар кетма-кетлиги ирсий код

дайилади. ДНК таркибини 1953 йилда инглиз олимлари Дж. Уотсон ва Ф. Криклар аниқлашган ва бу жуда йирик кашфиёт ҳисобланади. Бу кашфиёт ирсиятнинг молекуляр механизмини тушунтириб берди.

Хужайрада ДНК микдори доимий, лекин хужайра ҳар гал бўлингандан янги ДНК молекулалари ҳосил бўлиб, улар она ҳужайрадан қиз ҳужайрага ўтади. Ҳозирги тасаввурларга кўра ДНК молекуласида ҳужайранинг, бинобарин, ундан пайдо бўладиган организмнинг ҳам барча ирсий ахбороти "кодланган" бўлади.

Ядро ичидағи ядроча одатда сфера шаклида бўлиб, анча қуюқдиги билан ажралиб туради. Уларда РНК бор ва уларнинг ўлчами бекарор. Ядрочалар ҳужайрада муҳим вазифани бажаради, уларда кейинроқ цитоплазмага ўтадиган рибосомалар ҳосил бўлади ва у РНК кислоталари синтезида ҳамда ядронинг бўлиниш процессида иштирок этади. Шундай қилиб, ядро ҳужайранинг муҳим қисми ҳисобланади. Ҳужайрани иккига бўлиб бир қисми ядросиз қолдирилса шу қисми тезда ўлади. У ҳужайра қобигини ҳосил бўлишида ҳам иштирок этади. Ҳужайра бўлинаётганида дастлаб ядро бўлиниади.

**Ядро ва ҳужайранинг бўлиниши.** Ҳужайра оддий усулда, яъни бўлиниб кўпаяди. Бунда битта она ҳужайрадан 2 та қиз ҳужайра ҳосил бўлади.

Ҳужайралар уч хил: тўғри, яъни амитоз, нотўғри, яъни митоз ва редукцион, яъни мейоз йўли билан кўпаяди.

Амитоз бўлишиш айрим тубаи ўсимликлар (бактериялар ва замбурутлар)да содир бўлади. Унинг моҳияти шундан иборатки, дастлаб ҳужайранинг юмалоқ ядроси чўзилиб, узунчоқ шаклга киради. Кейин белидан ингичкалашиб иккига бўлиниади. Сўнгра цитоплазма ҳам худди шундай бўлиниади.

Митоз (кариокинез) вегетатив ҳужайраларга ва қўпгина тубан ўсимликларга хосdir. У тўрт фаза: профаза, метафаза, анафаза ва телофазага бўлиниади.

Профазада тиним ҳолатидаги ядро бўртиб катталашади. Ундаги хромосомалар бу даврда ип шакли-

да бўлади. Хромосомалар хроматик моддалар (ДНК молекулаларининг оқсил билан бирикмаси) протофибрillardардан ҳосил бўлади. Профаза охирида ядронинг ҳамма моддаси хромосома ва ядро ширасига ажралади. Бунда ҳар қайси ўзининг ёнида худди ўзига ўхшаган хромосома синтезлайди.

Метафазада ядро пўсти эриб кетиб, ядро шираси билан цитоплазма ажралиб кетади. Хромосомалар йўғонлашиб, калта тортади ва ўсимликнинг ўзига хос шакла киради. Хромосоманинг ҳар бир жуфтги ҳужайранинг ўртасида ичига ботиқ томонлари билан жойлашади. Шунингдек, ҳужайрада ахроматин дук деб аталувчи бир қутбдан иккинчи қутбга чўзилган рангсиз иплар ҳосил бўлади. Хромосомалар ана шу дукнинг ўртасида жойлашиб дукларнинг бир қисми ҳужайраларга бирикади. Метафаза охирида хромосомалар иккига ажралади ва уларнинг сони икки марта ортади.

Ажралган қиз хромосомалар анафазада хроматин дукнинг икки учига шундай тарқаладики, бунда ҳужайранинг қутбларида ҳужайра бўлинаётган даврдаги хромосомалар сонига тенг миқдорда хромосома бўлади.

Ҳужайранинг қутбларига бориб жойлашган хромосомалар телофазада кам сезилади, чунки улар хроматик модданинг протофибрillardарига ажралади. Ядроча, ядро пўсти қайта тикланиб, ҳужайра пўсти ривожлана бошлайди. Демак, телофаза профазанинг аксиdir.

*Мейоз редукцион)* ўсимликлар ҳаётида бир марта, кўп йиалик ўсимликлар ҳаётида ҳар йили гуллаш даврида содир бўлиши билан митоздан фарқ қиласди. Ташки кўринишидан мейоз митозга ўхшайди, лекин редукцион бўлиннишда бир-бири билан тез алманинадиган икки бўлинниш содир бўлади. Профазада ҳам хромосомалар ҳосил бўлиши кузатилади, лекин узун хромосома иплари аввал тартибсиз жойлашади, кейин жуфт хромосомалар яқинлашади, улар йўғонлашиб, калта тортади ва бир-бирига параллел ҳолда зич туташади. Улар бир-бири билан шунчалик зич жойлашадики, гуё ядрода қўш хромосома эмас, фақат

битта хромосома бордек түюлади ва улар бивалент деб юритилади.

Кейинги фаза – метафазада ядро пўсти йўқолиб, бивалент ҳужайранинг экваториал қисмида жойлашади ва бўлинишнинг ахроматик дуки ҳосил бўлади. Жуфт хромосомалар тарқалади.

Анафазада гомологик хромосомаларнинг ўзаро боғлиқлиги бузилиб, улар ҳужайраларнинг қутбларига тарқалади. Бунда ҳар бир хромосома иккита хроматиндан тузилган бўлади. Митозда эса қутбдаги битта хроматидли хромосомалар тарқалади.

Телофаза эса жуда қисқа бўлиб, бу фазада биринчи бўлиниш процесси тугайди ва иккинчи бўлиниш метафазаси бошланади. Бунда ҳар бир хромосома яна қайтадаи иккита ва якка хроматидга бўлинади, улар яна қайтадан қутбларга тарқалади. Иккинчи телофазада ядро пўсти ва ядрочаси бўлган тўртта янги ядро вужудга келади. Хуллас, мейозда битта она ҳужайрадан тўртта қиз ҳужайра ҳосил бўлади.

Ядро бўлинганда ҳосил бўладиган хромосомалар сони ўсимликнинг ҳар қайси турида доимий бўлади. Масалан, қаттиқ бугдойда хромосомалар 28 та, гўзада 26 та, маккажўхорида 20 та, нўхатда 14 та бўлади. Ҳужайра бўлинаётганда ҳосил бўладиган бу хромосомалар сони *diploid* сон дейилади ва  $2n$  билан ифодаланади.

Хромосомалар сони икки марта камаядиган редукцион бўлинишдан кейин ядро гаплоид бўлади, яъни хромосомалар тўплами икки марта кам бўлади ва  $n$  билан ифодаланади. Редукцион бўлинишнинг биологик маъноси ҳам ана шундан иборат, чуники бундай бўлинишсиз хромосомалар сони диплоид бўлган жинсий ҳужайралар қўшилганда тўргта, кейинги бўлинишда саккизта хромосомалар тўплами ҳосил бўлар эди.

Редукцион бўлиниш ҳар хил ўсимликларда улар ҳаётининг турли даврларида содир бўлади. Гулли ўсимликларда бу жараён улар уругланишидан бир оз илгари жинсий ҳужайралар шакланаётганда кузатилади. Папоротник ва қирқ бўғимларда эса редукцион

бўлиниш билан уругланиш орасида узоқ вақт ўтади ва ўсимлик ҳаётида худди икки давр бордек туюлади: бири редукцион бўлинишдан уругланишгача, иккинчиси, уругланишдан янги редукцион бўлинишигача бўлган давр. Кейинги ҳолда ўсимлик ҳаётида иккита бир хил бўгин: бири жинсий, яъни гаметофит, иккинчиси жинссиз, яъни спорофит пайдо бўлади ва улар доим бир-бири билан тўгри алмасиб туради.

Гаметофит ҳужайралар доим гаплоид бўлади, улар ҳосил қиласиган жинсий ҳужайралар ҳам гаплоид. Жинсий процессда иккита жинсий ҳужайранинг қўшилишидан зигота деб аталадиган диплоид ҳужайра ҳосил бўлади. Зигота кўп марта бўлиниши натижасида жинссиз бўгин, яъни спорофит ривожланади. Спорофит ҳаётининг охирида редукцион бўлиниш содир бўлиб, спора деб аталадиган гаплоид ҳужайралар ҳосил бўлади. Споралар она ҳужайралардан ажralган алоҳида ҳужайралардир: улардан кейинги жинсий бўгин, яъни гаметофит ривожланади. Баъзан табиатда ядродаги хромосомалар сони кўп марта ортиши кузатилади. Бу ҳодиса полиплоидия деб аталади. Агарда хромосомалар сони гаплоид ядродагига нисбатан 3 марта ошса – триплоид, 4 марта ошса – тетраплоид ядро дейилади ва ҳоказо.

Ўсимликларнинг полиплоид формалари кўпинча ўзида қимматли ҳўжалик белгиларини тутиб, улар кейинги танлаш ва кўпайтириши учун хизмат қиласи.

Маълумки, организмлар ирсий белгиларининг наслдан-наслга ўтишида хромосомадаги ДНК молекулалари тўплами ва уларнинг таркиби асосий роль ўйнайди. Ирсиятни белгилайдиган барча ирсий омиллар йигиндиси генотип, организм ва унинг белгиларининг ривожланишида бу омилларнинг амалий намоён бўлиши фенотип дейилади.

Ирсий белги – хусусиятларни ота-она организмидан наслга ўтиши қўйидагича ифодаланади: ядродаги ДНК молекулалари алоҳида ахборот РНК молекулаларини ҳосил қиласи, булар кейинчалик цитоплазмага ўтиб, рибосомаларга қўшилади ва шу организм учун хос бўлган матрица (асос) бўлиб хизмат

қилади. Хуллас, ДНК молекулаларида бұлгуси организмнинг генотипик хусусиятлари кодланғандыр ва генотип фенотипнинг кейинги ривожланишини назорат қилади. Шунингдек, организм шакланаётган мұхит шароити ҳам бунга таъсир қилади.

#### 4 - боб

### ТҮҚИМАЛАР

Тузилиши ва бажарадиган вазифаси бир хил, келиб чиқишига кўра умумий бўлган ҳужайралар тўпламига тўқималар дейилади.

Тўқима уларни ҳосил қилган ҳужайраларнинг шаклига қараб паренхиматик ва прозенхиматик тўқималарга бўлинади. Юмалоқ, тўғри бурчакли ёки кўп бурчакли ҳужайралардан ташкил топган тўқималар паренхиматик тўқима, узунчок тўқималар эса прозенхиматик тўқималар дейилади.

Тўқимани ҳосил қилувчи ҳужайралар пўстларининг химиявий таркибиغا қараб, ёғочланган ва лўқакланган тўқималар деб таърифланади. Ҳужайра пўстларининг нечогли қалинлашганлигига қараб, улар қалин деворли ва юпқа деворли тўқималар деб юритилади.

Тўқималар ташкил толиб бўлган тўқима ҳужайраларида тирик модда бор ёки йўқлигига қараб, тирик ва ўлик тўқималарга ажратилади.

Тўқималар уларни ҳосил қилувчи ҳужайраларнинг қай даражада тулашганлигига қараб ҳам бирбиридан фарқ қиласди. Агар ҳужайралар ўзаро зич жойлашган бўлса, улар пишиқ тўқима, ҳужайралараро бўшлиги катта бўлса, говак тўқима дейилади.

Тўқималар ҳосил бўлган пайдада унинг ҳужайралари бир-бiri билан зич жойлашиб, улар орасида бўшлиқ бўлмайди. Вакт ўтиши билан ҳужайралар юмалоқ шаклига кира бориб, улар орасида бўшлиқлар пайдо бўлади. Оқибатда ҳужайралараро бўшлиқлар ва йўллар ҳосил бўлади. Улар ҳам газ алмашинуви на бугланиш, ҳам модда алмашинуви жараёнида ажралиб чиқсан қўшимча маҳсулот смола, ошловчи моддаларни жойлаштирадиган ўрин ҳисобланади.

Физиологик вазифаси ва ўсимлик ҳаётидаги

умумий ақамиятiga қараб түқималар қуйидаги типларға бўлинади. Булар қопловчи, асосий ўтказувчи, механик ва ажратувчи. Буларнинг ҳаммаси доимий түқималар бўлиб, улар ҳосил қилувчи түқимадан пайдо бўлади. Шундай қилиб ўсимликда 6 хил түқима бўлади.

## 1§. ҲОСИЛ ҚИЛУВЧИ (МЕРИСТЕМАТИК) ТҮҚИМАЛАР

Айтиб ўтилганидек, меристема бошқа түқималарни ҳосил қилишга хизмат қилувчи, ўсишни таъминловчи түқимадир. Келиб чиқишига кўра бирламчи ва иккиламчи, ўсимликда жойлашишига қараб апикаль ёки учки, лотераль ёки ён ва интеркаляр ёки қўшимча меристемаларга бўлинади. Апикаль меристемалар ўз навбатида вегетатив шохча апикали, ҳосил шохлари апикали ва илдиз апикалига бўлинади. Шундай қилиб, ҳосил қилувчи түқималар илдиз ва новданинг учки қисмида жойлашади. Улар фақат асосий новданинг эмас, балки ён шохлар ва илдизнинг барча тармоқлари учки қисмида жойлашади

Лотераль меристемаларга ўтиш даирәда доимий бўлинниб, цилиндр ҳосил қилувчи поя ва илдизнинг ичидаги хужайралар - перицикл ва кейинчалик ўзгариб ўтказувчи түқималар ҳосил қилувчи – прокамбийдан иборат (бу ҳақда кейинчалик тўхталиб ўтамиз).

Юксак ўсимликларда меристемалар жуда эрта, организм ривожланишининг дастлабки фазала-рида тақсимланади. Уругланган тухум хужайраси бўлинниб эмбрионал, яъни меристематик муртаколди (проэмбрио) хужайралардан таркиб топган. Иккита ўзаро қарама-қарши қутбларда, яъни муртак илдиз учи ва дастлабки куртакчада инициал хужайралар гурухи жамланади ва улардан учки меристемалар шакланади. Бу меристемалардан илдиз ва новдалар бўйига ўсади. Илдиз ёки новда тармоқланганда ҳам албатта ўз инициал хужайраси бўлган учки меристемалар ҳосил бўлади.

Ён меристемаларнинг айримлари тўтридан-тўгри апекс остида ва апикаль меристемалар билан яқин

алоқада бўлган ҳолда ҳосил бўлади. Бу меристемалар бирламчи меристемаларга киради (прокамбий, перицикл). Бошқа ён меристемалар (камбий, феллоген) кейинроқ пайдо бўлади ва шу сабабли улар иккиламчи меристемалар дейилади. Лекин бирламчи ва иккиламчи меристемалар деб аслида шартли равишда айтилади, чунки улар ўртасида аниқ чегара ўтказиш қийин. Кўпинча иккиламчи меристемалар, масалан, феллоген, доимий тўқималардан дифференциация йўли билан, яъни қайта меристема пайдо қилиш орқали ҳосил бўлади. Кўпинча (масалан, кўпчилик бирпаллали ўсимликларда) иккиламчи меристемалар бўлмайди ва ўсимлик танаси фақат бирламчи меристемалардан иборат бўлади.

Ёш тўқималар апикаль меристемалардан акропеталь тарзда, яъни асосидан учига қараб ривожланади. Акропеталь ривожланиши идизларда аникроқ кўринади, новдаларда эса интеркалярь меристемалар фаолияти натижасида тез-тез бузилиши мумкин.

Кўшимча, яъни интеркалярь меристемалар фаол ўсувчи меристематик участкалардан иборат бўлиб, кўп ҳолларда улар бўгин оралиқларида жойлашган. Уларни қодик меристемалар деб атаси ҳам мумкин, чунки учки меристемалардан келиб чиқади. Сабаби, новданинг кўшни участкаларига нисбатан уларни доимий тўқималар тарзида ҳосил бўлишига тўсқинлик мавжуд.

Учки ва ён меристемалардан қўшимча меристемалар шу билан фарқ қиласди, биринчидан, уларда айрим дифференцияланган элементлар (масалан, ўтказувчи), иккинчидан эса уларда инициал ҳужайралар бўлмайди. Шу боисдан қўшимча меристемалар вақтинчалик характерга эга бўлиб, охир-оқибатда улар доимий тўқималарга айланади.

Қўшимча меристемалар барг бандининг асосида яққом кўринади, уларда тўқималар дифференциацияси базипеталь тарзда, яъни юқорида пастга томон ўзгаради.

*Меристема ҳужайраларининг ўсиши.* Меристемада ҳосил бўлган ҳужайралар, бир неча марта бўлинниб, у ёки бу доимий тўқималарга ажralади ва уларни янги пайдо бўлган ҳужайралар томонидан четга сурилади. Шундай қилиб, ҳар бир ҳужайра меристемалар

таркибида чекланган муддат яшайди. Меристематик ҳолатни йўқотиб, улар қатор ўзгаришларга учрайди. Унинг пўсти нозик бўлган даврда чўзилишга мойил, ўз ҳажмини кентгайтириб охирги ҳолатдаги шакл ва ҳажмини қабул қиласди.

Ҳужайралар ўлчамининг ўсишида кучли суюқланиш кечади. Вакуолалар ҳажми ошиб, улар ўзаро кўшиладилар ва оқибатда битта каттакон вакуола ҳосил қиласди, қайсиким ҳужайра цитоплазмаси билан ўралган бўлади. Бир хил ҳужайралар қандай қилиб бошқа хил ҳужайрага айланади? Ҳужайралар дифференциациясининг ички механизми етарли даражада ўрганилмаган. Лекин умумий тарздаги жавоб шуки, ёш меристематик ҳужайраларда бошқа тўқималарни ҳосил қилиш қобилиятига эга, лекин бунинг аниқ воситаси ҳужайранинг қўшни ҳужайраларга нисбатан жойлашган ўрнига борлик ва ягона организм сифатида ўсимликнинг ўзи томонидан бошқариб турилади.

## 2§. АСОСИЙ ТЎҚИМАЛАР

Асосий тўқималар ўсимликда энг кўп жойни эгаллаб, улар ташқаридан қопловчи тўқималар билан ўралган, улар орасига эса ўтказувчи ва механик тўқималар жойлашган бўлади. Бошқа тўқималардан фарқ қилиб, асосий тўқималар ҳужайраларро бўшиликларга жуда бой. Асосий тўқималарнинг бош вазифаси эса ўсимликларни озиқдантиришдан иборат. Шунга кўра улар З турга: *ассимиляцион*, *гамловчи* ва сўрувчи паренхималарга бўлинади.

Сўрувчи паренхима - илдизнинг учиди, унинг сўрувчи қисмида жойлашиб, илдиз тукчалари томонидан тупроқдаги сув ва унда эриган минерал моддаларни сўради ва уни илдизнинг марказий қисмига ўтказади. Бу моддалар ундан ўтказувчи маҳсус тизимга ўтиб, ўсимликни барча органларига тарқалади.

Ўз тузилиши ва юксак ўсимликларда учрашига кўра улар жуда турли-туман. Шулардан ризодерманинг (грек. *риза*-шлаз; *дерма*-тери) аҳамияти катта бўлиб, у барча ёш илдизларнинг устки қаватидир. Тупроқдан сув

ва унда зриган минерал моддалар ризодерма орқали илдизга ўтади.

Ассимиляцион паренхима ёки хлоренхима ўзида кўплаб хлорофил доначалари борлиги билан характерланади. Унинг асосий вазифаси фотосинтез бўлиб, бирламчи маҳсулотлар ҳосил қилишдан иборат. Углеводлар ҳосил бўлиши факат хлоропластлар борлиги билан эмас, балки қуёш нури тушишига ҳам боғлиқ. Шу сабабли хлоренхима одатда барг пўстининг остида, яшил новдаларда жойлашиб уларга чуқур сингиб боради.

Ассимиляцион тўқималар нисбатан сода тузилишга эга. Улар юпқа пўстли қарийб бир хил паренхиматик ҳужайралардан иборат. Уларниң деворий қатламида кўплаб хлоропластлар жойлашлан. Шу сабабли ҳам улар баъзан хлоренхималар ҳам деб юритилади.

Хлоропластлар одатда бир қават бўлиб, ҳужайра девори бўйлаб жойлашади. Бу эса маҳсус мослашув натижаси бўлиб, шундай ҳолатда кўпроқ хлоропластлар жойлашади, улар бир-бирига камроқ соя беради ва ташқаридан келадиган карбонат антидириднинг манбаига яқинлашади. Ёргуликнинг тушишига қараб хлоропластлар ўрин алмашиб турадилар.

Баъзи ҳолларда цитоплазма деворий қаватининг юзасини кентгайтириш мақсадида улар қатлам ҳосил қиласди. Оддий қарагай мисолида бу аниқ кўринади. Электрон микроскоп ёрдамида кузатиш орқали қилинган ҳисоблашлар хромосомалар сонини 5 ва ундан кўпроқ марга ортиқлигини кўрсатади. Хлоропластларнинг умумий ҳажми ҳужайра протопластининг 70-80% ҳажмини ташкил қиласди.

Баргнинг устки қисмида унга перпендикуляр жойлашган призмасимон ҳужайралар бўлиб улар *полисақ* ёки *устунсимон* тўқималар дейилади. Барг остидаги тўқималар эса сийрак жойлашади ва булутисимон ёки губкали паренхима дейилади. Губкали тўқималarda хлорофилл доначалари бўлса-да, улар асосан газ алмашинуви ва сув буглатиш вазифасини бажаради. Ассимиляция эса унинг иккинчи даражали вазифасидир.

Ассимиляцион тўқималар ўсимлик танасида кўпинча рангсиз қопловчи тўқима – эпидермис остида жойлашади. Бу эса газ алмашинуви ва ёритилиш

имкониятини яхшилайды.

Хлоренхимада күплаб хужайралараро бўшлиқлар жойлашиб, улар газ алмашунувини енгилаштиради. Юпқа ва рангсиз эпидерма тагидан кўриниб хлоренхима барг ва ёш новдаларга яшил ранг беради.

*Фамловчи паренхима.* Бу тўқималар, асосан крахмал, инулин, шакар, ёғ каби запас моддаларни гамлашга мослашган. Улар уругли ўсимликларнинг барча органларида учрайди. Фамловчи тўқималар крахмал ва оқсили тўплайдиган галла ўсимликлар, крахмал, оқсили, ёғ (арахис) тўплайдиган дуккакли ўсимликлар уругида, тугунак илдизларда, дараҳт ва буталарнинг новда ва шохларида, шакар тўплайдиган қанд лавлаги илдиз мевасида жойлашган. Ҳатто лавр, зйтун, магнолия, падуб каби доимий яшил ўсимликларнинг ташқи хужайраларида ҳам йилнинг маълум даврида крахмал доначалари бўлади. Бу паренхиманинг хужайраларида фақат запас моддалар тўпланмасдан альколоид глюкозид, ошловчи моддалар, каучук ва смола қоришмалари каби органик бирикмалар ҳам тўпланади.

Булардан ташқари, ушбу паренхима турли хил эритмаларни ўсимликнинг ўзида ўтказиш вазифасини бажаради.

Фамловчи паренхиманинг амалий аҳамияти аниқ. У биз учун турли хил ўсимлик маҳсулотларининг манбай ҳисобланади.

Айрим ўсимликларда аэрэнхима деб аталувчи маҳсус ҳаво тутувчи паренхималар ривожланиб, улар ўсимликнинг сувга ботиб турувчи илдиз қисмининг нафас олиши учун хизмат қиласи. Бунаقا паренхималар одатда ботқоқлик ёки сувда ўсишга мослашган ўсимликларда учрайди.

### 3§. ҚОПЛОВЧИ ТЎҚИМАЛАР

Юксак ўсимликларнинг органлари ташқаридан қопловчи тўқималар билан ўралган. Қопловчи тўқималарнинг эса З та типи мавжуд. Булар эпидерма, пробка ва пўстлоқ. Эпидерма қатлами дастлаб ўсимликнинг барча

қисмини ўраб тураси. У ўсимликнинг бугун ҳаёти давомида унинг айрим органлари, хусусан ёш новда ва баргларида сақланиб қолади. Кўп йиллик ўсимликларда унинг энига ўсиши асосида ўзгариб, дастлабки вегетациянинг охиридаётк иккиламчи қопловчи тўқима - пробка билан ўрин алмашади.

Ўсимлик танаси ташқари билан доимий алоқада бўлиб тураси, чунки унда доимий равишда модда алмашинуви жараёни кечади. Шу сабабли эпидерманинг асосий вазифаси - газ алмашинувини бошқариш ва транспирация, яъни сув буғлатишдан иборат. Эволюция жараёнида эпидерма жуда илгари, юксак ўсимликлар қуруқликка мослаша бошлаш даврида пайдо бўлган. Унингиз қуруқликда ўсувчи ўсимликлар ҳаётини тасаввур қилиб бўлмагди.

Эпидермалар шунчалик ажойиб тузилганки, улар ўз вазифасини аниқ ва самарало бажаради. Эпидерма ҳужай-ралари эса ўзаро жуда зич (онизчалар тешигини ҳисобга олмагандан) жойлапиб, сувни организмдан бекорга чиқиб кетиштига йўл қўймасликка қаратилган. Лекин эпидермаларнинг муҳим хусусияти шундан иборатки, улар тирик ҳужайралардан тузилган ва тириклинида ўзининг барча тартибиға солиб турувчи вазифасини тўлиқ бажаради.

Булардан ташқари, эпидерма яна бир қатор вазифаларни бажаради. Улар ўсимлик танасининг ичкарисига касаллик қўзғатувчи организмларни киригмайди, ўсимликка мустаҳкамлик бериб тураси. Шунингдек, эпидерма ташқарита эфир мойлари, сув ва тузларни чиқариб тураси. Ҳатто эпидерма сўрувчи тўқима вазифасини бажариш мумкин.

Эпидерма нисбатан бир хил тирик ҳужайраларнинг қаторидан ҳосил бўлган. Эпидерма устидан купикула деб аталувчи қават қопланган. У баргни бўкиб қолишдан сақлаш учун хизмат қиласи, чунки баргта тушган сув томчиларини ичкарига ўтказмайди. Эпидерма бундан ташқари ўзида турли хил минерал тузларни шимиб қаттиқ қават (масалан, қамишда) ҳосил қилиши мумкин.

Эпидермада сувни кам буғлатиш учун хизмат қиласидаган туклар ҳам мавжуд. Улар шакли, узун-қисқалигига кўра турли-тумандир. Бу туклар баъзан

минерал моддаларни шимиб қотади, баъзан ёғочланиб ўткирлашади (қовоқда).

Шундай туклардан гўза уруги пўстининг тукидир. Уни биз қимматбаҳо ашё сифатида яхши биламиз. Чаён ўтининг тукларида чумоли кислотаси бўлиб куйдирувчи хусусиятта эга.

Эпидерма қавати билан қопланган этнинг ташки муҳит билан алоқаси оғизчалар орқали бўлади. Оғизчалар иккита ярим ой шаклидағи ҳужайралар бўлиб, улар ўзининг шакли ва яшил пластидалари борлиги билан бошқа ҳужайралардан фарқ қиласи. Бу икки ҳужайраларни чўзинчоқ ҳужайралараро бўшлиқ ажратиб турди ва бу оғизчанинг очилиб- ёпилишини бошқариб турди. Ўсимликнинг физиологик ҳолатига қараб бу тешикча очилиши, ёпилиши ёки шунчаки қисқариши мумкин. Оғизча орқали карбонат ангидрид барг ичкарисига киради, эркин кислород эса атмосферага чиқади. Оғизчалар баргнинг остки қисмида кўпроқ бўлади. Баргдаги оғизчаларнинг сони ўсимлик туритга, унинг яшаш шароитига қараб турлича бўлади ва ўртача 100-300 тадан 1000 тагача ва ундан ҳам кўпроқ бўлади.

Одатда эпидерма ўсимлиқда бир неча ҳафтадан бир неча ойгача умр қўради ва унинг ўрнида иккиламчи қопловчи тўқима - пробка ҳосил бўлади. Унинг пайдо бўлиши учун маҳсус иккиламчи меристема зарур бўлиб, у эпидерманинг ўлиши билан юзага келади. Иккиламчи меристема пробка камбийси ёки феллоген деб аталади. Одатда у бир қават чекка томони билан чўзилган бўлинувчи ҳужайралар қаватидан иборат. Бўлинини эса поя юзасига параллел тарзда амалга ошиб, бу ҳужайраларнинг чекка пўсти қалинилашиб боради ва секин-аста протопластини йўқотади. Оқибатда пробка ҳосил бўлади. Шу сабаб пробка ҳужайралари ўлиқдир.

Пробка камбийси икки томонга ицлайди. Ташки томонга ажралган ҳужайра қатлами пробка тўқимасига айланади. Ҳужайраларнинг кўпроқ қисми эса ички, яъни пояга томон ажратилади ва улар

тириклигича қолади. У эса *феллодерма* деб аталади. Пробка түқимаси, пробка камбийси ва феллодерма биргаликда *перидерма* деб юритилади.

Пробканинг асосий вазифаси – ўсимлик танасидаги намликни сақлаштыр. Лекин пробка бошқа мұхим вазифаларни ҳам бажаради. У ўсимликнинг танасига касалмик түғдирувчи организмлар киришига йўл қўймайди. Бунга пробканинг мустаҳкам тузилиши ёрдам беради. Кўп йиллик пробка танага, бугоқ ва новдаларга мустаҳкам механик ҳимоя воситаси ҳисобланади. Феллоген эса янги қаватлар ҳосил қилиб танага етказилган барча жароҳатларни даволашга хизмат қиласди. Хуллас, пробка мустаҳкам гилоф сифатида танада иссиқлик режимини бошқариб туради (унинг ҳужайралари ҳаво билан тўлган) ва ўзгарувчан ҳаво ҳарорати, яныни юқори иссиқ ва совуқдан ҳимоя қиласди.

Пробка камбийси турли ўсимликларда турлича умр кўради. Одатда эса бир неча ойдан кейин нобуд бўлиб, пўстлоқнинг чуқурроқ қаватида пробка камбийсининг янги қатлами ҳосил бўлади. Бундай ҳолатда ундан озиқдана олмайди ва ўла бошлайди. Бу ўлик тўқималар йигиндиси эса пўстлоқ дейилади. Аслида пўстлоқ учламчи қопловчи тўқима бўлиб, у ёрилиб-ёрилиб бўлакчалар ҳолида бўлади. Кўп йиллик ўсимликларда қуруқ пўстлоқ мұхим ҳимоя вазифасини бажаради. У ўсимликни иссиқ-совуқдан, ҳайвонлардан сақлайди.

Турли ўсимликларда пўстлоқ турли йилларда ҳосил бўлади. Масалан, олмада у 6-8 ёнда, трабада эса 50 йилдан кейин пайдо бўлади. Айрим ўсимликларда (чинор, эвкалипт) пўстлоқ умуман ҳосил бўлмайди.

Пўстлоқ тўқималари ўлик бўлганлиги сабабли улар тананинг ўсишига мос равишда кенгайиб бора олмайди. Шу сабабли эргами-кеч улар йиртилиб узун ёриқлар пайдо бўлади. Пўстлоқ ва пўкак ўртасидаги чегара ўтказиш қийинлиги сабабли, одатда шу ёриқларнинг чуқурлигига қараб бу чегара белгиланади. Айниқса, қайнин дарахтида бу чегара ранглар хилма-хиллигига қараб аниқ билиниб туради.

## 48. МЕХАНИК ТҮҚИМАЛАР

Ўсимликда скелет бўлмаганлиги сабабли турли хил механик таъсиrlар: шамол, қор, ёмгир ва ўзининг шоҳ-шаббаси, барги ва меваларини кўтариб туриш вазифасини механик тўқималар бажаради. Ўсимликларнинг эндигина ҳосил бўлаётган ёш организмларида механик тўқималар бўлмайди. Улар тургор босим ёрдамида ўзини тутиб туради. Кейинчалик айтиб ўтилган таъсиrlарга бардош бериш хусусиятига эга бўлган механик тўқималарга зарурат тугилади. Аслида пишиқлик ўсимликнинг барча тўқималари иштироқида ҳосил бўлади, лекин механик тўқималар туфайли бу пишиқлик бир неча марта ошади.

Механик тўқималарнинг ҳужайралари деворининг жуда қалинлатиши ва тез-тез ёғочланиши билан фарқ қиласди. Кўпинча эса механик тўқималарнинг ҳужайралари ўлик бўлади. Механик тўқималар уларни ташкил қилувчи шакли ва турига қараб: колленхима ва склеренхима деб аталадиган иккита асосий гуруҳга бўлинади.

Икки паллали ўсимликларнинг ўсуви органлари пояси, барги, мева бандида колленхима (грек. колла-елим) деб аталадиган маҳсус механик тўқима учрайди. Колленхима ҳужайралари тирик, целлюлоза пўстли паренхима ёки чўзиқ ҳужайралардир. Кўпинча колленхима асосий тўқиманинг чеккасида жойлашиб, ўсимликнинг ўсуви органларини мустаҳкамлашдан иборат. У одатда поя эпидермиси остида узлуксиз қат-қат бўлиб жойлашади. Колленхима баъзан ўсимлик илдизида ҳам (карам, лавлаги) учрайди.

Колленхима аслида узун чўзилган тирик ҳужайралар тизимидан иборат бўлиб, уларни учи тўмтоқ ёки кесилган. Уларнинг пўсти жуда қалинлашган, лекин томонларнинг бир тарафи юпиقا, иккинчи тарафи қалин бўлади. Бу эса уларга ўзига хос шакл беради. Қалинлашган томон пектин ва гелицеллюлоза билан тўйинган, сувга бой бўлади. Қарама-қарши қават эса цемлюлозадан иборат.

Колленхима ёш новдаларда анча эрта, ҳали улар ўсишни бошлаган даврида ёсил бўлади. Агар шу даврда чўзилишига қодир бўлмаган қаттиқ тўқималар ёсил бўлганида, ўсимликнинг бўйига ўсиш имкони бўлмас эди. Колленхима эса ўсимликка пишиқлик бериш асосида ўзи ҳам чўзилиб бораверади. Шундай қилиб, колленхима тирик ҳужайра сифатида чўзилувчандир. Бундан ташқари улар ҳали ёғочланиб улгурмаганлигидан ҳам чўзилувчан бўлади.

Склеренхима ўсимликларда кўплаб учрайди. Улар ички бўшлиқлари сув ва ҳаво билан тўлган қалин деворли ўлик прозенхима ҳужайраларидан иборат. Бу ҳужайраларнинг пўсти кўпинча ёғочлашган бўлиб, баъзида эса цеплюзоздан иборат. Склеренхима ҳужайралари баъзан тола деб аталади ва улар жуда пишиқ бўлади. Склеренхималар пўсти пўлат синхари мустаҳкам бўлади.

Луб толалари ҳам склеренхимага киради. Уларнинг девори клетчаткадан иборат, баъзан эса кўп ёғочланган бўлади. Lub толалари поянинг асосий тўқимаси орасида даста ёки чилвир шаклида жойлашади. Улар некитин моддалари билан бир-бирига ёпишгаш алоҳида-алоҳида луб ҳужайраларидан иборат ва улар амалда таъсири тола деб юритилади. Айрим ўсимликларда улар анча узун. Масалан, наша ва жутда уларнинг узунлиги 4 мм, зигирда 60 мм, рамида 350 мм гача ва ундан ҳам узун бўлади.

Пишиқ ва этилувчан луб толаларидан турли газламалар ва ип ийгиришда фойдаланилади. Зигир, кендир ва рами толаларидан қимматбаҳо газламалар, анча дағал толали катони ва жут толаларидан қоп, брезент, арқон қилинади.

Луб толаларига ўхшаш, лекин кучли ёғочланган толалар либриформ деб аталади. Бу толалар кўп учрайдиган дараҳтлар, жумладан эман, каштан, граб, шамшод ёғочи жуда мустаҳкам ва пишиқ бўлиб, механик таъсиirlарга ўта бардошили бўлади. Lub толалари эса ўсимликнинг этилувчанилигини оширади.

Бундан ташқари, склеренидлар деб аталувчи механик тўқималар ҳам бўлиб, улар эса юқоридаги иккала тўқимага кирмайди. Улар алоҳида тош ҳужайралари ҳолатида бўлади. Булар жуда қалин ва ёғочлашган пўстли, радиал

каналчалар шаклидаги төпикчалари бўлган ўлик паренхима хужайралардир.

Склерейдларни колленхимадан фарқи улар хужайрасининг девори тенг қалинлашган ва кўлинча ёғочланган бўлади. Қобиги шакллангач, унинг ичидаи протоплатлар йўқолиб, хужайра ўлади.

Тош хужайралар меваларнинг қаттиқ деворида ва кўп ўсимликларнинг ургида бўлади. Ёнгоқ, ўрик, шафтоли каби ўсимликларнинг дәнаги тош хужайралари туфайли қаттиқ бўлади. Улар нок ва беҳи каби меваларнинг этида ҳам учрайди.

Механик тўқималар ўсимликда маълум тартибда жойлашиб, улар курилишдаги арматура вазифасини бажаради. Механик тўқималар орасида жойлашган бошқа барча тўқималар эса гўё арматуралар атрофини тўлдириб турган бетон вазифасини бажаради.

## 58. ЎТКАЗУВЧИ ТЎҚИМАЛАР

Ўсимликларда сув ва унда эриган минерал моддаларни пайдиздан поя орқали юқорига кўтарувчи, фотосинтез натижасида ҳосил бўлган органик моддаларни бошқа органларга олиб бориш вазифасини ўтказувчи тўқималар бажаради.

Ўтказувчи тўқималар ўсимликни қуруқликка яшашга мослашгандан кейин ҳосил бўлган. Юксак ўсимликлар танаси икки қисмга, яъни ҳаводан ва тупроқдан озикланишга мослашган. Шунга мос равишда иккита ўтказувчи тўқима ҳосил бўлиб, улар моддаларни икки йўналиш бўйича ўтказади. Ксилема бўйлаб (юонон. кселос-ёғоч) пастдан юқорига, яъни илдиз томонидан сўрилган сув ва унда эриган минерал моддалар баргларга (кўтариувчи оқим) ўтказилади. Шундай қилиб, ксилемани ўтказувчи тўқима дейиш мумкин.

Флозма (юонон. флойос-пўстлоқ) бўйлаб юқоридан пастга, яъни барглардан илдизга қараб фотосинтез натижасида ҳосил бўлган органик моддалар, асосан сахароза оқиб тушади. Бу моддалар карбонат ангидриидни ассимиляцияси натижасида ҳосил бўлганлиги сабабли уларни

ассимилятлар ва пластик моддалар ҳам деб юритилади.

Эҳтимол юқорига ва пастга деган сўзларга ортиқча ургу бериш ноўриндир. Бу ўринда улар бироз нисбий маъно беради. Чунки этилган новдаларда кўтариувчи оқим пастга томон ҳаракат қилса, новда учидаги барг меристемаси иши учун ёки мевага бориш учун пластик моддалар тепага кўтарилади.

Кўтариувчи оқим *найча* ва *трахеенглар* орқали, тушувчи оқим эса *турли* *найчалар* ва уларнинг йўлдош ҳужайралари орқали амалга ошади. Ёник уругли ўсимликларнинг найчалари жуда ингичка капиллярлардан иборат бўлиб, улар ҳужайраларнинг узун қаторидан ҳосил бўлган. Бу ҳужайраларнинг кўндаланг тўсиқлари қисман ва бутунлай эриб кетади ва найчалар девори ёғочлашиб, ҳужайралар протопласти нобуд бўлади ва пайчалар ичи сув билан тўла ўлик найчага айланади. Уларнинг узуплиги турли ўсимликларда турлича, 10 см дан 2-3 м гача бўлади. Найчалар бирлашган жойдан сув тешикчалар орқали ўтади.

Найчаларнинг пўстси қалинлашнишга қараб, найчалар қалинлашган қисми билан қалинлашмаган қисмлари наизатлашган халқали деворлари спирал шаклида қалинлашган спирал, деворлари қалинлашган тўрга ўхшашиб тўрли, қалинлашган жойи юпқа жой билан наизатлашиб турувчи нарвон шаклидаги нарвонсимон, пўстининг сиртида нуқта ёки доирачалар шаклидаги деворигина қалинлашмаган нуқтали найчалар бўлади.

Тешикчаларининг тузилишига қараб эса *оддиё* ва ҳошияли тешикчалар бўлади.

Оддий тешикчалар цилиндросимон каналчалардан иборат бўлиб, ҳужайра бўшлигидан бошланади ва пўстининг иккиласми қавати орқали ўтиб, бирламчи пўстининг қалинлашмаган қисмига келиб тақалади.

Ҳопияли тешикчалар каналчаси ҳужайра бўшлигидан чиқиши билан жуда кенгаяди ва ҳужайра пўстининг иккиласми қатламлари унинг устида юқори томонида тешик бўлган қуббага ўхшашиб ўсиқ ҳосил қилади. Қўшни ҳужайраларда ҳам худди шундай қубба ҳосил бўлади ва ҳар қайси ҳужайра тешикчалари бирбирига рўпара келиб туради.

Найчалар эскирган сари ишдан чиқа бошлайди.

Бунда улар тешикчали каналлар орқали тортилиб келаётган бир-бирига ёндош паренхима ҳужайралари билан тиқинланади. Паренхима ҳужайраларининг найчаларини тиқинловчи ўсимталари тиш деб аталади.

Бошқа ўтказувчи тўқима - *трахеидлар* ҳам ўсимликлар организмида найчалар сингари ўтказувчи вазифани бажаради.. Трахеидлар ҳам ингичка учли ва ёғочлашган қалин деворли ўлик прозенхима ҳужайралари-дир. Уларнинг кўндаланг тўсигида жуда кўп каналчалар бор. Кўндалантига кесиб қаралса улар тўрга ёки элакка ўхшаб кўринади ва шу сабабли тўрли найчалар деб юритилади. Ёндош иккита ҳужайра плазмаси ана шу найчалар орқали бирлашади, юқоридан пастта тушаёттан сув ҳам ана шу найчалардан ўтади. Тўрли найчаларнинг узунлиги одатда 0,3-0,5 мм дан ошмайди, фақат лианаларда 1-2 мм гача етади. Бир паллалиларда тўрли найчалар ўсимлик органининг бутуни умри давомида фаолият кўрсатади. Икки паллалиларда ёзниң охирида нобуд бўлади ва тешиклари битиб қолади.

Ўтказувчи тўқималарнинг юксак ўсимликлар танасидаги элементлари, одатда, алоҳида гурӯҳларга тўпланган, яъни боғлам шаклида бўлади. Бу боғламларга найчалар, трахеидлар ва йўлдош ҳужайралари билан бирга тўрли найчалар киради. Ана шунга ўхшаш боғламлар фақат тўрли найчалардан ёки фақат найча ва трахеидлардан тузилган бўлса, оддий боғлам дейилади ва улар баргларнинг энг ингичка томирида учрайди. Бироқ оддий ва тўрли найчаларга кўпинча паренхима ҳужайралари, шунингдек, луб ва ёғочлик шаклидаги механик элементлар ҳам қўшилади, натижада тўқималарнинг мураккаб бирикмаси - толали - найчали боғламлар ҳосил бўлади. Тузилиши жиҳатдан бу боғламлар луб ёки флоэма ва ёғочлик ёки ксилема деб аталадиган иккита асосий қисмга бўлинади.

Ксилема таркибида найчалар ва трахеидлар, шунингдек, ёғочлик толалари ва ёғочлик паренхималар киради. Флоэма таркибига тўрли пайчалар ва уларнинг йўлдош ҳужайрали луб толалари ва луб паренхималари киради. Фотосингез натижасида ҳосил бўлган органик моддалар флоэма бўйлаб юқоридан пастта қараб оқади.

## 6§. АЖРАТУВЧИ ТҮҚИМАЛАР

Хұжайраларнинг ҳаёт фаолияти натижасида бир қатор чиқындилаар ҳосил бўлади. Уларга органик кислоталарининг баъзи тузлари, смолалар, эфир мойлар, каучук ва бошқалар киради. Бу моддалар ўсимликлар организмидағи маҳсус ажратиш системаси ёрдамида чиқариб юборилади. Бу системалар смола йўллари ва сут найчаларидир. Баъзан оддий паренхима ҳужайралари ҳам чиқындиларни ташқариға чиқариш вазифасини бажараради.

Ажратувчи түқималарни ўрганишнинг қийин жиҳатлари бор. Биринчидан, ажратувчи түқималар тузилиши ва ўсимликда жойлашишига қараб турли хил. Иккитичидан, ўсимлик ажрататётган моддаларнинг морфологик тузилиши бир хил бўлгани ҳолда химияний таркиби хилма-хил, ўхшаш моддаларни эса турли хил ажратувчи түқималар ҳам чиқазиши мумкин. Учинчидан, ажратиб чиқарилган моддаларнинг ўсимликки ўзи учун аҳамияти ноаниқ. Фақат уларнинг айримлари ҳакида аниқ фикр айтиш мумкин.

Афтидан айрим моддалар чиқындилар бўлиб, улар моддалар алмашинуви жараёнида ажралиб чиқади. Меристемаларда ажраладиган моддалар интенсив жараёнларда улар кўпроқ чиқади, деган фикр уйготади. Лекин чиқынди моддалар эволюция жараёнида мослашиши учун қўшимча вазифаларни бажарғанлиги ҳам эҳтимолдан холи эмас. Масалан, айрим смола ва эфир мойлари ажратадиган ўсимликларни ҳайвонлар емайди. Нинабаргилар ёғочидаги смола эса уни чиришдан сақлайди.

Ўсимлик ажратиб чиқарган моддалар бир нечта гурухларга бўлинади. Энг типикларидан бири терпенилар бўлиб, уларга эфир ёғлари, бальзамлар, смола ва каучук киради. Ўсимликлар, шунингдек, полисахариidlар, оқсил моддалари, тузлар ва сув ҳам ажратиши мумкин.

*Ташқи ажратувчи түқималар* Булардан

*темирли туклар* – трихомалар эпидермисдан ҳосил бўлади. Газанда ўсимлигининг куйдирувчи туклари ҳам ташқи ажратувчи тўқималарга киради. У кичик шприцни эслатувчи, ичида шираси бўлиб, терига санчилиши билан шу шираси баданга ўтиб куйдиради.

*Нектарниклар* ҳашаротларни жалб қилувчи нектарлар ажратиб чиқаради. Улар асосан, гулда бўлади.

*Гидатодлар* (юнон. *гидор*, *гидатос*-сув; *одос-йўл*) ташқарига сув томчилари ва унда эриган тузларни ажратиб чиқаради. Ўсимлик организмига вақтингча сув миқдори кўп бўлиб транспирация фаоллиги суст кечгандা гидатодлар орқали гуттация ҳодисаси кечади, яъни ташқарига сув томчилари ажралиб чиқади. Бу ҳодиса ўсимликларда ёз ойларида эрталаб нам етарли бўлганда кузатиласди.

Ташқи ажратувчи тўқималарга, шунингдек, ҳашаротхўр ўсимликлардаги овқат ҳазм қилувчи тукларни ҳам киритиш мумкин. Бу туклардан ажralgan суюқлик моддалар (фэрментлар, кислоталар) ёрдамида ушланган ҳашаротлар ҳазм қилинади.

**Ички ажратувчи тўқималар.** Купчилик шинабаргли дарахтларнинг ёғочлиги, пўст ва баргида учрайдиган смола йўллари смола каналлари деб аталадиган узунасига кетган бўшликлардан иборат бўлиб, уларнинг ички томони паренхима ҳужайралари билан қопланган. Бу ҳужайралар ажратувчи ҳужайралар деб аталади.

Сут найчалари ўсимлик танасида тармоқланиб кетган каналлар системасидан иборат. Сут найчалари доимо тирик бўлиб, унда муаллақ ҳолда каучук, жуда кичик смола томчилари, крахмал доначалар ва алкалоидлар бўлади. Бу кўкнори, сутламагул, қоқиёт каби ўсимликларга хос бўлган сутсимон ширадир. Айрим ўсимликлар, масалан, Бразилия гевеясининг сутсимон ширасидан кўтилаб каучук олинади. Бу ўсимлик экватор зонасига барча мамлакатларда кўтилаб ўстирилади ва катта хўжалик аҳамиятига эга.

## 5- боб

# ГУЛЛИ ЎСИМЛИКЛАР ОНТОГЕНЕЗИННИГ БОШЛАНГИЧ ДАВРЛАРИ

## 1§. УРУГ, УНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА ТИПЛАРИ

Ўсимликнинг индивидуал тараққиёти ёки онтогенези (юонончадан онтос-мавжуд; генезис-келиб чиқиши) битта хужайрадан, жинсий йўл билан ургулантган тухум хужайра, яъни зиготадан бошланади. Онтогенез жараёнида кўп хужайрали юксак ўсимликлар болиқа органларини, биринчи навбатда вегетатив органларини қайтадан ҳосил қиласди.

Гулли ўсимликларнинг асосий вегетатив органлари – новда ва илдиз етилган уругда муртак ҳолатида бўлади. Лекин уруг униб бошлагач, муртакдан янги органлар, хусусан, барг, новда, ён новдалар, кургак, илдиз, ён илдизлар ва қўшимча илдизлар ривожланади. Ўсимлик ривожланишининг кейинги босқичларида кўнайиш органлари, яъни гул, ундан ҳосил бўладиган мева ва уруг ҳосил бўлади. Бу органлар муртак ҳолида уругда бўлмайди ва улар меристема хужайраларининг фаолиятидан пайдо бўлади.

Ўсимликлар ҳайвоналардан фарқли ўлароқ умрбод ўсади ва янги органлар ҳосил қиласди. Бунинг асосий сабаби, уруг муртакда учки меристемаларнинг (поя ва илдизда) мавжудлигидир. Онтогенез жараёнида ўсимликнинг шохланиши эвазига учки меристемалар сони бир неча баробарга ошади. Бундан ташқари, ўсимлик органларининг ҳосил бўлишига лотерал меристемалар (перицикл, камбий) ҳам иштирок этади.

Муртак очик уругли ва гулли ўсимликларда уругда шаклланади. Уруг ўсимликни кўнайиши ва тарқалиши учун хизмат қиласди. У уругкуртгақда,

одатда уругланиш жараёнидан кейин шакланади ва гулли ўсимликларда уруг мева ичида ҳосил бўлади.

Аксарият ҳолларда гулли ўсимликлар уруги уругмуртак, эндосперм ва уруг пўстидан тузилган. Уругмуртак зигоганинг маҳсули сифатида ўз хужайраларида диплоид хромосомалар йигиндисини тутади. Эндосперм эса қўш уругланиш натижасида муртак халтасининг марказий хужайрасидан ҳосил бўлади ва триплоид хужайрадан таркиб топган. Шундай қилиб, уругмуртак ва эндосперм уруг ичида ёнма-ён жойлашса-да, ҳам морфологик, ҳам цитологик жиҳатдан бир-биридан кескин фарқ қиласди.

Муртакнинг вазифаси аниқ. У эмбрион ҳолатдаги янги ўсимлик бўлиб, тўлигинча ёки қисман мериistemадан иборат. Эндосперм муртакни озиқлантириш учун хизмат қиласди.

Айрим ўсимликларда, хусусан, магнолиядошлар, лилиядошларда ва палмаларда муртак жуда кичик бўлиб, уругнинг ичи асосан эндосперм тўқималари билан тўлган бўлади. Бонқаларида эса муртак шаклланиш жараёнида шутқалик ўсадики, уругнинг ичи асосан муртакдан иборат бўлиб, эндосперм фақат уруг пўсти атрофларида учрайди. Бу ҳолатни олма, бодом сингари ўсимликларда кузатиш мумкин. Дуккаклиларда, мураккабигўлдошларда, қовоқдошларда эса уруг фақат муртакдан иборат бўлиб, мавжуд эндосперм ҳам шу муртак ичида бўлади. Лекин аксарият ўсимликларда асосан оралиқ ҳодисалар учрайди.

Уруг ёпиқ уругли ўсимликларнинг жинсий кўпайиши натижасида уругкортак мегаспорангийдан, очиқ уруглиларда макроспорангийларнинг тубида жойлашган уругкуртақдан ўсиб чиқади. Буларнинг уруги тугунча девори билан ҳимоя қилинмасдан очиқ ҳолда ўрнашган. Айрим ҳолларда уруг жинсий хужайралар қўшилмаган ҳолда, уругланмаган тужум хужайраларидан ҳам вужудга келади. Бу ҳодиса аломиксис (юнон. апо-инкор; миксис-аралашиш) деб аталади.

Уруглар шакли, катта-кичиклиги, ранги ва ички

түзиллии билан бир-биридан кескин фарқ қиласы. Уларнинг шакли юмалоқ, чўзинчоқ, эллипссимон, узунчоқ ва ҳоказо шаклларда бўлади. Ташқи қавати эса силлиқ, ғадир-будир, тукли бўлиши мумкин.

Уруг асосан 1-2 қават интегуменит (лот. интегуменитум - қоплама) - уругкуртак қобиги нуцемлюс (лот. нуцемлюс - магиз) ни ўраб турувчи пўст билан қопланади. У уруглангандан сўнг уруг пўстига айланади.

Кўпинча уругда 1 та муртак бўлади. Баъзан эса 2 та ва ундан ортиқ етилиши ҳам мумкин. Кўп муртак етиладиган уругларни очик уруглилар, архидеягулдош, пиёздошлилар ва мураккабгулдошлиларни учратиш мумкин.

**Уруг пўсти.** Уруг пўсти одатда кўпқаватли. Уругда пўст ҳамиша бўлади. Пўстининг асосий вазифаси - муртакни механик таъсиirlардан микроорганизмларни киришидан, қуриб қолишидан, бефурсат ўсишдан сақлашдан иборат. Булардан ташқариц уруг пўсти унинг тарқалишига ҳам хизмат қилиши мумкин. Масалан, тол ва теракини туклари урганин шамолда енгил учишими таъминласа, этдор тухум пўсти қушлар, чумоли ёки ҳашаротларни жалб қиласы. Уруг пўсти анатомик структураси ва ранги хилма-хил. Унинг қалинлиги, пишиқлиги, қаттиқлиги кўпинча мева қатига боғлиқ. Агарда мева чатнамайдиган ва мева қати қаттиқ бўлса, одатда уруг пўсти анча юмшоқ (эман, гирос, кунгабюқар). Бошқа ҳолларда уруг пўсти қалин ва ёточланган (узум, гўза). Эътибор бериб қаралганда уруг пўстида кичик тешик - микропили борлигини кўриш мумкин. Бу тешикдан уруг униш учун зарур сув киради ва одатда муртак ҳолатидаги илдизнинг униш даврида унга шу тешикчага қаратилган ва илдиз униш даврида унга шу тешикча яна керак бўлади.

**Эндосперм.** Етилган уругнинг эндосперми одатда ғамловчи тўқималарнинг йирик ҳужайрасидан иборат. Унсимон эндосперм ҳужайраларида иккиламчи крахмал доначалари, ёғсимон эндосперм ҳужайраларида эса ёғ томчилари тўпланади. Бундан ташқари, уругларда оқсил ва фитин (фосфорли бироксалар)

хам учрайди. Эндосперм уруг бүкканда ферментлар таъсирида гидролизга учрайди ва униш жараёнида муртак томонидан ўзлаштирилади.

Уруглар уругмуртак ва эндоспермнинг нисбати ва жойлашишига кўра бир-биридан кескин фарқ қиласди. Батъзи ўсимликларда уруг муртаги жуда кичик бўлиб, уругнинг ичи деярли эндосперм билан тўлган бўлади. Бундай уругларни эндосперми уруглар дейилади. Бу типдаги уруглар бир паллалиларданғ ғалла-гулдошлар, пиёзгулдошларда; икки паллалилардан итузумдошлар, соябонгулдошлар, сутламадошларда учрайди.

Бошқа груп, ўсимликларда эса бунинг акси. Муртак яхши ривожланиб, эндоспермни ўзлаштириб юборади ва эндосперм уруг пўсти остида бир неча қатор хужайралар шаклида қолади (масалан, бодом) ёки бутуғлай қолмайди (капалакгулдошлар, мураккаб-гулдошлар, қовоқдошлар, раъногулдошлар ва ҳ.к.). Бу типдаги уруглар эндоспермсиз уруглар деб аталади. Эндоспермсиз уругларниң уруг пўсти остида йирик урутчаллалари бўлиб, уларнинг тўқималарида озиқ моддалар тўпланди.

Гамлангани озиқ моддалар перисперм (юнон. *peri-apof*; сперма-уруг) да ҳам тўпланиши мумкин (қорамурч, лавлаги). Бундай ҳолларда муртак жуда кичкина бўлиб, у ҳамма томондан ғамловчи тўқима билан ўралган бўлади.

**Муртак.** Юқорида айтилгани сингари муртак бўлажак ўсимликининг эмбрион ҳолатидир. У деярли меристема тўқимасидан ташкил топган. Кўпинча етилган уругда муртак морфологик жиҳатдан бошлангич новда, илдиз, битта ёки иккита уругпалладан иборат. Чинабарглиларда эса бир нечта уругпалла бўлади. Уругпаллалар ёш хлорофит ўсимликининг биринчи барглари ҳисобланади. Уруг униб чиқсанда иккита баргсизмон яшил палла ҳосил қилувчи ўсимликлар икки паллали ўсимликлар деб аталади. Муртаклари битта уругпаллали ўсимликлар бир паллали ўсимликлар деб аталади (ғалла ўсимликлари).

Бошлангич новда ва илдизнинг учида апикаль


меристемалар жойлашган бўлиб, улар физиологик жиҳатдан ёш ва бўлинниш хусусиятига эга. Муртак пояча, бошлангич новданинг ўсиш нуқтаси жойлашган меристема ҳужайраларидан пастроқда, бўртма шаклида бўлади. Бальзан новданинг апексида уругпаллалардан кейин баргларининг бошлангич бўртмалари (муртак куртаклари) ҳосил бўлади. Муртак ўқининг уругпаллалардан илдиз бўғизигача бўлган қисми гипокотиль (юнон. гипо-остки; котилеодон-уругпама) деб аталади. Уругпалла билан биринчи куртак оралиги эпикотиль (юнон.эпи-устидо) деб аталади. Гипокотильнинг энг пастки қисми илдиз бўғзи орқали муртак илдизчаси билан туташади (2-расм).

Икки паллали ўсимликларда новданинг ўсиш нуқтаси уругпаллаларнинг ўртасида жойлашиб, учки ёки *терминал новда* дейилади.

## 28. УРУГНИНГ УНИШИ. ЎСИМТАНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Уругнинг ўсимлик учун аҳамияти аниқ, Лекин уругнинг хўжаликдаги аҳамияти ҳам бекиёс. Айнан галладошлар ургидан одамнинг асосий озукаси ҳисобланмиш нон олинади. Дуккаклилар уруги худди шу сингари катта аҳамиятта эга. Ёнгоқларнинг инсон эҳтиёжини қондирищдаги аҳамияти ҳам изоҳ талаб қилмайди. Кўплаб мой берувчи ўсимликлар ургидан ўсимлик мойлари олинади ва уларнинг ўринини бошика мойлар босмайди. Шундай экан, маданий ўсимликларни ҳосилдорлити ўсимликнинг ўзини сон жиҳатдан тўқислигини таъминлашга етишидан ташқари, бир неча юзлаб маротаба кўп бўлиши керак.

Ҳосилдорлик кўп жиҳатдан экиладиган уругнинг сифатига боғлиқ. Одатда энг сара уруглар экиш учун ташланади. Уруг сифатининг кўрсаткичларидан бири – унинг унувчанлигидир. Уруг унувчанлигини одатда лаборатория шароитида ундириб кўриб текширилади. Ундириб текширишининг эса бир қанча



2-расм. Икки паллали ўсимликлар тузилишининг схемаси.

1-ёш муртак; 2-етилган муртак; 3-ўсимта; 4-вегетатив фазадаги ёш ўсимлик; Уп-уругпала; Гп-гипокотиль; Аи-асосий идиз; Ёи- ён идизлар; Ки-қўшимча идизлар; Ми-муртак идиз; Ўк-учки куртак; Ѓек-ён куртаклар; Ўк-новданинг ўшиш конуси; Пкм- прокамбий.

усуллари мавжуд.

Маълумки, уругнинг униши учун оғарли шароит зарур. Улардан энг зарурларидағи биринамлиқдир. Уруг тўқималарининг ўзида намлик анча кам, ўртача 10-15% атрофида. Бундан ташқари, уругнинг униши учун ҳаво зарур бўлиб, унувчи уругнинг нафас олиши учун керак. Шунингдек, ҳар қайси тур ўсимлик уругининг ўшиши учун маълум ҳарорат талаб қилиниб, бусиз уруг унмайди. Қарийб барча ўсимликлар уруги униши учун оптималь ҳарорат

+ 25...+ 35°C атрофида бўлса-да, мўътадил ва совуқ иқлимда ўсувчи ўсимлик уруглари учун у анча паст. Масалан, қизил себарга учун +0,5°C, сўлига +1°C, зигирга +2°C, бугдойга +4°C талаб қилинади. Субтропик ва нам иқлимли ўлкаларда ўсувчи ўсимликлар уругига 10-20°C ва ундан ҳам юқори (шоли +10°C, қовун, бодринг +15...+18°C ва х.к.) талаб қилинади. Айрим ўсимликлар ургининг яхши ўсиши учун эса ўзгариб турувчи ҳарорат маъкул. Мўътадил ва совуқ иқлимда ўсувчи кўпчилик ёввойи ўсимликларнинг уруги ерга тушганида совуқ урмагунча яхши униб чиқмайди.

Ёрглик уруг унишига турлича таъсир қиласди. Кўпчилик ўсимликлар уруги униши учун ёргликка эҳтиёж йўқ. Лекин айримлари ёргликсиз унмайди. Сабзи уруги ёргликда яхши унса, салат ва тамакининг уруги ёрглик етишмаса мутлақо унмайди. Верониканинг уруги эса фақат қоронгида унади.

**Ургунинг тиним ҳолати.** Уруг одатда тиним даврини ўтгамагунча униш учун барча шароит етишишига қарамасдан униб чиқмайди. Кўпинча узоқ тиним даври деб аталувчи вақт ўтиши талаб қилинади. Унинг сабаби эса хилма-хил Шулардан бири етилган уруг муртагининг тўлиқ етилмаганидир. Бундай ҳолларда муртак эндостерм ҳисобидан маълум муддатда етилади ва шундан сўнг унади. Бунга яққол мисол қилиб женышенни кўрсатиш мумкин. Бу ўсимликтин ўруги фақат З-йили унади. Бу даврда муртак тўлиқ шакланади.

Уруг унмаслигининг бошқа сабаблари ҳам бор. Жулиадан, дуккаклиларнинг уруг иўсти қаттиқ бўлғанилиги сабабли ичкарига сув ўтмайди, оқибатда унинг униши қийинлашади. Кўпчилик галладошлар ва тамаки уруги пўстининг ички қанати ҳавони ёмон ўтказиши сабабли уруг униши секинлашади. Кўпинча эса мўътадил иқлимда ўсувчи ўсимликлар ургининг устки қобиги қаттиқлигидан сувни ичкарига кириши қийинлашади ва бундай уруглар секин унади. Шундай қилиб, ургунинг тиним ҳолати кенг тарқалган ҳодиса

бўлиб, бу аслида урганинг вақтидан олдин униши, оқибатда бўлажак авлодни ўсиш учун қулай даврда ўсишини таъминлашга қаратилган ва эволюция жараёнида шакланган ҳодисадир. Тегишли вақт ўтиши билан уруг пўсти чириши ёки бузилиши ва уруг бемалол униши учун шароит етилади.

**Урглар униши тезлиги ва унувчанликни сақлаш.** Барча ўсимликлар уруги узоқ тиним даврига кетади, дейиш нотўғри. Шундай урглар борки, улар ўсимлиқдан узилиб тупроққа тушиши билан дарҳол унишни бошлайди ва жуда тез унувчанлигини йўқотади. Униш тезлиги ва унувчанликни сақлаш муддатига қараб, ургларни бир неча гуруҳларга бўлиш мумкин.

1. Узоқ муддатли тиним даврига эга ва унувчанлигини узоқ сақлайдиган урглар. Бу гуруҳдаги урглар бир, икки йил ва ундан ортиқ муддат ўтганидан кейин унишни бошлайди ва жуда узоқ муддат ўз унувчанлигини сақлайди. Бу гуруҳга кўплаб ларахтлар ва ўрмонда ўсадиган ўтлар киради. Ўрмон ва даланинг монолит тупроқларида ўтказилган тажрибаларни кўрсатишча, тупроқда кўплаб ёввойи ўсимликлар жумладан, бегона ўтлар уругининг захираси тўпланиб, улар ўнлаб йиллар давомида унишда давом этади. Тажрибаларда 40-50, ҳатто 90 йилдан кейин ҳам ургларни ўстанлиги исботланган. Бегона ўтларни йўқотиш жуда қийинлиги ҳам ана шундан. Нибуфарнинг уруги 250 йилда ҳам унувчанлигини йўқотмаганлиги ёки ёввойи одамлар яшаган горлардан бурчоқнинг уруги топилганлиги ва улар ҳозиргача униш қобилиятини сақлаганлиги маълум.

2. Урглар ўсимлиқдан ерга тушгач (кўпинча қишилагандан сўнг) унади ва бир неча йил давомида (7-12-18 йил) ўз унувчанлигини сақлайдиган ўсимликлар. Бу гуруҳга кўплаб маданий ўсимликлар – галладошлар, сабзавотлар ва кўпчилик ўтлоқ ва чўл ўсимликлари урглари киради.

3. Урглар дарҳол ўсади ва жуда тез унувчанлигини йўқотади. Бу гуруҳга тол, терак, матъ-и-мачеха, ўрмаловчи себарга, кўпчилик нам тропикларда ўсуви

ўсимликлар киради.


4. Уруглар түгридан-түгри ўсимликтининг ўзида, ерга тушмасдан ўсишни бошлайди. Буларга "тирик тугувчи" деб аталувчи ўсимликлар кириб, уларга мисол жуда кўп эмас. Баъзан умуман мева ва уруг ҳосил қилмай, гуллар шакл ўзгартириб, кичик новдаларга айланган ва улар ерга тушиб янги ўсимлик ҳосил қилган ҳолларни ҳам кузатиш мумкин. Бу ўсимликлар ҳам "тирик тугувчи" дейилса-да, аслида улар ҳақиқий тирик тугувчилар эмас. Бу ҳодиса одатда оғир иқлим шароитлари: тундра, баланд тоглар ва саҳроларда ўсуви ўсимликларда учрайди.

#### ***Уругпамланинг уруг унишидан вазифаси.***

Уругнинг унишидан олдин у бўқади. Бўкин жараёнида уруг кўп микдорда сувни ўзлаштиради ва уруг пўсти ёрилади. Бу даврда ферментлар таъсирида захира моддалар эрийди ва муртакнинг меристематик хужайралари томонидан ўзлаштирилиши осонлашиади. Жумладан, крахмал эриган шакарга айланади.

Одатда уругпалла муртаги ферментлар чиқариб, эндосперма ва перисперма моддаларини эритади. Шундай қилиб, уругпамланинг биринчи вазифаси бу ажратувчи, бошқача айттанда, овқат ҳазм қилувчи вазифани бажаради. Унинг кейинги вазифаси эса сўришdir, яъни эриган захира моддаларни сўришини ҳам уругпалла бажаради. Шу сабабдан уругпамларнинг юзаси катта ёки ўсиш олдидан тезда катталашади.

***Уругнинг униб чиқинши.*** Уруг униб чиқаётганида жадал озиқданиш натижасида муртакда барча органлар тез шаклланади. Микропиляр тешикчадан муртак илдизча ташқарига чиқади ва тупроқ билан бирикиб озиқданишни бошлайди. Гипокотилнинг ўсиши билан илдизча тупроққа янада чукур кириб боради. Маълум вақт ўтгач гипокотиль тўгриланади ва бу уругпалла ва бошлангич новдани ер устига олиб чиқади. Икки паллали ўсимликларда ниш иккита паллабарглари билан ташқарига чиқади. Буни шўрадошлар, итузумдошлар, мураккабгулдошлар, соябонгулдошлар, гулхайридошлар, раъногулдошлар ва



3-расм. Икки паллалиларнинг ер устки ва  
ер остики ўсиш схемаси

1-урут ўсишининг бошланиши; 2,3 – ер устки ўсишининг  
фазалари; 4,5 – ер остики ўсишининг фазалари; Уп- ургулла;  
Эпк- эпикотиль; Аи- асосий илдиз; Еи- ён илдиз;  
Ки- кўшимча илдиз; Тб- тангачабарглар.

Гипокотиль қора рангда.

бошқаларда кузатиш мумкин. Ташқарига чиқсан ургуллада хлорофил пайдо бўлиб, унда фотосинтез жараёни бошланади. Шундай қилиб, уруг унишининг бу типини ер устки, ургулласи ер остига қолганида эса ер остики униш дейилади. Буни нўхат, ерёнғоқ, бурчоқ, олхўри, олча кабиларда кузатиш мумкин. Ер остида ургуллаларнинг қолиши сабаби қуидагича. Агарда заҳира моддалар ургулланинг ўзида тўпланган бўлса, уруг униш жараёнида эриган озиқ моддалар муртак томонидан ўзлаштирилгач ургулла сўлийди ва пучайиб қолади. Бундай ургуллалар ташқарига чиқа олмай тупроқ остига қолиб кетади. Бу

ходисани эман, горохда яққол күриш мумкин. Фотосинтез эса дастлабки баргларда бошланади.

Бир паллали ўсимликлар уругининг унишида кўпинча уругпалланинг бир қисми ер устига чиқади, шундан сўнг уругпалланинг гилофи ўсишдан тўхтайди, кейинчалик қуриб қолади. Иккинчи қисми қалпоқча эса ер остида қолади ва шимувчи орган сифатида ургуда узок сакланади.

**Ўсимтанинг ривожланниши.** Кўриниб турибдики, ўсиш жараёнида фақат ўсимликнинг ўлчамлари катталашиб қолмасдан муртак органларининг функциялари ҳам ўзгарди, янги органилар пайдо бўлади. Ўсиш конусининг куртагида барг муртаклари пайдо бўлади, илгарироқ ҳосил бўлган барг муртакларидан эса барг ёзила бошлайди. Улар орасидаги поянинг қисми узаяди ва бўтим оралиги пайдо бўлади. Муртак илдиз энди асосий илдизга айланиб, тармоқдана бошлайди. Ён илдизлар эса асосий илдиз билан биргалиқда илдиз тизимини ҳосил қиласади. Илдиз бўғзи атрофида гипокотиль ва новданинг пастки бўғимида қўшимча илдизлар пайдо бўлади.

Ўсимтанинг ташки қиёфаси уругпалланинг ер устига ёки ер остига чиқиши билан эмас, балки асосий новданинг ўсиш хусусияти, асосий илдиз тизимининг ва қўшимча илдизларнинг шакланиш хусусиятларига қараб белгиланади. Агарда барча бўтим оралиги яхши ўсса новда узайган, секин ўсса эса новда қисқарган бўлади. Асосий илдиз тизими баъзан қўшимча илдизларга нисбатан секин ривожланади. Бу аслида галладошларда ҳали муртак ҳолатидаёқ белгилаб қўйилган бўлади. Оқибатда ўсимлиқда попук илдиз шаклланади. Илдизнинг бу типи барча бир паллалиларга хос.

Уругпаллалиларнинг шакли кўпинча оддий (доира, овал, узунчоқ, тухумсимон, буйраксимон). Дастлабки барг яхши тараққий этмаган бўлиб, ўсимликнинг ҳақиқий баргига кўп ўхшайвермайди.

Шундай қилиб, ўсимталарда барча вегетатив органлар – илдиз ва новда тизими шаклланиб, улар учки меристема тўқималари туфайли ўсишни давом эттиради (3-расм).

## 6-боб

### ЮКСАҚ ЎСИМЛИКЛАРНИНГ, ВЕГЕТАТИВ ОРГАНЛАРИ


Ўсимликлар морфологияси фани гулли ўсимликларда Зта асосий орган бор деб ҳисоблайди. Булар: илдиз, поя, барг. Бошқа органлар эса, жумладан гул, тикан, гажак, куртак, мевалар юқоридаги органлардан шакли ўзгариши натижасида келиб чиққан.

Юксак ўсимликларнинг органлари бажара-диган вазифасига қараб вегетатив ва генератив органларга бўлинади. Вегетатив органлар ўсимликларни озиқлантириш, ассимиляция, газ алмашинуви ва бошқа вазифаларни, генератив органлар эса жинсий кўпайини вазифасини бажаради.

Вегетатив органларнинг тузилишидаги асосий қонуниятлардан бири қутблешликdir. Унинг моҳияти шундан иборатки, ўсимликтининг учки ва қуий қисми морфологик ва физиологик жиҳатдан фарқ қиласди. Шу сабабли у фақат учига қараб ўсади. Қаламча ерга қуий қисми билан экилади (4- расм).

Иккинчи асосий қонуният бу ўсимлик органларининг симметрик бўлишидир. Яъни, ўсимликларнинг бир хил қисмлари гурӯхда мутаносиб жойлашади. Қўпчилик ҳолларда радиал симметрия учрайди. Бунда цилиндрсизмон поя ва шарсизмон мева айланасининг барча градуслари бўйлаб текислик ўtkазилган деб фараз қилсак, бу текисликлар уларни тенг қисмларга бўлади.

Моносимметриядага бир ўсимлик ёки унинг органидан фақат битта симметрик текислик ўтиши мумкин (5- расм, 1). Полисимметриядага эса бир нечта текислик ўтказса бўлади (5- расм, 2). Баъзи ўсимликлар танасидан гулларни симметрик қисмларга ажратадиган бирорта ҳам текислик ўтказиб бўлмайди, улар ассимметрик тузилган



4- расм. Тол қаламчасида қутбилик ҳодисасининг намоён бўлиши

- 1- тўғри ҳолатдаги қаламча;
- 2- тескари ҳолатдаги қаламча.

бўлади (5-расм, 3). Моносимметрик гуллар –зигоморф, полисимметрик гуллар – актиноморф гуллар дейилади.

*Билатерал симметрияга эса ўсимлик органи бўйлаб фақат иккита ўзаро перпендикуляр текислик ўтказиш мумкин. Масалан, ёнғоқ ва бодомнинг мевасида.*

Эволюция жараёнида ўсимликларнинг турли органлари ҳар хил вазифани бажариб, шунчалик метаморфозлашиб кетадики, ҳатто уларни илгариги ҳолатини аниқлаш жуда қийин бўлади. Масалан, гулнинг тоҷбарргари, нўхатнинг гажаклари ўзгарган баргdir. Тоқнинг гажаклари эса ўзгарган новдадир. Шундай қилиб, ташки кўринишдан бир-биридан кескин фарқ қилиб, келиб чиқиши бир хил бўлган органлар гомологик органлар дейилади.



5- расм. Гулларда симметрия ҳодисаси

А- моносимметрик; Б- полисимметрик;  
В- асимметрик.

*Аналогик органлар* эса ташқи томонидан бир-бирига ўхшаш бўлиши ва бир хил функцияни бажариши мумкин, лекин уларнинг келиб чиқиши ҳар хил бўлади. Аналогик органлардан зирк ва дўлананинг тикани бир-бирига ўхшайди ва бир хил вазифани бажаради, лекин келиб чиқиши жиҳатдан ҳар хил Зиркнинг тикани баргдан, дўлананини новдадан ҳосил бўлган.

Бир хил экологик шароитда яшайдиган турли хил систематик гуруҳларга мансуб ўсимликларда ўхшаш белгилар пайдо бўлади. Масалан, қуруқ иқлим шароитида ўсадиган Америка кактуслари ва Африка сутламагули морфологик жиҳатдан бир-бирига ўхшашдир. Ёки Ўрта Осиё саҳроларида ўсувчи торондошлар оиласининг вакили қандим, шўрадошлар оиласининг вакили шўранинг ташқи белгилари бир-бирига ўхшаш бўлади. Шундай қилиб, турли систематик гуруҳларга мансуб ўсимликларни бир хил шароитда яшаши оқибатида ўхшаш морфологик белгилар ҳосил қилиши конвергенция дейилади.

Эволюция жараёнида дастлабки аҳамиятини йўқотган ва батамом йўқолиб кетиш олдида турган органлар *рудиментлар* дейилади. Масалан, саҳрода ўсадиган саксовулнинг барглари кам сув

буглатишига мослашиш натижасида редукциялашиб юпқа тангачаларга айланган.

Ўсимликлар оламида кўпинча корреляция ҳодисасини кузатиш мумкин. Унинг моҳияти шундан иборатки, ўсимликлар бир органининг ривожланиши иккинчисига жуда боғлиқ бўлади. Масалан, дараҳт ва буталар шоҳидаги ён куртаклар фақат иккинчи йилда нормал ривожланади, агардә поядаги барг юлиб ташланса, куртаклар шу йилнинг ўзидаёқ ривожланиб, янги новда ҳосил қилиши мумкин. Пахтачиликда гўзани чеканка қилиш ана шунга асосланган, яъни ҳосилни кўпайтириш учун уни ўсувчи учки новдаси кесилади.

## 18. ИЛДИЗ

**Илдизнинг тузилиши ва вазифаси.** Ўсимлик ҳаёти учун илдиз куйидаги муҳим вазифаларни бажаради:

- ўсимлик илдиз орқали сув ва унда эриган минерал моддаларни шимиб олади;
- у ўсимликни тупроқда тутиб турари ва уни шамол ва бошқа механик таъсиrlарга қарши чидамли қиласди;
- илдизда запас озиқ моддалар тўпланади;
- вегетатив кўпайиш учун хизмат қиласди;
- тупроқдаги микроорганизмлар билан симбиоз алоқада бўлади.

Ушбу вазифалар яхши ривожланган кўлчилик илдизларга хос.

Дастлабки ўсимликларда илдиз ва поя бўлмаган, апикаль меристема ёрдамида юқорига ўсиб дихотомик шохланган. Шохнинг бир учи юқорига кўтарилиб, иккинчи учи эса ерга тегиб турган ва шу учи билан сув ва минерал моддалар сўрилган.

Эволюция натижасида кейинчалик тупроқقا тегиб турган новда шохланиб тупроқдан озиқ моддани ўзлаштириш жараёни такомиллашиб борган.

Илдизнинг алоҳида орган сифатида пайдо бўлиши кескин структуравий ўзгаришларга, жумладан, маҳсус

түкималарнинг шакланишини тақозо қилган.

Тупроқдан моддаларни ўзлаштиришни илдизнинг ёш ва нозик новдалари ўз зиммасига олган. Тараққиёт жараёнида илдиз ўзининг сўриш юзасини тармоқланиш орқали кўплаб сўрувчи илдиз учлари ҳосил қилиш, доимий ўсиш орқали илдиз учларини тупроқнинг янги қаватларига кириб бориши, илдиз туклари ҳосил қилиш, янги қўшимча илдизлар ҳосил қилиш туфайли кенгайтиришга мослашган.

Ҳақиқий илдиз қирққулоқсимонларда вужудга келди, кейинчалик гулли ўсимликларда илдиз такомилашди. Илдизнинг пайдо бўлиши ўсимликлар эволюциясида йирик бурилиш бўлиб, бу уларни қуруқликни эгаллаш ва йирик дарахт бўлиб кўкка бўй чўзиб ўсиш имкониятгини яратди.

Илдиз бошлангичи уругда жойлашган бўлади. Уруг унгандা илдиз пўстни ёриб ташқарига чиқади. Бир паллалиларда ургдан бир неча илдиз, икки паллалиларда фақат битта илдиз чиқади. Ўсиш жараёнида у ривожланиб, ўқ илдизга айланади.

Асосий илдиз билан поя ўртасидаги чегара илдиз бўйни деб аталади.

Муртакдан ривожланган илдиз асосий, поядан ёки бошқа органлардан ўсиб чиқсан илдиз қўшимча илдиз дейилади. Асосий ёки ўқ илдиз тез ўсиб, озгина вакт ичида ён илдизлар ҳосил қиласди. Бир паллалиларда асосий илдиз тез орада ўсишдан тўхтаб қуриб қолади, унинг ўрнига поя остидан кўплаб қўшимча илдизлар ўсиб чиқади.

Келиб чиқишига кўра илдизлар асосий ва ён илдизларга бўлинади. Дастрлаб асосий илдиз, кейин эса атроғга таралиб ён илдизлар чиқади. Улар асосий илдизга перпендикуляр ёки маълум бурчак остида жойлашиши мумкин. Ўз навбатида ён илдизлар ҳам шохланиб биринчи тартибли, улар ҳам шохланиб иккинчи тартибли илдизлар чиқади ва ҳоказо.

Қўшимча илдизлар деб аталувчи илдизлар эса асосий ва ён илдизлардан эмас, балки, поядан, ҳатто барглардан ҳам чиқади. Бундай илдизлар ўсимликлар ер устки органларининг бирор қисми нам тупроқка

кўмилиб қолганда ҳосил бўлади. Масалан, маккажўхори, ток, қандимда уни тез-тез кузатиш мумкин. Бегониянинг барглари ҳам қўшимча илдиз чиқаради.

Илдизлар ташқи кўринишига қараб ўқ илдиз ва попук илдизга бўлинади.

Ўқ илдизларда асосий илдиз яхши ривожланниб ерга чуқур кириб боради. Фўза, янтоқ, беда каби ўсимликларнинг илдизи бунга мисол бўла олади.

Попук илдизлар ҳам асосий илдиз ўсишдан тўхтагандан кейин ҳосил бўлган жуда кўп қўшимча илдизлардан иборат. Бу типдаги илдизлар аксарият ҳолда бир паллали ўсимликлар, хусусан галладошларда учрайди.

Булардан ташқари, илдизнинг бошқа шакллари, масалан, инсимон, дуксимон, пиёзбошимон, конуссимон кабилари ҳам учрайди. Лавлаги, сабзи, турп каби илдизмеваларнинг илдизи ана шундай илдиз.

Баъзи кўп йиллик ўсимликлар ён илдизлари қўшимча куртак ҳосил қилиш қобилиятига эга бўлиб, кейинчалик бу куртаклардан илдиз бачкилари деб аталағиган янги ор устки поялари ўсиб чиқиши мумкин. Булар одатда гилос, терак, акация каби дараҳтларда кузатилади.

Илдизнинг поядан ажралиб турадиган белиларидан бири унда барглар бўлмайди. Илдизларнинг учида илдиз қини бўлиши ҳам улар учун жуда характерлидир. Ён илдиз учидан бироз юқорироқда эндермис хужайралари ўсимталари бўлгаги илдиз тукчалари билан зич қопланган. Илдиз тукчаларининг вазифаси тупроқдан сув ва озиқ моддаларни сўршишти. Шундан тукчаларнинг борлиги илдизнинг сўрувчи юзасини 5-10, ҳатто 30-40 баробар оширади. Илдиз тукчалари сув ва ботқок ўсимликларда, текинхўр ўсимликларда деярли бўлмайди.

Илдиз системасини узунлиги турли ўсимликларда турличадир. Масалан, карамда 1,5 м, бедада 2 м, ёнгоқда 20 м, янтоқда ундан ҳам ортиқ бўлади.

Илдиз системасининг умумий узунлиги ҳам

турличадир. Галла ўсимликларида 500-600 м бўлгани ҳолда буғдой илдиз тукларининг жами узунлиги 20 км га етади. Қовоқ илдизларининг жами узунлити тахминан 25 км бўлиб, улар ҳар куни ўрта ҳисобда 300 м га ўсади.

Илдизлар чексиз ўсиш хусусиятига эга. Буни тажриба майдонида осон исботлаш мумкин. Лекин табиий шароитда улар ўз имкониятларидан тўлиқ фойдалана олмайдилар. Чунки бошқа ўсимликлар илдизи ёки тупроқдаги қаттиқ элементлар буни чеклайди.

Юқорида айтилганидек, илдизнинг қисмлари апексдан узоқ ёки яқинлигига қараб турли вазифаларни бажаради. Битта илдиз системасида турли вазифаларни бажарувчи илдизлар мавжуд. Бу фарқ шунчалик каттаки, ҳатто у морфологик жиҳатдан ҳам осон сезилади.

Кўтчилик ўсимликларда ўсуви ва сўрувчи қисмлари аник ажралиб туради. Ўсуви қисмлар одатда анча йўғон ва тупроққа чукур кириб боради.

Илдизларнинг чексиз ўсиш қобилиятини сунъий тайёрланган озиқлантирувчи муҳитга илдизнинг ўсуви қисмини ўстириб кўрганда аниқ кўриш мумкин. Агар субстректда барча элементлар мавжуд бўлса ва ўсуви илдиз учини кесиб янги колбага жойлаштириб турилса, у кўп йиллар давомида ўсиши, уларнинг йигиндиси эса бир неча км га етиши ҳисоблаб чиқилган. Лекин табиий шароитда унинг ўсишини чекловчи омиллар кўп.

1866 йилда рус олим М.С.Воронин дуккакли ўсимликлар илдизларида тутунаклар шаклидаги шишлар борлигини аниқлади. Кейинчалик уларнинг пўстлоқ паренхимаси тўқималарига алоҳида бактериялар кириб яшаци аниқланди. Бу бактериялар тупроқ ва ўсимликлар тутунагига кирган азотни ўзлаштирадилар, бактериялар нобуд бўлгач ўзлаштирилган азот тупроқда қолади ва ҳосилдорликни ошириш учун хизмат қиласи.

Шунингдек, тупроқда яшовчи замбуруглар

ҳам гифалари билан илдиз юзасини, ҳатто ҳужайра оралиқдари ва бүшликларини згаллаб олади. Юксак ўсимликлар ва замбурургларнинг бу хилда бирга яшаши микориза (юнон. микос-замбуруг, ридза - илдиз) дейилади. Микоризанинг аҳамияти шундан иборатки, замбуруглар қийин эрийдиган баъзи запас озиқ моддаларни парчалаш ва эритишга ёрдам беради. Шунингдек, илдизнинг шимиши қобилиягини оширади, уларни витаминалар билан, баъзан азот билан таъминлашга ёрдам беради. Замбуруглар ўз навбатида илдизлардаги углеводлар билан озиқланади.

Микоризанинг моҳияти биринчи бўлиб рус олими Каменский томонидан очилган булиб, бундай симбиоз замбуруғ учун ҳам, юксак ўсимлик учун ҳам фойдали эканлитини кўрсатиб берган.

**Илдиз метаморфози.** Бир қанча ўсимликларнинг илдизлари ўз фаолиятлари даврида метаморфозга учраб, озиқ моддалар тўплайдиган жой бўлиб хизмат қиласди. Шу муносабат билан улар йўғон ва этли бўлади. Уларнинг бир неча хили мавжуд.

**Илдизмевалар.** Асосий илдиз ўз шаклини ўзгартириб йўғонлашади ва ўзида запас озиқ моддаларни тўплайди. Бунга сабзи, шолғом, турп, редиска, петрушкалар киради.

**Илдиз тутунаклари.** Асосий илдизлардан ташқари ён ва қўшимча илдизлар ҳам метаморфозга учраши мумкин. Озиқ моддалари сақланадиган йўғон бу жойни илдиз тутунаклари ёки илдиз тутунаклари дейилади. Улар қипши ўтказиш учун эмас, балки вегетатив кўпайиш учун хизмат қиласди. Буларга картошкагул, ерёнгок, батат каби ўсимликларнинг илдиз тутунаклари мисол бўлади.

**Таянч илдизларни** поядан чиқсан қўшимча илдизлар ҳосил қилиб, улар поянни тик тутиб туриш учун хизмат қиласди. Бундай илдизларни маккажӯхори, оқжӯхорида кузатиш мумкин.

**Сўргич илдизлар.** Текинхўр ўсимликларда хлорофилл доначалари бўлмаганлиги сабабли улар бошқа ўсимликларнинг озиқ моддалари ҳисобига яшайдилар. Бундай ўсимликларда асосий илдизлар ўрнида сўргич илдизлар бўлади. Бунаقا илдизлар зарпечак, шумгия ва плюща учрайди.

**Ҳаво илдизлари.** Бу хилдаги илдизлар тропик ўсимликларда учраб, унинг поясидан илдизлар чиқиб, ҳавода осилиб турди ва ундаги сув бугларини ўзлаштиради. Масалан, монстера ўсимлиги илдизи.

**Нафас олуви илдизлар.** Ботқоқликларда ўсадиган айрим ўсимликлар, масалан, ботқоқ сарвиде илдизга қўшимча кислород керак бўлганда, улар нафас олуви илдизларни ҳосил қиласди.

**Илдизнинг анатомик тузилиши.** Илдизлар бажарадиган вазифасига қараб ҳар хил тўқималардан ташкил топган бўлиб, улар илдиз учидан бошлиб маълум тартибда жойлашган. Илдизнинг учи одатда илдиз қини билан қопланниб ва паренхиматик ҳужайралардан иборат бўлади. Ҳужайраларнинг пўсти юпқа, ташки томони шилимишиқдир. Бу эса тупроқ заррачалари орасида ўсаётган илдизнинг ҳаракатланишини осонлаштиради.

Илдиз қинининг устида унинг ўсиш нуктаси ёки конуси жойлашган. Ўсиш конусининг ҳужайралари бир хил меристема ҳужайраларидан иборат. Шу ҳужайраларнинг узлуксиз кетма-кет ажралиши натижасида актив бўлинадиган бирламчи меристема ҳосил бўлиб, илдизни ўстирувчи ва унинг орқасида кўплаб бўлинадиган майда меристема ҳужайраларини қолдиради. Уларнинг тўплами бўлинеш зonasи деб аталади. Кейинроқ меристема ҳужайраларидан чўзиқ ва ингичка ҳужайралар групласи ажралиб чиқади ва улар ўсиш конусидан бир муғча юқорида (1-1,5 мм) жойлашади. Бу ўсиш ёки чўзиши зonasини ташкил этиб, ҳужайралар бўлинишдан тўхтайди. Илдизнинг бирламчи гистологик элементлар пайдо бўлиши билан унинг учинчи



**6-расм.Илдиз зоналари**

1-бўлиниш зонаси; 3-сўриш зонаси; 2-чўзилиш зонаси;  
4- ўтказиш зонаси; қ-илдиз қини.

зонаси бошланиб, сўриш зонаси дейилади.

Илдизнинг бу зонасидаги эпиблема хужайра-ларининг бир қисми ташқи томонга бўртиб ўсади ва тукчалар ҳосил қиласди. Улар сув ва минерал моддаларни сўриши учун хизмат қиласди. Илдиз тукчаларининг умри жуда қисқа бўлиб, бирин-кетин янги тукчалар ҳосил бўлаверади. Ҳар бир тукча 10-20 кунгача яшайди. Баъзилари эса ёғочланиб 2 йилгача сўриш қобилиягини йўқотмайди. Илдизнинг шу зонадан юқори қисми ўтказиш зонаси дейилиб, ундан ён илдизлар чиқади. Уларда иккиламчи тузилган элементлар пайдо бўлиб ўтказиш вазифасини бажаради (6- расм).

## 2 §. НОВДА

### Новданинг морфологик тузилиши ва типлари.

Ўсимликлар морфологиясида баргли поя новда деб юритилади. Новда юксак ўсимликларда муҳим орган ҳисобланади. Аслида вегетатив новда ўсимликнинг ҳаводан озиқланиши учун хизмат қиласи, лекин унинг бошқа вазифалари ва шакл ўзгаришлари бор. Спорали новда эса репродуктив орган сифатида ихтисослашган ва кўпайиш учун хизмат қиласи.

Вегетатив новда цилиндр шаклидаги ўқ (поя) ва ясси шаклдаги баргдан иборат. Новданинг пояси баргсиз, барг эса поясиз бўла олмайди, чунки улар бир-бирига ҳам морфологик, ҳам функционал боғланган. Шунингдек, новдада албатта куртак бўлади. Куртак эса янги новданинг муртак ҳолати бўлиб, ундан барг сингари, маълум тартиб асосида ўқдан чиқиб тармоқланиб узоқ муддат ўсади ва новдалар тизими шакланади.

*Новданинг асосий вазифаси* - ўсимлик баргларини, куртак, гул ва меваларни тутиб туриш, баргларда ҳосил бўлган органик моддаларни ўтказиш, шунингдек механик ва батъзан ғамлаш вазифасини бажаради.

Баргларнинг новдага бириккан жойида, одатда, кичик бўртмалар ҳосил бўлади, улар новда бўғимилини деб аталади. Бир бўғим билан иккинчи бўғим орасидаги масофа бўғим оралиги деб аталади. Новда ўқи билан барг орасида ҳосил бўлган бурчак барг қўлтиги дейилади. Барг тўкилиб кетгандан кейин новдада қолган жой барг ўрни дейилади.

Ҳар бир новда учки куртакдан ривожланади. Уларнинг бошлангич барглари бирламчи меристемадан иборат бўлиб, поянинг ўсиш конуси деб аталадиган учки қисмини ҳимоя қиласи.

Поянинг ўсиш конуси асосида бошлангич баргнинг майда думбоқчалари бўлади. Кейинчалик бу думбоқчалардан примордиал барг чиқади. Бирламчи думбоқчалар қўлтигида иккиламчи новданинг ён шохлари ўсиб чиқишига асос бўладиган қўлтиқ куртаклари вужудга келади. Мўътадил иқлим шароитида учки ва ён куртаклар кишида тиним ҳолатига ўтади ва улар қишлоғчи

*куртаклар* деб юритилиб, баҳорда қайта уйғонади.

Баъзан қўлтиқ куртаклар узоқ вақт тиним ҳолатида бўлиши ва фақат новданинг учи кесилганда ёки учки куртаклар олиб ташланганда ўса бошлади. Бу куртаклар яширин *куртаклар* дейилади. Новданинг ташки тўқималари, баъзан ички тўқималари, хусусан, камбийдан қўшимча куртаклар ҳосил бўлади. Улар кўпинча новда ва шохлар кесилганда ёки тўнканинг четларида ҳосил бўлади. Янтоқ, қайин, зарангларда бўқоқлар ҳам ана шу куртаклардан ҳосил бўлади. Бу бўқоқлардан эса турли хил сувенирлар ва идишлар тайёрлаш мумкин.

Учки куртаклардан ўсиб чиқадиган новдалар, одатда, юқорига қараб ўсади. Улар баъзан ёнга қараб ўсиб судралувчи новда ҳосил бўлади. Баъзи ўсимликлар, хусусан, мажнунтол, қайнинда новдалар пастта қараб ўсиб иғлоқи формалар ҳосил қиласи.

Одатда ўсимлик новдаси бир нечта, баъзида жуда кўплаб бўгим ва бўгим оралиқлари ҳосил қиласи. Шундай қилиб, новда метамер тузилишига эга.

Ўсимликнинг биринчи пояси – унинг асосий поясидир. У муртак ҳолидаги поя бўлиб, олдинги бобда кўрганимиздек гипокотиль, уругтапла ва куртакдан иборат. Жойлашишига кўра бу учки куртак бўлиб, унинг фаолияти тўхтамагунча ўсишда ва янги метамерлар ҳосил қилишда давом этаверади.

Учки куртакдан ташқари новдада ён куртаклар ҳам ҳосил бўлади. Ўсимлика у бўгим устида, барг қўлтиғида жойлашади, чунки бу ерда у иссиқ ва совуқдан сақланган бўлади. Бу куртак эса пазух куртаги деб аталади.

Ён пазух куртагидан ён новдалар шаклланади ва ўсимлик шохланади. Шундай қилиб, учки новдадан иккинчи, ундан учинчи, тўргинчи ва ҳ.к. тартибдаги новдалар ўсиб, новдалар тизимини ташкил қиласи. Бу жараён ўшиш конусининг фаолияти тўхтагунча давом этади. Бунинг ҳисобидан ҳосил бўлган шох-шабба ўсимликни ташки муҳит билан кенг қамровли алоқада бўлиш имкониятини яратади.

*Куртак* бу муртак ҳолатидаги, ҳали очилмаган

новдадир. У меристематик муртак ўқидан иборат бўлиб, вегетатив куртак ўсиш конуси билан тугайди ва турли ёшдаги устма-уст жойлашган муртак ҳолатидаги барглар, яъни бир қатор метамерлардан иборат. Куртақдаги бўгимлар бир-бирига жуда яқин ва жисплашган.

Вегетатив куртак билан бир қаторда вегетатив-генератив куртаклар ҳам мавжуд бўлиб, унда қатор вегетатив метамерлар жойлашиб, ўсиш конуси эса муртак ҳолатидаги гул ва тўпгулга айланган. Бу типдаги куртаклар асосан ўт ўсимликларига хос бўлса-да, у айрим дараҳт ва буталарда (сирень, бузина) ҳам учрайди. Соғ генератив ёки гул куртаклари эса фақат гулнинг муртагидан таркиб топиб, унда яшил рангли ассимиляция қилувчи барглар бўлмайди. Кейинчалик улар гунчалар дейилади. Бу ҳодисани қатор мевали дараҳтлар, олма, гилос, ўрик ва бошқаларда яққол кузатиш мумкин.

Куртак ташқаридан бир неча қават тангачалар билан қопланган бўлиб, улар куртакни иссиқ-совуқдан сақлаш вазифасини бажаради. Бу куртаклар шу сабабли ёпиқ куртаклар деб юритилади. Қопловчи тангачани қишлоғчи куртакларда, хусусан, эман, қайин, тилоғоч, тол каби дараҳтларда яққол кузатиш мумкин. Тангачаларнинг сони турли ўсимликларда турли хил бўлади. Эманда 20 тадан ортиқ, толда 2 та, бирпаллалиларда атиги 1 дона бўлади.

Очиқ куртаклар деб аталувчи куртаклар эса бир ва кўп йиллик ўтларда учрайди. Ёпиқ куртакли дараҳт ва буталарда ҳам очиқ куртаклар бўлиши мумкин. Фақат уларни бу ўсимликларда баҳор ва ёзда кузатиш мумкин. Лекин баъзи кўп йиллик ўтлар очиқ куртаклари билан қишлияди (живучка, зеленчук, мушук панжаси ва бошқ.).

Куртак ичида новданинг меристематик уни - унинг апекси жойлашган. Алекс тинимсиз фаолиятдаги ўсиш маркази бўлиб, у барча органлар ва новданинг дастлабки тўқималари – унинг органогенези ва гистогенезини шаклланиши учун хизмат қилади. Доимий суръатда янгиланишни манбаи апексдаги апикаль меристеманинг инициал ҳужайралари бўлиб, улар апекснинг учида жамланган.

Новданинг вегетатив апекси, илдиз апексидан

фарқли ўлароқ, ташқарига доимий суръатда бўртмалар чиқариб туради. Бу бўртмалар муртак ҳолатидаги барглар бўлиб, улар акропеталь тартибда пастдан юқорига қараб ҳосил бўлаверади. Фақат новданинг устки қисми силлик бўлиб, у новданинг ўсиш конуси дейилади.

Алексдаги - ўзгаришлар биринчи навбатда барг бўртмаларининг ва бўғимларининг, яъни новданинг навбатдаги метамерларини ҳосил бўлиши билан боғлиқ. Бу жараён ритмик характерга эга. Навбатдаги метамернинг ҳосил бўлиши билан силлик учи кичраяди. Навбатдаги метамер ҳосил бўлиши учун эса новданинг бу қисми олдинги қаддига келиши керак. Бунинг учун маълум вақт талаб қилинади ва бу вақт пластохрон (юнон. *пласто-шакланиш; хронос-вақт*) дейилади. Шундай қилиб, пластохрон бу новданинг иккита метами ҳосил бўлиш оралигидаги вақтдир.

Пластохроннинг давомийлиги турли ўсимликларда ёки турли шароитларда ўсуви бир турга мансуб ўсимликларда ҳам турлича. Масалан, ўсимлик фаол ўсадиган баҳор ва ёзда лецина, эман ва қайнада пластохрон 2-3 суткага, зарангда 12 суткага тенг бўлса, қорақарагайда 4,5 соат, яъни ҳар 4,5 соатда унда янги нинабарг ҳосил бўлади. Яна шуни айтиш керакки, ҳосил бўладиган метамернинг ўлчами пластохронга тўғри пропорционал, яъни метамер қанча катта бўлса, кейинги метамернинг ҳосил бўлишида шунча кўп вақт ўтади. Шунингдек, битта новдада ташқи шароит ўсиш учун яхши бўлса, пластохрон қисқа, ёмон бўлса, аксинча узок бўлади.

Алексда ҳужайраларнинг бўлиниши ва янги органлар ҳосил бўлишининг тўхташи ўсимликнинг мавсумий ўсиши билан боғлиқ.


Одатдаги ён куртаклардан ташқари қўшимча ёки адвенгив куртаклар ҳам бўлиши мумкин. Улар пояларда эндоген, баргларда эса экзоген йўл билан ҳосил бўлиб, тартибсиз жойлашади. Бу куртаклар поя, барг ва илдиизда уларнинг перицикл камбий, ўзак нурларидан, барг мезофили ёки эпидермисдан ҳам ҳосил бўлиши мумкин. Бунга қарамасдан улар оддий учки, ён куртаклардан фарқ қилмайди.

Қўшимча куртаклар кўпчилик ўсимликларда вегетатив кўпайиш учун хизмат қилади (малина, қулуңпай). Илдиз бачкилари ҳам қўшимча куртаклар ҳисобидан ҳосил бўлади (терак, олча, ўрик, янгток).

Қишлоғчи куртакларга эса маълум муддат тиним ҳолатида бўлиб, сўнгра уйғонувчи ва новда чиқарувчи куртаклар киради. Улар аксарият дараҳт ва айрим ўтларга хос бўлиб, экзотен ёки эндоген бўлиши мумкин.

Яширин куртаклар эса қарийб барча типдаги ўсимликларга хос бўлиб, қишлоғчи куртакларга ўхшаш бўлади. Улардан фарқи шуки, бу куртаклар бир неча йил давомида, баъзи ўсимликларда умрининг охиригача ҳам новда ҳосил қилмайди. Ўсимликнинг асосий новдаси кесилганда, баъзан ўсимлик қариганда ҳам яширин куртаклар уйғонади ва ўсиб новда ҳосил қилади.

Айрим тропик ўсимликларда яширин куртаклардан ўсимлик танасида генератив новда ўсиб, ундан гул ва мева ҳосил бўлади. Бу ҳодиса *каулифлория* (лат. *каулис-поя; florес-гул*) деб аталади. (7-расм).



7-расм. Какао дараҳтида каулифлория ҳодисаси.

Новдалар ўсиш жараёнида новда ёки ён куртаклар ҳосил бўлиши ҳисобига шохлайди. Матъум систематик гурӯҳларга мансуб ўсимликлар ўзига ҳосравиша шохланади. Шохланишнинг 4 хили мавжуд. Булар: *дихотомик*, *моноподиал*, *симподиал* ва *сохта дихотомик*. Дихотомик шохланища поянинг учидан икки айри новда чиқади, бу новдаларнинг ўзи ҳам, ўз навбатида яна иккита новда чиқаради ва ҳоказо. Бундай шохланишларни сувўтлар, моҳлар ва папоротникси-монларда кузатиш мумкин.

Гулли ўсимликларнинг пояси кўпинча моноподиал шохланади. Бунда поянинг учидан ўсадиган асосий поя ҳосил бўлади ва ён куртаклардан ён шохлар чиқади. Асосий поя одатда йўғонлашиб кетади, чунки у ён новдаларга нисбатан тез ўсади ва тик ҳамда баланд бўлиб кетади. Карагай, тилоғоч каби дарахтларнинг шохланиши унга мисол бўлиб, улар одатда, яхши қурилиш материали ҳосил қиласди.

Симподиал шохланища поянинг ўқ қисмидаги учки куртак матъум вақтдан кейин ўсишдан тўхтайди ва ўрнига аввалги шохнинг ўсиш конуси пастрогида ҳосил бўлган куртакдан янги шох ўсиб чиқа бошлайди. Симподиал шохланиши натижасида поя қисқа бўйинли бўлиб қолади, дарахт шох-шаббаси жуда ёйилиб кетади. Қайрагоч, ўрик, олма каби дарахтлар, помидор, картошка каби ўсимликлар симподиал шохланади. Баъзан бир ўсимлика ҳам симподиал ҳам моноподиал шохлар бўлиб, бутаб ёки дарахтларни зич экиб симподиал шохларни кўпайтириш мумкин.

Сохта дихотомик шохланища новданинг учидаги учки куртак остида бир-бирига қарама-қарши жойлашган иккита ён куртак ҳосил бўлади. Бу куртакларнинг иккаласи бирданига ўса бошлайди ва учки куртак ўсимликдан тўхтайди. Сиренъ, сохта каштан каби ўсимликларда шу типдаги шохланишларни кўриш мумкин.

**Новда метаморфози.** Новда ташки шароит таъсирида метаморфозга учраб *шадизпоя*, *тутунак*, *пиёзбош*, *тажак* ва *жингалаклар* ҳосил қиласди. Илдизпоя деб аталувчи ер ости новдалар ташки кўрининшидан

иldизга ўхшаса-да, улар аслида новданинг шакли ўзгарган ҳолатидир. Улар вегетатив кўпайиш, қишилаш ва заҳира моддаларни тўтилаш учун хизмат қиласди. Ранг, кампирсоч, кўпгина ғалмадошлар, гумай, ажриқ ва чайир сингари ўсимликларда илдизпоя яхши ривожланган.

Тутунаклар йўғон, серэт бўртма шаклида бўлиб, улар заҳира моддаларни тўтилади. Шу сабабли улар поянинг ер ости қисмида бигта ёки бир нечта бўлади. Тутунаклар ҳам илдизпоя сингари вегетатив кўпайиш учун хизмат қиласди. Картошка ва топинамбур тутунакли ўсимликларга мисол бўлади. Картошканинг тутунаги оқ поя деб аталадиган ингичка ер ости пояларидан ҳосил бўлади. Тутунаклар келиб чиқиши жиҳатидан ҳар хил бўлиши мумкин. Баъзи ўсимликларда улар остки поянинг (гипокотилнинг) ўсишидан ҳосил бўлади. Бошқаларида ўсаётган тутунак фақат остки поянни эмас, балки илдизнинг бир қисмини ҳам қамрайди.

Пиёзбош асосан, лоладошлар оиласининг вакилларига ҳосдир. Пиёзбошлар туганаклар сингари зич йўғонлашган эмас, улар қисқа пояни ўраб турадиган қалин ва серэт барглардан ҳосил бўлган. Пиёзбошли ўсимликлар баҳорда, гул ва мева ҳосил қилувчи новдаларини ўстиришида озиқлантирувчи таингачалар деб аталадиган йўғон рангсиз ва серэт баргларидағи запас озиқ моддалардан фойдаланилади. Пиёзбошли ва тутунакли ўсимликлар қуруқ ва иссиқ ўлкаларда кенг тарқалган.

Ер усти новдалар ҳам шаклан ҳар хил ўзгариши мумкин. Масалан, ўсимликларнинг новдаси баъзан баргнинг функциясини бажаради. Шунинг учун яссиланиб баргга ўхшаш шаклга кириб қолади. Бундай поя кладоит деб аталади. Австралия акацияси, кактус ва опунцияларнинг пояси ана шундай пайдир. Кўпинча поялар баргнинг функциясини бажарғанда, яъни фотосинтезда новдалар суккулентлиги кузатилади. Суккулент новдалар йўғон, серэт бўлиб таркибида жуда кўп сув бор. Бу ҳол қурғоқчил ва шўр ерлар ўсимликлари учун жуда муҳимдир. Новданинг йўғон, серэт ва кўпинча филокладоит деб аталадиган барглари сувни кам буғлатадиган ва ўсимликларни ҳайвонларга ем бўлишидан сақладиган тиканга айланиб қолган. Америка

кактусларида суккулентлик яхши ифодаланган.

Тиканлар ҳам шакли ўзгарган новдадир. Улар ўсимликни ҳимоя қиласи, сувни кам буғлатишга ёрдам беради. Булар лимон, мандарин, гледичия, ёввойи нок, дўланада учрайди (8-расм). Булардан ташқари узун, ер бағирлаб ўсағитган ва бўгим ҳамда бўгим оралиқлари бўлган новдалар - гажаклар ҳам учрайди. Бўгимнинг куртак томонидан кўшимишча илдизлар чиқади. Булар қулупнай ва ғозпанжада учрайди.



8-расм. Гледичия дараҳтининг танасида  
ҳосил бўлган тиканлар.

### 3 §. ПОЯ

**Поянинг морфологик тузилиши ва типлари.** Поя ўсимликнинг ер устидаги баргсиз, куртаксиз қисми бўлиб, баргни илдиз билан морфологик ва функционал боғлайди. Унинг асосий вазифаси ўсимлик шоҳ-шаббасини кўтариб тутиш ва сув ҳамда унда эриган минерал моддаларни илдиздан

баргларга, баргда ҳосил бўлган органик моддаларни илдизга ўтказишдан иборат. У баъзан сув ва запас озиқ моддаларни тўйловчи омбор вазифасини ҳам бажаради. Шунингдек, поя нафас олевчи орган ҳам ҳисобланади. Айрим ўсимликларда эса ассимиляция ва вегетатив кўпайиш вазифасини бажаради.

Поя бир йиллик ва кўп йиллик ўтларда, тана эса дарахт ва буталарда бўлади.

Ҳар хил ўсимликлар поясининг шакли ва узун-қисқалиги жуда хилма-хил бўлади. Фалладошларнинг юмaloқ ва ичи бўш пояси похол поя дейилади. Лабгулдошларнинг пояси тўрт қиррали, қиёқларники уч қиррали ва ҳоказо. Поялар ўсиш йўналишига қараб ортотроп (тик) ва плахиотроп (кўндаланг) бўлади. Ортотроп пояларга кунгабоқар, гўза, макка-жўхори мисол бўлади. Плахиотроп пояларнинг баъзилари ерда ёйилиб қўшимча илдизлари билан ерга ўрнашиб ўсади (маймунжон, гозпанжা). Қовоқдошларнинг вакиллари ҳам шу гурӯхга кириб, улар ер бағирлаб ўсади.

Баъзи ўсимликлар поясида бўғим оралиги жуда киска бўлиб, барглари ер бағирлаб ўсади, ўша баргларининг ўртасидаги поя ўсиб, гул ҳосил қилади. Бундай пояларга гуллоя дейилади. Гулпояли ўсимликларга зубтурум, қоқиёт, ковракни мисол қилиш мумкин.

Кўпчилик ўсимликларда поя тик ўсади. Булар аксарият дарахтлар ва айрим ўт ўсимликлари - гўза, беда сингариларда учрайди. Баъзи поялар ер бағирлаб ўралиб, чирмашиб ўсади. Масалан, қовун, тарвузларда. Дарахт ўсимликлардан чирмашиб ўсуви поялилари лианалар дейилиб, улар тропик ўрмонларда кўпроқ ўсади. Уларнинг узунлиги 300 м гача етади. Барча лианаларнинг поясида етарли микдорда механик элементлар бўлмаганлигидан, уларга таянч керак. Шу сабабли ўзларига турли йўллар билан таянч топади.

Лианалар пояси билан чирмашиб олишидан ташқари, уларда бошқа мосламалар, масалан, таянчга ўраладиган жингалаклар (токда), турли хил илмоқлар

(чирмашувчи атиргулда) ва сохта қўшимча илдизлар ҳам бор.

Ўсимликлар поясининг сирги ҳам хилма-хил. Масалан, маккажўхорида улар туксиз, ялпизда майин тукли, атиргулда дағал гукли ва тиканли бўлади.

Айрим ўсимликларнинг пояси серэт бўлиб, у сув ва хлорофилга бой бўлади. Уларда ассимиляция жараёни кечади. Бу ўсимликлар суккулентлар (лот. суккус-шира) дейилади. Суккулентларга мисол қилиб кактус, агаваларни кўрсатиш мумкин.


Пояларнинг узун-қисқалиги ҳам турлича. Айрим ўсимликларда улар бир неча мм бўлгани ҳолда, қарагайда 50 м, оқ қарагайда 70 м, секвойядендронда 135 м, эвкалиптда 150 м гача етади. Шунингдек, поясининг йўғонлиги ҳам турли-туман. Зарпечак пояси бир неча мм, чинорники 5-6 м, Африкада ўсуви боабаб дарахтиники 10-12 м, секвойя дендронники 13 м гача бўлади.

Поясининг типи ва ҳаётининг узун-қисқалигига қараб, барча гулли ўсимликлар: дарахт, бута, чалы буга ва ўт ўсимликларга бўлинади. Дарахтларнинг асосий танаси яхши ривожланган ва ёточи иккиламчи тартибда ёғочланиб йўғонлашган кўп йиллик ўсимликлардир. Шунингдек, шох-шаббаси яхши ривожланган бўлади. Дарахтларнинг умри кўпчилигида 200-300 йил бўлгани ҳолда, айримларида ўнлаб асрларга етади. Хусусан, эман 1500, сарви ва савр дарахтлари 3000, боабаб 5000, секвойядендрон айрим манбаларда 8000 йил яшагшлиги кўрсатилган.

Тик пояли дарахтлар турли шаклдаги шох-шаббалар шаклланади ва у ўсимликтин ташки қиёфасини намоён қиласди. Сарви, пирамидал эман, терак пирамида шаклида, ёнгоқ, қайрагоч, чинор ёйик шабба ҳосил қиласди (9-расм).

Ёрутлик кўп, намлик тақчил бўлган саванналарда ёшиқ шаббали дарахтлар ўсади.

Буталар ҳам кўп йиллик ўсимлик бўлиб, уларнинг ҳам танаси иккиламчи тартибда йўғонлашган, лекин дарахтлардан фарқли равишда танаси бир нечта



9-расм. Дарахтлар шох-шаббасининг турли-туманлиги

- 1- аргувон;
- 2- қора қарагай (горизонтал шохланган);
- 3- эман;
- 4- қайнин (юқорига шохланган);
- 5- пирамидал терак;
- 6- мажнун тол (йиглоқи);
- 7- пиния (зонтиксимон);
- 8- қора қарагай (ер багирлаб ўсувчи)

бўлади. Улар ер юзасидан бошлибоқ шохлайди ва бўйи 4-5 м дан ошмайди. Бодом, сиренъ, наъматак, зирк, учқат буталарга мисол бўлади. Бўйи 1 м дан ошмайдиган буталар ҳам бўлиб, улар бутача деб юритилади. Боялиш, терескен каби Ўрта Осиё чўлларида ўсадиган ўсимликлар бутачаларга мисол бўлади.

Чала буталар ҳам кўп йиллик ўсимлик бўлиб, буталардан фарқи шуки, улар поясининг фақат пастки

қисми ёғочланган бўлиб, ёғочланмаган юқориги қисми қишда нобуд бўлади. Шувоқнинг чўлда ўсадига турлари, астрагал, изен чала буталарнинг типик вакилидир. Ўт ўсимликларнинг ер усти органи вегетация даврининг охирида батамом нобуд бўлади. Бу гурӯҳ ўз навбатида бир йиллик, икки йиллик ва кўп йиллик ўсимликларга бўлинади.

Бир йиллик ўсимликлар ўз ҳаёт циклини бир вегетация давомида, яъни баҳорда бошлаб кузда тутатади. Буларга ғалла экинлари ва қатор маданий ўсимликлар мисол бўлади.

Икки йиллик ўсимликларнинг ҳаёт цикли биринчи йили тугалманмай, иккинчи йили ҳам давом этади. Биринчи йили улар одатда, фақат тўлбарг ёки қисқарган поя ҳосил қиласди. Иккунчи йили поя чиқарип гуллайди, мева тугади ва кейин нобуд бўлади. Сабзи, лавлаги, карам, сасратқи ва кўргина ёввойи ўтлар икки йиллик ўсимликлардир.

Кўп йиллик ўт ўсимликларнинг ҳаёт цикли бир неча йил давом этади. Уларнинг ер устки қисми қишда нобуд бўлиб, қишлоғчи пиёзбош, тутунак ва илдизпояларидан баҳорда қайта ўсиб чиқади. Уларнинг айримлари ўн йиллаб яшайди (төвсагиз). Кўп йиллик ўтларга беда, себарга, айрим галладошлар (сувбутдойик, оқсўхта) мисол бўлади.

*Поянинг анатомик (ички) тузилиши.* Поя ўзининг асосий вазифага мос равишда анатомик тузилишга эга. Унда мураккаб тузилган ўтказувчи тўқималар тизими шаклланган; механик тўқималарнинг мавжудлиги эса ўсимликни таянч вазифаси билан bogлиқ.

Поя ҳам новда каби умрбод ўсииш хусусиятига эга. Унда меристема тўқималар тизими мавжуд бўлиб, поянинг энига ва бўйига ўсишини таъминлайди. Лекин поядга учки, ён ва қўшимча меристемалар мавжудлиги билан илдиздан фарқ қиласди.

Юқоридаги тўқималардан ташқари поядга қопловчи, гамловчи, ассимиляцияловчи ва ажратувчи тўқималар ҳам бор.

Пояда бир-биридан ажралиб турувчи З та анатомик зоналар: қопловчи, бирламчи пўстлоқ ва ўзак ёки стел


(юон. стела-устун) мавжуд.

Ҳар қандай пояни ташқи томондан эпидерма қоплаб туради. Бирламчи қопловчи түқима бўлган эпидерма остида паренхимадан ёки паренхима ва механик түқималардан иборат бирламчи пўстлоқ жойлашади.

Бир паллали ўсимликларнинг пояси анчагина бир хил тузиған. Масалан, маккажӯхорини пояси ташқаридан эпидермис билан қопланган, унинг остида эса ўлик прозенхима жойлашган. Асосий паренхиманинг марказий қисмидан ташқари жойида ёпиқ толали найчалар боғлами тартибсиз равища ёйилган бўлиб, улар ўтказувчи механик түқималар билан асосий түқималар ўзаро боғланган системасидан иборат. Боғламнинг марказий қисми 2 та тўрли иирик найчадан ва 1-3 та майдә спирал ҳамда ҳалқали найчалардан, шунингдек ёғочлик паренхимасининг тирик ҳужайраларидан иборат.

Боғламнинг ташқи қисми луб элементлари, тўрли найчалар ва уларнинг йўлдош ҳужайраларидан ташкил топган. Поянинг марказида жойлашиб паренхиманинг юпқа нўстли ўлик ҳужайраларидан ташкил топган қисми ўзак дейилади.

Икки паллали ўсимликларнинг пояси бирламчи йўғонлашиб бўлганидан кейин, камбий ҳисобига иккиламчи йўғонлашади ва шу билан бир паллалилар поясидан фарқ қиласди. Кўп йиллик икки паллали ўт ўсимликлар поясининг түқималари дастлаб бир паллалиларники сингари бирин-кетин ҳосил бўлади. Ўсиш конусининг бирламчи меристемасида пўст бўлиб, кейинчалик механик түқима – колленхима ва пўстлоқ түқимаси ажралади. Пўстлоқ паренхимасининг таркибида хлоропласт бўлган юпқа деворли тирик ҳужайралардан иборат. Унинг тагида луб толаларининг туташ ҳалқаси, ундан кейин поянинг марказида асосий паренхима ва прокамбий жойлашади. Прокамбийнинг марказий томонидаги ҳужайраларидан поянинг ёғочлилиги, ташқи ҳужайраларидан бирламчи луб ҳосил бўлади. Бирламчи ёғочлик ҳужайралари марказдан четта қараб, бирламчи луб эса, аксинча четдан марказга қараб ҳосил бўлади. Иккиламчи ҳосил қилувчи түқима камбий ҳам прокамбийдан ҳосил бўлади.



10-расм. 8 ёшли дарахт танасининг  
анатомик тузилиши.

Кўндаланг (I), бўйлама (II) ва тангенталь (III) йўналиш бўйлаб кесчга:  
ИкП-иккиламчи пўстлоқ; Их-ийллик ҳалқа; К-камбий; П-пўстлоқ;  
Л-луб; Ун- ўзак нурлари; Ў-ўзак.

Камбий ҳужайралари тўсиқлар ёрдамида поя юзасига параллел равишда бўлинади, бунда ҳосил бўлган иккита ҳужайранинг бири камбий ҳужайралигича қолади, иккинчиси эса, агар ёғочликка қараган бўлса ёғочликни, агар лубга қараган бўлса лубни ҳосил қиласди. Камбий луб томондан кўра кўпроқ ёғочликка томон бўлинади

Камбий поянинг четига қараб ажратган ҳамма элементлар иккиламчи флоэма (луб), ичкарига қараб ажратган элементлари иккиламчи ксилема (ёғочлик) деб аталади. Бироқ камбий прокамбийдан туташ ҳалқа шаклида ҳосил бўлсагина камбий ҳужайралари бир хил иш бажаради. Бу ҳолда поянинг кўндаланг кесимиidan тўқималар барча қатламларда бир хил жойлашганлигини кўриш мумкин. Бунда тўқималар поянинг марказидан четига қуидагича: ўзак, бирламчи ёғочлик, иккиламчи

ёғочлик, камбий, иккиламчи луб, бирламчи луб, асосий паренхима, луб толалари, пўстлоқ паренхимаси, колленхима, эпидермис жойлашади.

Агар прокамбий айрим-айрим жойлашига, камбий ҳалқасининг иши бутун айлана бўйлаб бир хил бормайди. Бунда камбийнинг боғламли қисми иккиламчи ёғочлик ва иккиламчи лубни, боғламлараро қисми, асосан, паренхима ҳужайраларини ҳосил қиласди. Шундай қилиб, икки паллали ўсимликлар пояси икки типга бўлинади. Биринчиси ҳалқасимон тип бўлиб, унда бирламчи ва иккиламчи ксилема ҳамда бирламчи ва иккиламчи флоэма ҳалқа-ҳалқа бўлиб жойлашади. Иккинчиси боғламли тип бўлиб, унда тўқималар асосий паренхимада алоҳида боғламлар шаклида жойлашади.

Ўт ўсимликлар пояси гул ва мева ҳосил бўлгунича йўғонлашади, кейин эса тўхтайди. Дараҳт ва буталарда эса камбий уларнинг бутун ҳаёти давомида фаолият кўрсатади. Дараҳтларнинг иккиламчи ёғочлиги ва луби бирламчиларига нисбатан анча мураккаб тузилган, чунки уларнинг таркибида гамловчи, ўтказувчи ва механик тўқималар мавжуд.

Иккиламчи ёғочликнинг ўтказувчи тўқимаси тўрли наилар ва трахеидлардан иборат. Асосий тўқималар толалар бўлиб, бу толалар ва ўзак нурлар ўрнини босадиган ёғочлик паренхимасидир. Ёғочлик паренхимаси тирик ҳужайралардан иборат бўлиб, уларда қишида жир ва крахмал шаклидаги запас озиқ моддалар тўпланади.

Ўзак нурлари йирик паренхима ҳужайралари қаторидан иборат. Улар поянинг кўндаланг кесимида радиус бўйлаб жойлашади ва иккиламчи ёғочлик қатламини кесиб ўтади. Шунинг учун, уларни баъзан радиал нурлар деб аталади. Ўзак нурлар поядга икки хил вазифани бажаради. Уларнинг ўлик ҳужайралари бўйлаб сув ва унда зриган минерал тузлар поянинг марказидан четига қараб, тирик ҳужайралари бўйлаб эса пластик моддалар эритмаси марказга қараб ҳаракатланади.

Иккиламчи ёғочликнинг механик тўқималари либриформлардан иборат бўлиб, аслида склеренхимадир. Ўшбу прозенхима ҳужайралари лигнин моддасини шимиб олиб, пўсти қалинлашади. Механик тўқиманинг

пишиқлиги ана шу либриформнинг миқдорига бөглиқ. Либриформ миқдори 75% дан кўп дарахтлар, жумладан карелия қайини, туг дарахти кабилар темир дарахти дейилади. Иккиламчи луб ҳам худди ёғочлик каби ўтказувчи, гамловчи, механик тўқималардан иборат. Улардаги ўтказувчи тўқималар турли найчалар ва уларнинг йўлдош ҳужайраларидан иборат бўлиб, бирламчи лубдагидан фарқ қилмайди.

Камбий ҳар йили иккиламчи ёғочлик ва лубнинг янги ҳужайраларини ҳосил қилиши эвазига дарахт ўсимликлари бир умр ўсишда бўлади. Лекин бу ўсиш мавсумийдир. Баҳорда камбий фаол ишлайди, кузга келиб эса унинг фаолияти сусайди. Шу сабабли баҳордаги йирик ҳужайралар кичрайиб қолади. Қишига келиб камбий фаолияти тўхтайди. Баҳорда ушбу жараён қайта бошланади. Шу сабабли кузги майда ҳужайрали ёғочлик билан баҳорги йирик ҳужайрали ёғочлик ўртасида аниқ чегара пайдо бўлади. Булар ўзларини ҳалқа дейилади. Ҳар йили биттадан йиллик ҳалқа ҳосил бўлади, шу сабабли дарахтларнинг ёши улардаги ҳалқалар сони билан ўлчанади (10-расм).

Дарахтнинг ёши каттариб бориши билан унинг ички қатламларига кислород ва озиқ моддаларни кириши тобора ёмонлаша боради ва марказий қисмида барча ҳужайралар нобуд бўлади. Шу сабабли ёғочликнинг ички қатламлари фақат механик вазифани бажаради. Кўпчилик ҳолларда ёғочликнинг маркази қорамтири, кўлранг ёки қўнгир, баъзида эса сариқ рангда бўлади. Унинг ташки қисми эса оч рангда бўлади. Марказий қисмнинг ранги нобуд бўлган ҳужайралар девори ва бўшликларини ҳар хил пигмент ва бошқа моддаларни шимиб олишига борлиқ.

Ёғочликнинг марказий тўқ рангдаги қисми ядро, чеккадаги оч рангдаги тирик қисми заболон дейилади. Ёғочликнинг ядроси модда алмашинувида иштирок этмайди. Қарагай, ёнғоқ, арча каби дарахтлар ядроли дарахтлар бўлиб, уларнинг ёғочи яхши техник сифатларга эга.

Камбийнинг фаолияти йил фаслларига қараб ўзгариб туради. Баҳорда ўсимлик шираси кўпайгацда камбий фаолияти ортади. Шу даврда шаклланган ўтказувчи элементлар - трахея ва трахеидларнинг

диаметри йириклашади. Кузга келиб ўсимлик шираси камайганда эса улар майдалашади. Натижада баҳорда ва кузда ҳосил бўлган ҳужайралар ўртасида кескин фарқ кузатилиб, йиллик ҳалқаларни ҳосил қиласди. (10-расм).

#### 4 § БАРГ

**Баргнинг морфологик тузилиши ва вазифаси.** Ўсимлиknинг дастлабки барги уругпalla бўлиб, у апекс ва учки куртак пайдо бўлмасдан олдин муртак танасининг дифференциясидан юзага келади. Навбатдаги барча барглар новданинг алексидаги меристемадан акропетал тартибда экзоген бўртмалар тарзида вужудга келади.

Барг кўпинча ясси шаклда. Бошқа органлардан фарқли ўлароқ уларнинг ўсиши чекланган, яъни фақат маълум ўлчамгача ўсади. Шунингдек, барг ўзида бошқа орган ҳосил қилмайди. Кам ҳолларда баргда кўшимча куртак ёки қўшимча илдиз (бегония, росянки) ҳосил қиласа-да, барг ўзида янги барг ҳосил қилмайди.

Барг ўсимликларда фотосинтез, газ алмашинуви ва сув буғлатиш каби муҳим вазифаларни бажаради. Булардан ташқари айрим ўсимликларда у озиқ моддалар тўплайдиган жой бўлиши ва вегетатив кўпайиш вазифасини бажариши мумкин. Барг сатҳига тушган ёруғлик нурларининг энергияси органик моддаларнинг ҳосил бўлишига сарфланади. Барг орқали ҳаводан олган карбонат ангиридан ва илдиз тизими орқали пояга ўтиб турувчи сув ҳисобига органик модда ҳосил бўлади. Сув транспирация туфайли поя орқали юқорига кўтарилиб туради. Натижада ҳужайралар сув билан таъминланади. Транспирация эса ўсимликни қизиб кетишидан асрайди.

Тўлиқ барг З қисмдан: барг пластинкаси, барг банди ва барг асоси (таги) дан иборат.

Барг пластинкаси билан барг асоси ўртасида барг баъди жойлашган. Унинг шакли цилиидрсизмон, ясси ва бошқа хилларда, узун-қисқалиги ҳам ҳар хил бўлиши мумкин. Хусусан, теракларда, айниқса осинада (шу боисдан бу дараҳт қалтироқ терак дейилади) барг банди

анча узун, толларда эса у жуда қисқа бўлади. Банди бор барглар бандли барглар деб, банди йўқ барглар эса бандсиз барглар деб юритилади. Барг банди уни механик таъсирлардан сақлайди ва керакли томонга қараб бурилиши учун хизмат қиласди, шунингдек ўтказувчаник ва интеркаляр ўсишга имкон беради.


Баргнинг асоси ҳам ҳар хил. Баъзи ўсимликларда новда билан бирлашган жойи бўртма шаклида, кўпгина ўсимликларда эса баргнинг асоси тарновга ўхшашиб, поянинг бир қисмини ўраб туради ва барг гилофи дейилади. Буни галладошларда ва соябонгулдошларда кузатиш мумкин. Барг гилофи барг кўлтиғида жойлашган куртак ва поянни интеркаляр меристемасини ҳимоя қиласди.

Кўпчилик ўсимликларда барг бандининг асосида бир жуфт алоҳида ўсимталар бўлиб, улар ёнбаргчалар деб юритилади. Одатда улар баргдан оддин ривожланиб, куртакдаги баргларни ҳимоя этади, чунки барг пластинкаси нисбатан йирикроқ бўлади. Куртак очилгандан сўнг ёнбаргчалар тушиб кетади. Баъзан барг асоси ёнбаргчалар билан қўшилиб ўсиб, юпқа пардачали найчаларга айланади. Буни отқулоқ, ровоч, сувқалампирида учратиш мумкин.

Барг бандида битта барг пластинкаси бўлса оддий, бир нечта барг пластинкаси бўлса мураккаббарг дейилади. Оддий баргларга олма, терак, ўрик; мураккаб баргларга акация, каштан, себаргаларнинг барглари мисол бўлади.

Барг пластинкасининг шакли турли-туман бўлади. Улар юмалоқ, чўзинчоқ, ланцет, тухум ва тескари тухум, овал, қиличсимон ва бошқа шаклларда бўлади. Агарда барг пластинкасининг четлари текис бўлса, улар текис четли барг дейилади. Агар чети камроқ ўйиқли бўлса тишли барг дейилади. Баргларнинг ўйиги ўткир ва дўнг жойи думалоқ бўлса кунгурули барг дейилади. Агар барг пластинкасининг чети барг энининг тўртдан бир қисми-гача ўйилган бўлса бўлинма барг деб аталади. Бундай баргларни эман, заранг, гўза, чинор каби ўсимликларда кўриш мумкин. Ўйиқлар барг пластинкасининг ярмигача борса бўлинган барглар дейилади (11-расм). Агар ўйиқлар баргнинг марказий томиригача етган бўлса улар

қирралы барглар дейилади. Сабзи ва тарвузнинг баргини бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин.



11-расм. Барг пластинкаси четларининг турли-туманлиги


1-текис четли; 2-тишли; 3- аррали; 4- кунгурали; 5- ўйик

Оддий барг шаклини аниқлашда унинг умумий кўриниши, асоси, учи, четлари томирланишига қараб тасвирланади. К.Линней 170 дан ортиқ барг хилларини аниқдаган. Баргларнинг шакли ва томирланиши тур, туркум, оила ва синфнинг белгиларидан биридир. Шу сабабли ўсимликлар систематикасида ўсимлик баргининг тузилиши мухим белги ҳисобланади.

Мураккаб баргларнинг бир неча тури мавжуд. Уч баргчали мураккаб баргларга йўнғичқа ва себарга мисол бўла олади. Панжасимон мураккаб барглар (люпин, наша, каштан) асосий барг бандининг учига панжасимон шаклда ўрнашган. Патсимон мураккаб барглар тоқ ва жуфт бўлади. Тоқ патсимон барг бандига баргчалар кетма-кет ёки қарама-қарши жойлашиб, учи ҳам баргча билан тутайди. Акация, нўхат ўсимликлари шундай баргларга эга бўлиб, уларда баргчаларнинг сони ҳам тоқ бўлади. Агар барг бандининг учига тикан ёки жингалак билан тутаса, баргчаларнинг сони жуфт бўлади ва жуфт патсимон барг деб аталади. Горох, ясмиқ, нўхатак каби ўсимликларда шундай барглар мавжуд.

Барг пластинкаси асосан мезофилл (эт) ҳамда томир қисмидан ташкил топган. Баргнинг мезофилл қисми

ассимиляция тўқимадан иборат, томирчалар барг пластинкасини тик тутиб туриш учун хизмат қилади ва эгилиб букилиб кетишидан сақлайди. Унда ўтказиш вазифасини бажарувчи най боғламлари мавжуд. Томирлар кўпинча баргнинг остки қисмида бўртиб туради. Баъзи ўсимликлар (тол, олма, откулок) нинг баргларида барг учидан баидигача борадиган битта марказий томир бўлади ва ундан барг пластинкасининг ён томирларига кетма-кет ён томирчалар тарқалади. Бундай томирланиш *патсимон томирланиш* дейилади. Агар барг пластинкасидан бир нечта ўхшаш томирлар чиқиб, унинг барча томонларига тарқалган бўлса *панжасимон томирланиш* дейилади. Буни терак, ток, гўза ва чинор баргларида кўриш мумкин. Барг пластинкасининг асосида тарқалган томирлар барг учига бориб яна бир-бирига яқинлашса ёйсимон томирланиш деб аталади (зубтурум). Томирлар барг пластинкасида параллел жойлашса *параллел томирланиш* деб аталади.



12- расм. Баргларнинг томирланиши

1- параллел; 2- ёйсимон; 3- панжасимон;  
4- дихотомик; 5- патсимон томирланиш

Бундай томирланиш галла ўсимликларида учрайди. Томирлар кўпинча жуда шохланиб кетиб, қалин тур ҳосил қилади ва бу тўрсимон томирланиш дейилади. Кўпчилик икки паллали ўсимликларнинг барглари тўрсимон томирлидир (12-расм).

Барглар пластинкаси асосининг шаклига қараб ҳам турлича бўлади. Масалан, асоси юмалоқ, ўткир, тўмтоқ, юраксимон, бўйраксимон, ўқ шакли ва понасимон барглар бўлади. Барг пластинкасининг учини шаклига қараб ўткир учли, наизага ўхшаш, наштар барглар, уни тўмтоқ ёки уни ўйиқли барглар бўлади. Кўпинча барглар юзаси ҳар хил тукчали бўлади. Унга кўра барглар момикли (қулупнайд), тукчали (ғўзада), тивитли (бедада), қилчали (кўкнорида) бўлади.

Одатда барглар новдада 1 йилдан 5-6 йилгача яшаши мумкин. Лекин Африкада ўсадиган вельвичия барги 100 йилдан кўпроқ яшайди. Чунки у чарм сингари қайишқоқ, қалин пўстли, узунлиги 3 м га яқин бўлади. Унинг барглари тубидан ўсиб учидан емирилиши ҳисобига узоқ яшайди.

Ҳарорат пасайиб куз келгач, фотосинтез ва транспирация жараёни тўхтагач, барглар ўз вазифасини тамомлади ва хазонрезилик бошланади. Булда улар бандининг асосий ҳужайраларининг алоҳида ажратувчи қатлами ҳосил бўлади ва улар тўкилади. Доимий яшил дарахтлар барги бир неча йил (3-5 йил) яшайди.

Баргларнинг турли хил ўсимликларда ўлчами турлича. Айрим ўсимликларда улар бир неча мм, айримларида эса бир неча метрга етади. Масалан, бразилия шальмаси рафиининг баргини узунлиги 20м.

Новданинг тепасида, ўргасида ва пастки қисмиде жойлашган барглар бир-биридан айрим белгилари билан фарқ қиласди. Баъзан битта ўсимликда турли шаклдаги барглар учрайди (тут). Бу эса гетерофилия ҳодисаси дейилади.

Кўтчилик ўсимликларнинг барглари фотосинтез вазифасини бажарганинидан новдадан максимал фойдаланадиган ва бир-бирига соялаб кўймаидиган бўлиб жойлашади. Баргларнинг ёругликка нисбатан бундай реакцияси барг мозаикаси деб аталади. Уни сабзи, картошка, кунгабоқарда, дарахтлардан жўка, заранг, қайрагочда осон кўриш мумкин (13-расм).

Барглар новдада ҳамина маълум қонуният асосида жойлашади.

1. Навбат билан жойлашиш. Поя бўгимида

биттадан барг бўлиб, улар пастдан юкорига қараб кетмакет жойлашса бу навбат билан жойлашиш дейилади. Масалан, олма, ўрик, олча барглари новдада худди шундай жойлашади.




13- расм. Плющ ўсимлигида барг мозаикаси

2. Қарама-қарши жойлашиш. Новданинг ҳар қайси бўгимида бир-бирига қарама-қарши иккита барг жойлашса, уни қарама-қарши жойлашиш дейилади. Райҳон, ялпиз, сиренъ барглари унга мисол бўлади.

3. Ҳалқасимон ёки доиравий жойлашиш. Новда бўгимида З ва ундан зиёд барглар жойлашса, ҳалқасимон ёки доиравий жойлашиш бўлади. Элодея, қирқбўғим, олеандр барглари бунга мисол бўлади.

Баргларнинг пояга жойлашиш тартиби ирсий белги бўлиб, ҳар қайси оиласаларда маълум тартибда жойлашади.

**Баргларнинг хилма-хиллиги.** Ўсимлик танасида жойлашган барг шапалоги тузилиши жиҳатидан ҳар хил бўлади. Ўсимликнинг биринчи барги уругпалла бўлиб, у мурагкада шакланган ва ўз шакли билан ҳақиқий баргдан фарқ қиласди. Уругпалланинг ҳосил бўлиши ўсимта ёки майса даври деб аталади. Бу даврдан кейин ювенил (лот. ювенилус-ёш) даври келади. Бунда ўсимлик ёшлиқ даврига хос кўринишдаги бир қатор ҳақиқий (биринчи ва иккинчи) барглардан ташкил топади. Улар анча майда ва содда тузилишга эга бўлади. Ундан кейинги барглар



14- расм. Барг шаклининг турли-туманлиги

- 1-аїланы (шарсимон эвкалипт); 2- элліпсимон учми (лаврбаргли терак); 3- кенгнаштарсимон (Маака бересклети); 4- ромбсимон (қайин); 5-тухумсимон (граф); 6- учбурчак (кора терак); 7- нинабарг (арча); 8- қыличсимон (сарық тол); 9- панжасимон (манжетка); 10- патсимон (эман); 11- мураккаб патсимон (караган); 12- ўроқсимон (айланашох эвкалипт); 13- түртнанжасимон (лола даражти); 14- күштакрорсимон (ўрмон купири); 15- еллигичсимон (пальма); 16-панжасимон бўлинган (шакар заранг); 17- панжасимон мураккаб (сохта каштан); 18- тоқпатсимон мураккаб (амур бархати).

мураккаблашиб, типик барглар ҳосил бұлади.

Имматур (лот.генераціо-түгілиш) даврида гул пайдо бўлиб, бу даврда ҳосил бўлған барглар одатда уч хил: пастки, ўрта ва устки барглардан иборат.

Пастки ёки катафил (юнон. κατα-παστκι; филон-барг) баргларнинг ўлчами кичик, пластинкаси яхши ривожланмаган, ранги оч яшил, кўнғир ёки барг қинига ўхшаш. Бу барглар пиёзбош ва илдиз пояли ўсимликларнинг баҳорда янгидан ривожланадиган новдаларида ҳосил бўлади. Лола, отқулоқ ва равочда уни яхши кузатиш мумкин. Бу барглар асосан куртакларни ҳимоя қилишга хизмат қиласди.

Ўрта барглар эса катафилл барглардан кейин ривожланиб, улар яшил рангта эга ва ассимиляция вазифасини бажаради.

Устки ёки гипсофилл барглар (юнон. γίψο-υστκι) ўтларда гул ва тўпгул ёнида пайдо бўлади. Улар ҳам ўрта баргларга нисбатан соддароқ тузилган. Устки барглар баъзан қизил, қирмизи рангларда бўлиб, ҳашарогларни жалб қилиш учун хизмат қиласди (14-расм).

**Барг метаморфози.** Қурғоқчилик ерларида ўсимликлар сувни кам буглатиш учун кўргина баргларини тиканга айлантиради. Кектус, зирк, спаржа ўсимликларида барглар мутлақо тиканга айланган. (15-расм). Айрим ўсимликларда барг пластинкасининг четлари майдада тиканларга айланади. Масалан, қушқўнмас, говтика. Акация, ковул ўсимликларида эса ён баргчалар тиканга айланган.

Баъзи бир ўсимликларда баргнинг бутун ёки бирор қисми ипсимон жингалакка айланади. Горох, нұхатак, бурчоқ, ясмиқ ўсимликлари мураккаб баргларининг охирги баргчаси шаклини ўзгартириб жингалакка айланган. Сувда ёки ботқоқда ўсадиган ўсимликларнинг барглари ҳашарогларни тутиб ҳазм қилишга мослашган. Ботқоқ росянкаси, пашшахўр венерина, мухоловка барглари ҳашарот қўниши билан тукчалари таъсиранади ва улар ёпилиб ҳашаротларни ушлаб қолади (16-расм, 2,3).

Бразилияда ўсадиган непенсис ўсимлигига эса барг бандининг бир қисми кўзачага, барг пластинкаси



15- расм. Зиркнинг баргдан келиб  
чиққан тиканлари



16- расм. Ҳашаротхўр ўсимликлар

1- росянка; 2-3- пашшахўр венерина; 4- непенсис.

эса қопқоқчага айланған бўлиб, ҳашаротлар шу кўзачага тушиши билан қопқоқча ёнилади, ушланған ҳашаротлар ҳазм бўлади (16- расм.4)

Пиёзбоща барглар ўз хлорофилл доначаларини йўқотиб рангсиз қобиққа айланади ва ўзида запас озиқ моддаларини тўплайди. Карам, алоэ барглари эса этли бўлиб, улар ҳам ўзида запас озиқ моддалар йигади. Хлорофил доначаларига эга бўлган баргчалар органик моддалар ҳам ҳосил қиласди.

**Баргнинг анатомик тузилиши.** Баргнинг ички тузилиши ва пластинкасининг морфологияси ана шу ўсимликнинг қайси систематик гурӯхга кирганлигига боғлиқ. Барг юзаси рангсиз, юпқа пўст билан қопланган. Пўстнинг тагида барг эти жойлашган. У юпқа целялюоза пўстли, хлорофилл доначали тирик ҳужайралардан иборат. Барг этини кўпчилик ҳолларда мезофилл дейилиб, унинг ҳужайралари ўлчами ва шаклига кўра турли хил бўлади. Кўпчилик ўсимликларда улар ўзаро зич жойлашган ҳужайраларнинг бир неча қаватидан иборат. Улар барг юзасига перпендикуляр жойлашиб, полисад ёки устунсимон паренхима деб аталади. Уларнинг ҳужайраларида жуда кўплаб хлоропластлар бўлади. Устунсимон паренхима остида таркибида хлоропластлари кам бўлган нотўғри шаклли ҳужайралардан иборат ғовак тўқима жойлашади. Унинг ҳужайралараро бўшлиги кенг бўлади, айниқса улар сув ўсимликларида куп учрайди ва бу ўсимликлар баргини сув юзида сузиб юришига ёрдам беради. Барг этини ташкил этувчи бу иккала тўқима ассимиляция вазифасини бажаради ва шу сабабли ассимиляцион тўқима деб аталади.

Серкүёш шароитда ўсимликларда мезофилл ҳужайраларнинг аксариятті чўзиқ шаклда бўлиб, улар устунсимон паренхимани ҳосил қиласди. Салқин жойларда ўсадиган ўсимликларда эса бу тўқима мутлақо бўлмайди ёки кам учрайди. Бу ҳолни ҳатто битта дараҳтнинг турли шохларида баргида ҳам кузатиш мумкин. Хусусан, устунсимон паренхима жануб томондаги баргларда яхши ривожланиб шимол томондагиларида суст ифодаланган бўлади. Бунинг сабаби шуки, устунсимон тўқиманинг ҳужайралари ёргулек таъсирини тартибга солиб туради.

Яъни, ёргулук таъсири кучли бўлганда хлоропластлар устунсимон паренхима ҳужайраларининг пастки учиди, ўртача бўлганда ҳужайраларнинг ён деворларига яқин жойда, кам бўлганда эса ҳужайралар эпидермис остидаги юқори учиди жойлашади.

Кўпчилик ўсимликлар устунсимон паренхимаси остида воронкасимон шаклдаги йигувчи ҳужайралар бўлади. Улар кенг қисми билан устунсимон тўқима ҳужайраларига ёндошиб жойлашади. Уларнинг вазифаси фотосинтезда устунсимон тўқима ҳужайраларида ҳосил бўлган органик моддаларни қабул қилиш ва уни баргнинг ўтказувчи боғламларига ўтказищдан иборат.

Баргни кўндалангига кесиб микроскопда кўрилса унинг томирлари устки ва пастки томондан эпидермис билан қопланганлигини, унинг остида эса колленхима ҳужайралари жойлашганлигини кўриши мумкин. Толаларнинг маълум қисмини асосий паренхима ҳужайралари эгаллаган бўлиб, улар орасида айрим толали найчалар боғлами бўлади. Унинг юқори қисми ёғочлик ҳужайраларидан, пастки қисми эса луб элементларидан иборат бўлади. Боғламлар пояди қандай жойлашса, барг томирларида ҳам худди шундай жойлашади.

Боғламларнинг энг кўпли баргнинг асосида бўлиб, барг учига томон эса майдалашиб боради ва ниҳоят барг пластинкасининг энг четига ёғочликнинг биттагинаейчаси етиб боради. Шу сабабли сув найча бўйлаб барг пластинкасининг энг четигача етиб боради, этнинг найча атрофидағи чўзинчоқ ҳужайралари эса фотосинтез маҳсулотларини баргнинг энг учидан бошқа қисмларига оқиб боришини таъминлайди.

Бир паллали ўсимликлар баргининг механик тўқималари склеренхимадан, икки паллали ўсимликлар баргиники эса колленхима ва тош ҳужайраларидан иборат. Механик тўқималар найчалар боғлами билан биргалиқда жойлашиб уларни пишиқ қиласа, тош ҳужайралар барг банди ва томирларини қаттиқ қиласади.

## 7- боб

### ЎСИМЛИКЛАРНИНГ КЎПАЙИШИ

Ҳар қайси организм, жумладаи ўсимликлар ҳам кўпайиш хусусиятига эга бўлиб, бу хусусиятни йўқотган ўсимликлар ер юзидан йўқолиб кетади. Бундай ҳолат ўсимликлар оламининг эволюцияси давомида кўп марта учраган.

Авлод бериш жараёнида ўсимлик тўпининг сони ошса бу кўпайиш бўлади. Кўпчилик ҳолларда айнан шундай бўлади. Ўсимликларнинг кўпайипи учун потенциал имконияти жуда катта бўлиб, кўпайиш орқали ўсимлик ўз турини сақлаб қолади ва янги ҳудудларни эталлайди.

Ўсимликлар кўпайишининг З хили мавжуд булар вегетатив, жинссиз ва жинсий кўпайиш.

**ВЕГЕТАТИВ КЎПАЙИШИ.** Ўсимликнинг вегетатив органлари ёрдамида кўпайишнига вегетатив кўпайиш дейилади. Бу кўпайиш ҳам тубан, ҳам юксак ўсимликларга тегишли. Умуман, ҳайвонлардан фарқ килиб, вегетатив кўпайиш барча ўсимликларга хос. Бу жараён тубан ўсимликлар танасининг бир неча бўлакларга бўлиниб кетиши ёки юксак ўсимликларда илдизпоя, бачки, пиёз, тутунак каби органларни юзага келиши, тананинг айрим қисмларидан бир бутун ўсимлик пайдо бўлиш хусусиятига асосланган. Ҳар қандай ҳолатда ҳам кўпайишнинг манбаи бўлиб куртак хизмат қиласди. Лекин бошқа томондан қараганда ўсимлик новдасининг илдиз отиш қобилияти яхши бўлгандагина кўпайиш осон кечади.

Кўпчилик сувўтлар, лишайниклар қаттанаси она ўсимликтан осонгина бўлиниб янги ўсимликка айланиши мумкин. Бу вегетатив кўпайишнинг энг сода усули бўлиб, маҳсус органларсиз амалга ошади. Шу йўл билан айрим гулли сув ўсимликлари ҳам кўпайиши

мумкин. Элодея, роголистник каби ўсимликлар бунга мисол бўлади.

*Табиий ва сунъий вегетатив кўпайиш.* Табиий ҳолда вегетатив кўлайишни ўсимликларни янги ҳудудларни эгаллашда аҳамияти катта бўлиб, у кўпинча ўсимликни ургидан •кўпайиши қийин бўлган шароитларда учрайди. Ўрмонда учрайдиган ўтлар бунга мисол бўла олади. Еруғликнинг етишмаслиги ва чанглатувчи ҳашаротлар йўқлиги сабабли бу шароитда ўсувлари ўсимликлар уруғ ҳосил қилмайди.

Табиатда учрайдиган вегетатив кўпайишни амалиётда кўллаш ҳеч қандай қийинчилик тутдирмайди. Кўпчилик манзарали бугалар, кўп йиллик ўтлар ўсимлик тупини бўлиш, илдиз бачкилари билан осон кўпаяди. Бу усулларни хона ўсимликларини кўпайтиришда ҳам кўлланади. Лоладошларнинг қатор вакиллари (пиёз, саримсоқпиёз, лилия, лолалар, гиацинт ва гладиолуслар ва бошқ.) пиёзини ва илдизтугунагини бўлиш орқали кўпайтирилади.

Вегетатив кўпайишнинг қуидаги табиий усуллари мавжуд. Булар илдизпоя, тутунаклар, пиёзбошлар ва илдизбачкилари ёрдамида кўпайиш.

Ажриқ, гумай каби ўсимликларни илдизпоялари қисқа, куртаклари ўзаро яқин жойлашиб, улардан зич жойлашган новдалар, қамиш ва қиёқда эса илдизпоялар узунлиги сабабли сийрак жойлашган новдалар ўсиб чиқади. Бу кўпайишлар илдизпоя билан кўпайишга мисол бўлади.

Тутунаклар ёрдамида кўпайишни зирада яхши кузатиш мумкин. Картошка ва топ янамбур ҳам тутунаги орқали кўпаяди.

Пиёзбошлар ёрдамида кўпайиш эса лоладошларнинг вакилларига хос. Лола, наргиз каби ўсимликларда пиёз ер остики қисмида ҳосил бўлса, баъзи ўсимликларда пиёз куртаклари барг қўлтиқлари ёки тўпгулларида ҳосил бўлади. Қўниғро бошда уруғ ўрнида кичкина баргли новдалар ҳосил булиб, кейинчалик она ўсимликдан ажралиб ўса бошлайди.

Илдизбачкилар билан кўпайишида қўшимча илдизлардан ҳосил бўлган куртаклардан янги ўсимлик

үсіб чиқади. Бундай күпайишни янтоқда, терақда ва қайрагочда яққол кузатиш мүмкін.

Қаламчадан күпайтирилганда үсимликтен үсіб ривожланишидан ташқары у она үсимликті хусусияттарини түлік сақлаб қолади. Шу сабабли ток ҳамиша қаламчасыдан үстирилади.

*Пархиш үсули билан күпайтириш.* Айрим үсимликларни пархиш ёрдамида күпайтириш мүмкін. Бу усулда күпайтирилаёттан үсимликтің новдаси она үсимлиқдан ажратылмаган ҳолда ерга күмілади, лекин новданинг учи ердан ташқарига чиқып туради. Мәттүлум вакт үттегі новданинг ер билан алоқадаги қисмидан илдиз чиқади ва үсимликтің мустақил яшаш имконияты пайдо бўлади. Шундан кейин вегетация даври тутагач уни янги жойга кўчириб үтказиши мүмкін.

*Пайванда үсули билан күпайтириш.* Айтиб үтилганидек, айрим үсимликларни қаламчадан күпайтириш қийин, бошқалари эса уругидан күпайтирилганда новданинг хусусиятлари сақланиб қолмайды, аксинча унда ёввойилик хусусиятлари устунлик қилиши мүмкін. Шундай ҳолатларда үсимликтің пайванда орқали күпайтирилади. Бу усулдан мевачилик амалиётида кенг фойдаланилади. Бунда бир үсимликтің иккінчи үсимликтің қаламчаси уланади. Пайванда қилинадиган үсимликтің пайвандастга; уланадиган үсимликтің эса пайвандасты деб аталаади. Пайванда қилинган үсимликтің үтказувчи тизими ўзаро мос келганда у яхши ўса олади. Одатда пайвандастынг белгилари устунлик қиласади. Лекин пайвандастга илдиз тўқималаридаги ўзгаришлар содир бўлиб у ҳам бўлажак үсимликтің ўз хусусиятларини үтказиши мүмкін.

Кўпинча ёввойи турни пайвандастга сифатида танланиб, қимматли белгиларга бой маданий турлар (масалан, аччик бодомга чучук бодом, наъматакка атиргул) пайванда қилинади. Уларнинг биридан янги үсимликтің чиқамлилик хусусиятлари ўтса, бошқасыдан эса манзаралик ёки сифатли мева бериш хусусияти ўтади.

Пайвандлашни 2 хили мавжуд. Булар *куртак пайван* ва қаламча *пайван*. Куртак пайванда пайвандастыдан куртак, иккінчи усулда қаламча

олиниб пайвандтагга пайвандланади.

**Клонлаш усулида күпайтириш.** Кейинги йилларда ўсимлики шундан иборатки, биринчидан бирор ўсимлики истаганча миқдорда күпайтириш мумкин, иккинчидан эса яратилган ўсимлик она ўсимлик билан генетик жиҳатдан айнан бир хил бўлади.

Клонлашнинг моҳияти шундан иборатки, биринчидан бирор ўсимлики истаганча миқдорда күпайтириш мумкин, иккинчидан эса яратилган ўсимлик она ўсимлик билан генетик жиҳатдан айнан бир хил бўлади.

Бу усулнинг қийинлиги шундаки, уни амалга ошириш учун маҳсус лаборатория ва мураккаб қурилмалар талаб қилинади. Чунки ёргулик, иссиқлик, намлиқ каби омиллар оптимал даражада сақлаб турилиши таъминланиши лозим. Лекин бу усул ёрдамида қисқа муддатда жуда кўп миқдорда айнан бир -бирига ўхшаш ўсимликларни яратиш мумкин. Масалан, 1 туп атиргулдан бир йилда 1 млн дан ортиқ янги ўсимлик олиш мумкин. Бундан ташқари клонлаш усулида селекция ишларининг муддатини 3-4 мартаға қисқартириш мумкин. Шунингдек, ўсимлик касаллик кўзгатувчи микроорганизмлар, айниқса вируслардан қутилиши мумкин.

**ЖИНСИЗ КЎПАЙИШ.** Жинссиз кўпайиш кўпчилик тубаи ўсимликлар (сувўтлар, замбуруғлар), юксак ўсимликлардан спорали юксак ўсимликлар деб аталувчни моҳсимонлар ва папоротниксимонларда учрайди. Кўпайиш маҳсус споралар ёрдамида содир бўлади.

Споралар – бу маҳсус ҳужайралар бўлиб, улар митоз ёки мейоз йўл билан ҳосил бўлади. Митоз ёрдамида ҳосил бўлган споралар митоспоралар дейилиб, улар фақат сувўтларида, мейоз ёрдамида ҳосил бўлган споралар мейоспоралар дейилади ва у анча универсал бўлиб юксак спорали ўсимликларда учрайди.

Споралар маҳсус орган – спорангийда шаклланади. Спорангий бир ҳужайрали митоспора ва кўп ҳужайрали мейоспора бўлиши мумкин. Ёш спорангийда бигта ҳужайра мейоз йўл билан бўлиниб, споралар

хосил қиласи. Споралар етилгач спорангий девори ёрилиб улар ташқарига чиқади. Қулай шароитта тушган споралардан эса янги үсимлик пайдо бўлади.

**ЖИНСИЙ КУПАЙИШ.** Кўпайишнинг бу тури ҳам тубан үсимликлар, ҳам юксак үсимликлар учун хос бўлиб, кўпайишнинг такомиллашган усулидир. Бундан фақат бактериялар, айрим сувўтлар ва баъзи такомиллашмаган замбурууглар истиснодир.

Жинсий кўпайишнинг моҳияти эркак ва ургочи ҳужайралар - гаметаларнинг қўшилиб зиготга ҳосил қилишидан иборат. Зиготадан эса янги организм ривожланади.

Жинсий кўпайиш натижасида ҳосил бўлган янги организмда ҳам она, ҳам ота үсимлиқдаги хусусиятлар мужассам бўлади. Оқибатда улар ташқи муҳит таъсирига бардошли, фойдали хусусиятларга бой бўлади. Жинсий кўпайишнинг асл моҳияти ҳам ана шунда. Шунингдек, жинсий кўпайиш натижасида гулли үсимликларда жуда кўп микдорда уруг ҳосил бўлади, бу эса уларнинг кенг тарқалиш имконини беради.

Тубан үсимликларда жинсий кўпайишнинг З тури мавжуд.

**Изогамия.** Бу иккита бир хил кўринишдаги ҳаракатчан бир ядроли гаметаларнинг қўшилиши капуляциясидир. Изогамия типи кўпайишнинг энг содда типи бўлиб, у кўпчилик сувўтлари ва замбуруугларда учрайди.

**Гетерогамия.** Бу кўпайишнинг анча мураккаблашган типи бўлиб, унда ўлчами жиҳатдан тури хил, ургочиси йирик, эркаги кичик, ҳар иккаласи ҳам ҳаракатчан бўлган гаметаларнинг қўшилишидир. Бу типдаги кўпайиш, яшил ва кўнгир сув ўтларида учрайди.

**Оогамия.** Бу янада мураккаблашган кўпайишнинг типи бўлиб, у нафақат тубан, балки юксак үсимликларда ҳам учрайди. Оогамияда қўшилажак гаметалар бир-биридан кескин фарқ қиласи. Булар гаметаларнинг ўлчами, шакли ва физиологик хусусиятларига тегишидир. Ургочи гамета йирик ва кам ҳаракат қиласи ва унинг тухум ҳужайраси, яъни эркак гамета майдা, ҳаракатчан ва сперматозоид деб юритилади.

Оогамия ёрдамида кўпайишни гулли ўсимликларда учрайдиганлари янада такомиллашган. Гаметалар бир-биридан янада кўпроқ фарқ қилиб, уларнинг хивчинлари йўқ, оқибатда мустақил ҳаракат қила олмайдилар ва улар спермия деб юритилади.

**ЯДРО ФАЗАЛАРИНИНГ ГАЛЛАНИШИ.** Юқорида айтилганидек, жинсий жараёнда ҳар бир ўсимлиқда ҳужайраларнинг қўшилишида хромосомаларнинг сони икки марта ошади. Жинсий кўпайиш вақтида ядро ичидағи хромосомалар бир-бiri билан қўшилмайди, аксинча хромосомалар сони икки баробар кўп (2 н) бўлади ва у диплоид ядро дейилади. Организм ривожланишида хромосомалар сонини оргиб кетишининг олдини олувчи жараён ҳам содир бўлади. Бу жараёнда ядро редукцион бўлинниш (мейоз) натижасида иккига бўлинади, яъни тўртта гаплоид хромосомали ҳужайра ҳосил бўлади. Шундай қилиб, ядронинг гаплоид фазалари галланиб туради.

Тубан ўсимликларда ядро фазалари галланишинг бошқа вариантлари мавжуд. Яшил сув ўти улотрикс мисолида уни яққол кўриш мумкин. Унинг ҳар бир ипсизмон индивиди гаплобионт, яъни ҳамма ҳужайралари гаплоид хромосомалардан иборат. Балоғатта етганда улар танасининг ҳар бир ҳужайрасида митоз (мейоз эмас) натижасида бўлиниб изогаметалар ҳосил қиласди. Гаметалар сув юзасига чиқиб, жуфтлашиб ўзаро қўшиладилар. Диплоид зигота қобиқ билан ўралади ва тиним даврига кетади. Бу давр тугагач, мейоз йўли билан бўлинади. Бунда ҳосил бўлган тўртта гаплоид ҳужайралардан иборат янги индивид юзага келади. Шундай қилиб, улотриксда зиготадан янги авлод юзага келмайди.

**НАСЛАР ГАЛЛАНИШИ.** Кўпчилик тубан ва барча юксак ўсимликларда гаплофаза ва диплофазалар галланиши жуда мураккаб насллар галланиши (гаплобионд ва диплобионд) билан борлиқ. Бунда ҳар қайси келгуси авлод олдингисидан хромосомалар сони кўпинча ташки кўриниши ва ўлчамлари билан фарқ қиласди. Яъни бу даврда икки хил насл, жинссиз насл спорофит ва жинсий

насл ғаметофит пайдо бўлади. Бу ҳодисани ўрмон на поротницида яққол кўриш мумкин.

Папоротник ўсимлиги – диплобионт. Унинг баргларида спорангийлар гурухи – соруслар ҳосил бўлади. Спора тутувчи барглар спорофиллар дейилади. Спорангий спорофилларнинг меристемасидан ривожланади ва юмалоқ бўлади. Унинг юқори ҳужайрасидан археспорий тўқимаси ҳосил бўлади. Ички парда – тапетум ҳужайраларининг бўлинишидан спороген тўқима вужудга келади. Уларда мейоз бўлиниши натижасида тетраспора етилади. Бу споралар етилгач ташқарига чиқиб шамол ёрдамида тарқалади. Споралар ҳосил қилувчи ўсимликлар спорофиллар дейилади. Спора ҳосил қилиш йўли билан кўпайиш эса жинссиз кўпайиш дейилади.

Қулай шароитга тушган спора ўсади. Унинг гаплоид ядрои митоз йўли билан бўлиниб ўсади ва майса ҳосил қиласи. У хромосома сони ва ташки кўриниши билан диплобионтдан кескин фарқ қиласи. Бу кўпхужайрали, яшил рангдаги майса, илдизи ва пояси йўқ, тупроққа ризоидлари билан биррикаб туради ва мустакил ўсади.

Маълум вақтдан кейин ўсимтанинг пастки тупроққа қараган томонида гаметангийлар: дастлаб антеридий, сўнгра архегоний ҳосил бўлади. Улар митоз йўли билан бўлиниб, антеридийдан сперматозоид, архегонийдан эса тухум ҳужайраси етилади. Шундай қилиб, майса жинсий вазифани бажариб, гаметалар ҳосил қиласи, шу сабабли у гаметофит ёки жинсий авлод дейилади.

Антеридийнинг ичидаги сперматоген ҳужайраларида сперматозоид етилади. Улар сувда ҳаракатланиб колба шаклдаги архегонийга тушади. Тушган сперматозоидларнинг биттаси тухумхужайра билан қўшилиб, уни ургулантиради. Ундан ҳосил бўлган диплоид зигота ўша заҳотиёқ митоз бўлиниб, спорофит насл берувчи муртак шаклланади.

Шундай қилиб, папоротниқда фақат ядро фазалари галланишидан ташқари, насллар ҳам галланар экан. Ўсимлик айнан ўзига ўхшаш ўсимликни фақат иккинчи авлода ҳосил қиласи.

## 8- боб

### ЮКСАК ЎСИМЛИКЛАРНИНГ ГЕНЕРАТИВ (РЕПРОДУКТИВ) ОРГАНЛАРИ

#### 1 § ГУЛ

Ёпиқ уругли ёки гулли ўсимликлардагина учрайдиган гул, кўпчилик олимларнинг фикрича, очик уруглиларнинг репродуктив органи, стробиласидан келиб чиқсан. Лекин, у одатда икки жинсли ва эволюция жараёнида кучли тараққий эттан. Шу боис юқоридағи фикрнинг турли талқинлари мавжуд. Ёпиқ уруглилар мезозой эрасининг ўргаларида Осиё қитъасининг жанубий шарқий қисмидаги Ангарада шайдо бўлган. Худди шу даврда ҳашаротларнинг ҳам пайдо бўлиши ёпиқ уруглиларни кенг тарқалишига, кўп ерлардан очик уруглиларнинг сиқиб чиқаришига сабаб бўлган.

Гуллар новданинг учки ёки ён меристемаларидан ҳосил бўлади. Ўзида ҳам спора, ҳам жинсий органи мавжуд маҳсус репродуктив орган ҳисобланади. Гулда ҳам спорогенез, ҳам гаметогенез, ҳам жинсий жараён содир бўлади.

Ўсимлик маълум ёшга еттач кўпайиш органларини ҳосил қиласди. Бу органларга генератив органлар деб юритилади. Генератив органларга гул ва ундан ривожланган урут ва мева киради. Бир ва икки йиллик ўсимликлар ўз ҳаёти давомида бир марта гуллаб урут беради. Кўп йиллик ўсимликлар эса ҳаёти давомида кўп марта гуллайди ва уруг беради. Бундай ўсимликлар поликарп ўсимликлар дейилади. Шундай ўсимликлар борки, улар кўп йил яшаса-да умрида бир марта гуллайди. Буларга агавалар, айрим бамбуклар, шунингдек бизда ўсадиган *Ferula* туркумига мансуб айрим йирик соябондошлар киради. Ўз умрида бир марта гуллайдиган ва уруг берадиган бундай ўсимликларни монокарп ўсимликлар дейилади.

## ГУЛНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА УНИНГ ҚИСМЛАРИ.

Гул аслида шакли ўзгарган новда бўлиб, унинг қисмлари бажарадиган вазифасига кўра метаморфозга учраган. Тўлик гул қўйидаги қисмлардан: гулбанди, гулурни, гулкўргон, гултожи, чангчи ва мевачидан иборат. Гулбанди гулни новдага биритириб туради. Гулбандининг юқори қисми кенгайган бўлиб, у гулурни деб юритилади. Гулнинг қолган барча қисмлари ана шу гулурнига бириккан бўлади. Гулкоса гулнинг ташки қисми. У кўк рангдаги баргчалардан иборат бўлиб, улар гулкосачабарглар деб юритилади. Уларнинг сони турли ўсимликларда турлича бўлади. Масалан, кресттулдошларда 4 та, раънгудошларда 5 тадан бўлади. Гулкосачабарглар алоҳида ёки кўшилиб ўсган бўлади. Асосий вазифаси гулнинг ички нозик қисмларини ҳимоя қилишдан иборат.

Гулкоса шаклига кўра трубка ва қўнгироқсимон бўлади. Гултожи сингари у ҳам актиноморф ва зигоморф бўлиши мумкин. Косача одатда гул очилгач тушиб кетади (қизғалдоқларда). Лекин бошқа ўсимликларда, хусусан, лабгулдошларда у сақланиб қолади.


Баъзи ўсимликларда косачабарглар ёрқин рангда бўлади. Масалан, акантолимонда у оқиш, Туркманистон тогларида ўсуви лабгулдошлар вакили *Nuteposraf* да қизил рангда бўлади.

Гулкоса аслида учки барглардан келиб чиқсан. Буни унинг анатомик, морфологик тузилиши ва барг билан бօғланганлиги исботлайди.

Гултожи одатда чиройли рангларга бўялган бўлади. У тўғри, яъни актиноморф ва ногтўғри яъни зигоморф бўлади. Актиноморф гулларда тожбаргларнинг ўлчами ва шакли бир хил, симметрик жойлашган бўлади (масалан, нарғиз). Зигоморф гулларда эса тож баргларнинг шакли ва ўлчами ҳар хил, симметрик жойлашмаганилиги учун ундан фақат битта текислик ўтказиш мумкин (масалан, горох). Шунингдек ассиметрик гултожи ҳам бўлиб, ундан биронта ҳам текислик ўтказиб бўлмайди. Гултожининг ранги ундаги пигментларга бօғлик. Оқ рангли гултожибаргларда эса пигментлар бўлмайди. Бу ранглар ҳашаротларни жалб қилиш учун хизмат қиласи. Гултожининг асосий вазифаси эса чангчи ва уруғчиларни

химоялашдан иборат. Гултожи ва гулкоса биргалиқда гулкүргон деб юритилади (17-расм).

Айнан гултожи гулнинг қиёфасини белгилайди. Ўлчами, шакли ва рангининг турли - туманлиги билан гулнинг бошқа қисмларидан ажралиб туради. Гултожилар қўшилиб ўсган ёки айри ўсган бўлади. Айри ўсганда улар алоҳида гултожидан иборат бўлади. Қўшилиб ўсганда эса пастки қисми трубкадан иборат, тена қисми ажралган, одатда тишчали ёки бўлинган бўлади. Трубканинг узунлиги чангланиш жараёни билан боғлиқ.



17- расм. Гул тузилишининг умумий схемаси

- 1- гулбанди; 2-гулурни; гулкүргон; 4- тожбарглар;
- 5- гултожи; 6- чангчилар (а- чангчи, б- чангчи ипи);
- 7- уругчи (в-огизча, г- устунча, д-тутунча).

Гулнинг симметриясини айнан гултожи белгилайди. Актиноморф гултожлар одатда нисбатан примитив оиласалар – айкетвондошлар, ратьногулдошлар, чиннигулдошлар, лоладошларда учрайди. Лекин соябонгулдошлар, шўрадошлар, батъсан қоқидошлар сингари тараққий этган оиласаларда учрайди. Бу ҳодиса ҳашаротлар билан чангланиш жараёнида танлаб чангланиш оқибатида юзага келган. Айкетвондошлардан аконит ва делфиниумда зигоморф гуллар ҳосил бўлаёттанилигини эслатиш кифоя.

Ассимметрик гултожи ҳам бўлади, лекин улар ўсимликлар оламида жуда кам учрайди (канн ўсимлигида).

Гултожи афтидан чангчидан келиб чиқсан. Буни нилуфар ўсимлигидаги гултожи ва чангчилар ўртасида гултоjisифат оралиқ органнинг мавжудлиги исботлайди. Гултожи томондаги чангчилар ҳам ичкаридаги ярдан кичик. Гултожининг чангчилардан келиб чиқсанлигини анатомик тадқиқотлар ҳам тасдиқлайди.

Гул аъзоларидан ташқари гулда нектардонлар ҳам мавжуд. Нектардонлар кўпинча диск шаклида бўлади ва тутунчанинг асосида жойлашади. Шу шаклдаги нектарниклар нормушқошлар, зарантдошлар, тошбақатолдошлар, узумдошлар ва ялпиздошларга хос.

Зирадошларда нектар берувчи диск тутунчанинг устида, очиқ ҳолда жойлашган. Шу сабабли бу ўсимликларни чанглатишга мослашмаган оддий чанглатувчилар, асосан пашша ва қўнгизлар чанглатади.

Нектарда турилди хил қанд (25-75%) ва кам микдорда бошқа органик ва ноорганик бирикмалар бўлади. Гулдаги нектарнинг микдорини қўйидаги рақамлардан кўриш мумкин. 1 г асал йигиш учун ари оқ акациянинг 1500 та гулига ёки 1 кг асал йигиш учун тахминан себарганинг 6 млн та гулига қўниши керак.

Гулнинг асосий қисми чангчи ва уругчилар ҳисобланади. Алоҳида олинган чангчи, уни микроспорофилл деб юритилади, одатда чангчи или ва чангдондан иборат. Чангдоннинг ўртасидан боғлагич ўтган, қайсиким аслида чангчи ипининг давоми ҳисобланади. Боғлагич чангдонни иккига бўлиб туради. Ҳар қайси бўлакни ҳам ўртасидан тўсик ўтган. Шундай қилиб, ҳар қайси чангдон 4 та чанг уясидан иборат. Чангчилар гулда 1 тадан бир нечта, ҳатто ўнтағача бўлиши мумкин. Унинг сони бир турга мансуб ўсимликларда одатда бир хил, шу сабабли бу асосий систематик белгилардан бири ҳисобланади. Масалан, толда 2 та, галлаларда, гулсафардошларда уларнинг сони 3 та, қоқидошларда 5 та, лоладошларда 6 та, дуккаклиларда 10 та ва ҳоказо. Гулдаги чангчилар туплами эса андроцей дейилади.

Одатда бир туркумдаги ўсимликларда чангчиларни сони бир хил бўлади. Батъзан битта ўсимликдаги чангчи

ипининг узунлиги ҳар хил бўлади. Масалан, карамдошларда 2 та қисқа ва 2 та узун ипли чангчилари бор. Бир қанча оиласардаги ўсимликларнинг чангчилари қўшилиб ўсан. Мелия дарахтининг 10 та чангчиси қўшилиб най ҳосил қилиб ўсан. Дуккаклиларда эса 9 та чангчи қўшилиб, 1 таси эса айри ўсади. Андроцейнинг хилма-хиллиги К.Линнейга ўсимликлар систематикасини яратишга асос бўлган.

Чанг иплари баъзан жуда узун бўлади ва гулқўргондан ташқарига чиқиб очилиб туради (цезаль-пинияда), баъзан эса жуда қисқа бўлади (картошикада).

Чангдоида чанг етилади. Чангларнинг ўлчами кичик, одатда 5-150 мкм га тенг бўлади. Шакли эса шар ва овал шаклда, таркиби кўплаб озиқ моддалар: қанд, ёғ, минерал тузлар, оқсил ва витаминаларга бой.

Гулда битта ёки бир нечта уругчи бўлиши мумкин. Гулдаги уругчилар тўпламини гинеций деб юритилади. Уругчи уруглангандан сўнг мева ҳосил бўлади, шу сабабли уни баъзан мевачи ҳам деб юритилади. Уругчи одатда З қисмдан: тутунча, устунча ва оғизчадан иборат. Оғизча тури тузилишга эга, лекин уларнинг ҳаммаси чангни яхши ушлаб қолишга мослашган. Устунча қабул қилинган чангни тутунчага ўтказиш вазифасини бажаради. Тутунча ичида уругмуртак жойлашиб, уругланиш жараёнидан кейин унда уруг етилади. Тутунчадан мева, тутунча деворидан эса мева қати ҳосил бўлади.

Устунча одатда оғизчани тепага кўтариб яхши чангланишга имконият яратади. Уругчи морфологик жиҳатдан жула хилма-хил. Унинг тузилиши турнинг тараққиёт даражаси, систематикаси ва мослашувини кўрсатади. Кўпчилик примитив ўсимликларда (айиқтовондошлар, магнолиядошлар, лолақизғалдоқ ва бошқ.), шунингдек шамол ёрдамида чангланувчи (масалан, галладошлар)да устунча тараққий этмаган. Бошқа гурӯҳ (масалан, лоладошларда) ва шамол билан чангланувчи ўсимликларда аксинча усгуңча жуда узун (18- расм).

Уругчи баргдан келиб чиқсан. Буни биринчи бўлиб Гёте айтган эди. Лекин кейинги тадқикотлар буни рад этади. Айни пайтда уругчи қадимги очиқ уруғиларнинг мегаспорофиллидан келиб чиқсан, деб ҳисобланади.

Агарда гулда ҳам андроцей, ҳам гинеций бўлса, у икки жинсли гул дейилади. Бир жинсли гулларда фақат андроцей ёки гинеций бўлади. Фақат андроцейни бўлган гуллар бир жинсли эркак гул, фақат гинецийни бўлган гуллар эса бир жинсли урючи гул дейилади.

Эркак ва урючи гуллар битта ўсимликнинг ўзида жойлашган бўлса, булар бир уйли ўсимлик дейилади. Масалан, ёнгоқнинг ёш новдалари учида урючи гуллар, икки йиллик новдаларида кучала тўпгуда эса эркак гуллари жойлашган. Демак, бу ўсимлик бир уйли ҳисобланади. Агарда эркак гуллари бир ўсимликда, урючи гуллари бошқасида жойлашган бўлса, икки уйли ўсимлик дейилади. Исмалоқ, наша, тол, терак, облипека, арча, айлант ва бошқалар бунга мисол бўлади.



18- расм. Гулнинг турли - туманлиги.

*Кўшигулкўргонли* гуллар: 1- тўтри (юлдузёт), 2- нотўри:  
а- моносимметрик (яснотка), б- асимметрик (валериана); оғдий  
гулкўргонли: 3- тожсимон (пролеска), 4- косачасимон (ильм);  
гулкўргонсиз (тол): 5- эркак, 6- урючи. Бўлинган тожбаргли гуллар:  
7- кўптожбаргли (магнолия), 8- тўрттожбаргли (чистотел); қўшилиб  
ўсан тожбаргли: 9- карнайсимон (наврўзгул), 10- тилемимон  
(сачратқи), 11- кўнгироқсимон (кўнгироқгул), 12- капалаксимон  
(бурчок).

Ёпиқ уруглиларнинг катта кўпчилигининг гуллари икки жинсли. Очиқ уруглиларда эса аксинча бу камданкам ҳолатларда учрайди. Лекин фақат айрим ёпиқ уругли-

ларда гуллари бир жинсли. Икки жинсли гуллар ♀ белгиси билан белгиланади ( ♂ - Марс планетаси белгиси: қилич ва қалқон; ♀ - Венера планетаси белгиси: ручкали ойна).

Кўпчилик ўсимликларда икки жинсли гуллар қаторида айрим жинсли гуллар учраб, улар турлича комбинацияда бўлади. Бундай гуллар кўпчиллик ёки кўпникоҳлилик (полигамлик) деб аталади. Кўпчилик зарангларда ва торондошларда учрайди. Кейинги пайтларда эса ургочи икки уйлик ҳодисаси, яъни икки жинсли ва ургочи гулларнинг биргаликда учраши кўп учрамоқда.

Кам ҳолларда гулнинг жинсий орган сифатидаги фаолияти тўлиқ редукцияланганни ва стериль гуллар ҳосил бўлгани кузатилади. Ҳашаротларни жалб этишга хизмат қилувчи бу гуллар чеккада, ўртада эса икки жинсли гуллар жойлашади (кунгабоқар, калина). Кўпчилик алоҳида жинсли гулларда қарама-қарши жинснинг изларини топиш мумкин ва бунинг турли изоҳлари мавжуд.

Гулнинг тузилишини формула шаклида ифодалаш мумкин. Бунинг учун унинг қисмлари қуйидаги белгилар билан ифодаланади: гулкоса-Са (Calyx); гултожи-Со (Corolla); гулқўргон-Р (Perigonium); андроцей-А (Androeceum); гинецей-С (Gynoecium).

Гулларнинг типи ҳам шартли белгилар билан ифодаланади:

♀ - бир жинсли ургочи гул; ♂ - бир жинсли эркак гул; ↓ - зигоморф гул; ♀ - актиноморф гул; | - бирикиб ўсанлигини билдиради. Гул қисмларининг сони эса рақамлар билан ифодаланган: С<sub>5</sub>, Со<sub>6</sub>. Мабодо уларнинг сони 10 тадан ошса- ⚡ белгиси қуйилади.

Мисол учун, сабзининг гул формуласи қуйидагича ифодаланади: С<sub>5</sub> Со<sub>5</sub> А<sub>5</sub> G<sub>(2)</sub>

**ТЎПГУЛ, УНИНГ ТИПЛАРИ.** Аксарият ўсимликларда гуллар тўп-тўп бўлиб жойлашади ва улар тўпгуллар дейилади. Тўпгулларнинг шакли, ўлчами ва ундаги гуллар сони турлича бўлади.

Тұпғуларда гуллар унинг бириңчи тартиб ўқида жойлашған бўлса *оддий тұпгул*, иккинчи ёки учинчи тартибдаги ўқига ўрнашған бўлса *мураккаб тұпгул* дейилади.



19-расм. Оддий тұпгуллар.

А- бошок, Б- сұта, В- шингил, Г- кучала, Д- соябон,  
Е- бошча, Ж- саватча (узум шингили).

**Оддий тұпгуллар.** Бу тұпгулларнинг қуйидаги типлари мавжуд.

**Бошок.** Бундағы тұпгулнинг асосий ўқида бацда, ёки бацдлы гуллар зич жойлашады (зубтурум, тизимгүл ва бошқалар).

**Шингил.** ёки *шода*. Бунда асосий гул ўқида гулбандыға зәға бўлган гуллар якка-якка жойлашады.

**Оддий қолқон.** Асосий гул ўқининг пастида жойлашған гул бандлари узунроқ бўлиб, гулнинг ҳаммаси бир текис жойлашади (олма, нок ва дўлана).

**Сұта.** Битта этдор йўғон ўқда бошоқдаги сингари бир неча гуллар жойлашади (маккажүхори).

**Соябон.** Тұпгулнинг асосий ўқи қисқа, барча гулларнинг гулбандлари шу ўқ ичидан чиққан каби

жойлашади (гилос, нок, пиёз, примула).

**Бошча.** Асосий ўқ бироз кенгайган, гуллар баңдсиз ёки қисқа баңдада бўлади (себарга).

**Саватча.** Асосий ўқ «саватчага» ўхшаш кенгайган бўлиб, майда ўтрок гуллар зич жойлашади. Булар кунгабоқар, бўтакўз, қоқида учрайди (19- расм).

### **Мураккаб тўпгуллар.**

Гул ўқининг ўсишига қараб мураккаб тўпгуллар симподиал ёки аниқ ва моноподиал ёки ноаниқ тўпгулларга бўлинади. Симподиал тўпгулнинг ўқи гул билан тутайди, гулларнинг очилиши учидан ён новдаларга томон, гуллар бир текислиқда жойлашганда гуллаш марказдан четта томон боради.

Моноподиал тўпгулнинг ўқи узоқ ўсиб, гулларнинг очилиши асосидан учига томон, гуллар бир текислиқда жойлашганда эса марказга томон боради.

Симподиал гуллар ўз навбатида қуйидаги типларга бўлинади (20- расм):

**Монохазий.** Бу тўпгул икки хил бўлади: гажак ва илонизи тўпгул. Гажак тўпгулнинг ўқи бир томонлама ўрнашиб буралган бўлади (кампирчопон). Илонизида ўқи икки томонлама бирин-кетин ўрнашган бўлиб, илонизига ўхшайди (мингдевона).

**Дихазий (айри тўпгул).** Унинг асосий ўқи гул билан тутайди. Ёнидаги ўзаро қарама-қарши ўқлар ўсиб, улар ҳам гул билан тутайди (чиннигуллилар ва мелиядада).


**Плейохазий (соҳта соябон тўпгул).** Тўпгулнинг асосий ўқи қисқарган, атрофда доира ҳолида ўрнашган бир қанча ўқлардан ташкил тўпгуллар жойлашади (сутламадошларда).

**Турс.** Тўпгулниш марказий ўқида бир неча оддий тўпгуллар жойлашади (лабгулдошлар, каталакгулдошлар, сигиркуйруқдошлар).

Моноподиал тўпгулларнинг эса қуйидаги типлари мавжуд (21- расм):

**Мураккаб шингил ёки шода.** Гулнинг асосий моноподиал ўқи узоқ муддат ўсади ва ундан бир нечта шохчалар, бу шохчалардан иккинчи тартибли шохчалар ривожланади ва уларда гуллар ҳосил бўлади (қашқарбеда).

**Мураккаб соябон тўпгуллар.** Асосий гул ўқи қисқариб,



20-расм. Симподиал түпгүллар  
А-монохазий, Б-дихазий, В-плейохазий, Г-тирс.



21-расм. Моноподиал түпгүллар.  
А-мураккаб бошоқ, Б-мураккаб соябон, В-шингили.

унда катта ўрама барг жойлашади. Бу баргнинг қўлтиғида оддий соябон гуллар ўсиб, улар биргаликда мураккаб соябон тўпгулларни ташкил қиласди (сојабон-гулдошлар).

*Мураккаб бошоқ.* Ташки кўринишидан мураккаб шодага ўхшайди. Марказий ўқда бир неча бошчалар зич ўрнашган (арпа, бутдой).

*Мураккаб рўвак.* Оддий бошоқлар узун шохланган баандлари билан марказий ўқда иккинчи ва учинчи тартиб шохчалар ҳосил қиласди (шоли, сўли, тарик, қўнгирбош).

### ГУЛЛАШ ВА ЎСИМЛИКЛАРНИНГ ЧАНГЛАНИШИ.

Гуллашнинг моҳияти чангдоннинг ёрилиб чангни қабул қилишга тайёр турган оғизчага тушиши билан белгиланади. Ўсимлик гуллашдан оддин ғунча ҳосил қиласди. Ғунчанинг гулкосабарглари билан тожбаргларининг пастки қисмлари юқорига тез ўсади ва очилади. Айни пайтда чангчилар ва уругчилар ҳам очилади. Шу ҳодиса гуллаш деб аталади. Гуллашнинг туташи гултожининг, баъзан гулқўргоннинг сўлиши билан белгиланади. Лекин айрим ўсимликлар, масалан сохта каштанда гултожи гуллашдан кейин ҳам анча кун сақланиб туради. Алоҳида гулларнинг гуллаш муддати турлича: бир неча соатдан - бир неча ҳафтагача (масалан, архидеяларда). Гулнинг очилиши маълум ҳарорат ва намликни талаб этади. Шу сабабли айрим гуллар эрталаб очилса, бошқалари пешинда ёки кечқурун очилади.

*Чангланиш.* Гулдаги чанг уругчининг тумшукласига бориб тушиши чангланиш дейилади.

Чангчидан чиқсан чанг уругчи тумшукласига турли йўллар билан келиб тушади. Агарда гул икки жинсли бўлиб ундаги чанг шу гулнинг уругчисини тумшукласига келиб тушса бу жараён ўз-ўзидан чангланиш, яъни *автогамия* (юнон. авто-ўзи) деб юритилади.

Битта ўсимлик гулининг чанг бошқа ўсимлик гулидаги уругчининг тумшукласига тушганда эса четдан чангланиш, яъни *ксеногамия* (юнон. ксенос-бегона) дейилади.

Бир ўсимлик гулидаги чанг шу ўсимлиқдаги бошқа гул мевачасига келиб тушса *гейтеногамия* (юнон.

гейтон-құшни) дейилади.

Ксеногамиянинг биологик нұқтаи-назардан устунлиги шундаки, үнга генетик белгилар алмашинуви содир бўлиб, турлар ўртасида хилма-хилликни ва келгусида мослашувчаникни оширади.

Автогамиянинг устунлиги эса бу чангланишда турдаги белгилар мустаҳкамланади, селекцияда эса соғ инди вид ажратиб олишда фойдаланилади.


Гейтеногамия кўп гумми тўпгулларга эга бўлган ўсимликларда содир бўлади (масалан, қоқидошларда). Генетик нұқтаи назардан у автогамияга тенг бўлиб, унда индивидуал белгиларни алмашиниши юзага келади.

Гулларда ўз-ўзидан чангланишдан қочиш учун турли мослашувлар мавжуд. Бу дихогамия дейилади ва чангчи билан уругчининг турли муддатларда етилиши натижасида содир бўлади. Чантчиларнинг уругчиси оддин етилиши *протерандрия*, (юнон. proteros-эртароқ, andros-эркак) уругчининг чантчилардан оддин етилиши *протерогиния* (юнон. gine-аёл) дейилади.

Протерандрия чиннигулдошлар, ёронгулдошлар, гулхайридошлар, қоқидошлар, лоладошларда учраса, протерогиния карамдошларнинг кўпчилигида, раъногулдошлар ва ҳилодошларда учрайди. Табиатда протерандрия кўпроқ учрайди. Афтидан уругчига писбатан чеккада жойлашган чантчилар эртароқ етилса керак.

Айрим ўсимликларнинг гулларидағи устунча чангчилардан анча узун, бошқаларида эса устунча жуда қисқа, чангчи ишлари анча узун бўлади. Бу ҳодиса *гетеростилия* (юнон. гетерос-ҳар хил; стюлос- усгунча) дейилади. Гетеростилиянынг мавжудлиги гейтеногамия ҳодисасидан ҳимояланиш деб қаралади. Бу ҳодисани наврўздошлар, газакдошлар ва бошқаларда кузатиш мумкин (22- расм).

Четдан чангланишда чанг уругчи тумшуғига турли воситалар ёрдамида келиб тушади. Кўп ҳолларда чанг ҳашарот ва шамол ёрдамида, баъзида эса сув, ҳатто қушлар ёрдамида олиб келинади. Шундай қилиб, чангланиш усулига кўра энтомофил – ҳашаротлар ёрдамида, анемофил – шамол ёрдамида, гидрофил – сув ёрдамида ва орнитофил – қушлар ёрдамида чангланувчи ўсимликларга бўлинади.



22-расм. Гетеростилия ҳодисаси

Дастлабки ёпиқ уруглилар афтидан ҳашаротлар ёрдамида чангланган. Ўша даврда эса Ер юзида очиқ уруглиларнинг салмоги катта бўлган ва ҳашаротлар ёрдамида чангланиш ёпиқ уруглиларнинг ҳукмронлиги даврида кўпайган.

Ёпиқ уруглиларнинг шамол ёрдамида чангланиши эса эволюциянинг кейинги даврида пайдо бўлган. Анемофилл ўсимликлар филогенетик жиҳатдан анча ёш ўсимлик. Гидрофилия принцип жиҳатдан анемофилиядан, энтомофилия эса орнитофилиядан фарқ қилмайди.

Ўз-ўзидан чангланиш ҳам иккиласми ҳодиса. Афтидан қандайдир холатлар ўсимликларни ўз-ўзидан чангланишга мажбур этган. Ушбу чангланишдан ҳосил бўлган авлоднинг насли бой змас, шу сабабли у кучсиз бўлади.

Бинобарин, ксеногамия натижасида тўлақонли авлод ҳосил бўлади. Шу нуқтаи назардан икки ўйлилик ҳодисаси бир ўйлиликка қараганда прогрессив ҳисобланади.

Ўсимликлар чангланиш усулига қараб турли хил хусусиятларга эга бўлади.

Энтомофилл ўсимликларнинг гули йирик ўткир рангда ва гулида нектар безлари бўлади. Одатда улар чуқур жойлашади. Шунингдек, уларнинг чанглари йирик ва ёпишқоқ бўлиб ҳашарот оёғига ёпишишга мослашган.

Гулли ўсимликларнинг аксарияти ҳашаротлар ёрдамида чангланади. Эволюция жараёнида гулли ўсим-

ликлар ва ҳашоратларнинг бир даврда пайдо бўлгани ва уларни ўзаро мутаносиб ривожланганлиги маълум. Фақат ҳашоратлар туфайлигина турлар хилма-хиллиги кўпайтган. Баъзан бу икки туркум вакиллари бир-бисрисиз кўпаймаслиги мумкин. Айнан маълум ҳашаротлар гуруҳи етишимаганда айрим ўсимликлар мутлақо чангланмайдилар.

Энтомофилл ўсимликлар нектар безларидан яхши ҳид тарқатиш орқали ҳашаротларни жалб қиласди. Ҳар қайси ўсимликнинг ўз ҳиди, шу сабабли ўз ҳашаротлари мавжуд.

Айрим энтомофилл ўсимликларга ҳашаротлар чанг йигиши учун келади. Наматак ва лолақизғалдоқ чанглари оқсилга бой (15-30%) бўлиб, арилар улардан личинкалари учун озуқа тайёрлайдилар.

Орнитофилл ўсимликлар одатда фақат тропик ўрмонларда учрайди, чунки бу жойларда кичик қупшлар яшайдилар. Бу гуруҳга мансуб ўсимликлар гулининг рангдорлиги ва нектарининг мўллиги билан характерланади. Гули йирик, шу сабабдан айрим тропик ўсимликларни ҳатто кўршапалаклар чанглатади.

Анемофилл ўсимликлар кўп эмас. Улар ёпиқ, ургуғиларнинг тахминан 10% ини, мўътадил иқлимининг ўрмон зонасида 20% ни ташкил этади. Уларнинг гули ҳашаротлар билан чангланадиган ўсимликларницидан кескин фарқ қиласди. Гуллари кўримсиз ёки ранглари қарийб вегетатив органининг рангига ўхшаш. Уларнинг гулқўргонлари бўлмайди. Чанглари майда, енгил ва кўп миқдорда ҳосил бўлади.

Анемофилл ўсимликларга бошоқдошлар, якандошлар, ҳилодошлар, қоқидошлар, шунингдек, каноп ва чаёнтут; дараҳтлардан - қайнин, терак, тол, қайрагоч, эман, ёнгоқ, тут, чинор ва бошқалар киради.

Бу гуруҳдаги ўсимликлар одатда икки жинсли гулларга эга бўлиб, чангчилари узун тебраниб турувчи шохларда жойлашади. Енгил ва қуруқ чанглари узоқ-узокларгача учиб бориши мумкин.

Чангланиш муваффақиятли бўлиши учун айрим ўсимликлар, масалан, бошоқдошларда чангчиларни барча-



23- расм. Гунафша

1. Меваси клейстогам гулдан ривожланган ўсимлиқ;
2. КлГ- Клейстогам гул; М-мева;

си сутканинг фақат маълум вақтида очилади, яъни чангланиш эҳтимолини оширади.

*Гидрофилия* усулида чангланиш табиийки сув ўтларида учрайди. Булар зостера, наядা, роголистник ва бошқалар. Бу ўсимликлар чангиди экзина қавати йўқ, сувда енгил ҳаракатланиши учун узунчоқ ипга ўхшаш шакла.

Айрим ўсимликларда, жумладан гунафша, тегманозик, ерёнгоқларда чангланиш гул очилмасдан содир бўлади. Буидай чангланиш хусусиятига эга бўлган ўсимликлар клейстогам (юонон. *клейстос-ёпиқ*) ўсимликлар дейилади (23 - расм).

Юқорида айтилганлардан холоса шуки, гулли ўсимликлар жуда хилма-хил усулларда чангланади. Бир турга мансуб ўсимликнинг ўзи турли хил воситалар ёрдамида чангланиши мумкин. Масалан, капитан дарахти ҳам шамол, ҳам ҳашарот ёрдамида чангланади.

**Уругланиш.** Чангланишдан кейин уругланиш содир бўлади. Уругланиш содир бўлгунга қадар эса маълум вақт

үтади. У турли ўсимликларда турлича бўлиб, масалан, эманды – 12-14 ой, ольхада – 3-4 ой, орхидеяда – одатда бир неча ҳафта давом этади. Кўпчилик ўсимликларда чангланишдан уругланишгача бўлган давр 1-2 сутка, тегманозикда – 2 соат, кўк саққизда – 15-45 минутга тенг. Ҳарорат эса бу жараённи тезлатади.

Бу мураккаб жараён қуйидагича кечади. Чанг ҳали чангдонда турган давридаёқ жиiddий ўзгаришиларга учрайди. Чанг донасининг ядроси микроспора ичида турган пайтда бўлинниб 2 та, ҳужайра ҳам бўлинниб 2 та гамета, яъни спермия ҳосил қиласди. Бу икки ҳужайра чанг трубкасидан микропиле орқали муртак ҳалтасига томон ҳаракатланадилар. Бу ерда чанг трубкаси ёрилиб, уларнинг бири тухум ҳужайраси, иккинчиси эса муртак ҳалтасининг иккиласми ядроси билан кўшилади. Биринчи ҳужайранинг кўшилишидан уруг муртак, иккинчисидан эса эндосперм ҳосил бўлади. Бу жараён шу сабабли қўш уругланиш дейилади ва уни 1898 йилда рус олим С.Г.Навашин ихтиро қилган. Ушбу жараён фақат ёпиқ уруглиларда кузатилади.

Уругланган тухумҳужайра парда билан ўраги тиним даврига кетади. Бу давр турли ўсимликларда турлича бўлади. Масалан, галладошлилар ва қоқидошлиларда бир неча соат давом этади. Сўнгра тухумҳужайра иккига, чанг йўлига қараган терминал, унга тескари томонда базал ҳужайраларига бўлинади. Бу жараён узунасига ва кўндалангига қараб бир неча марта такрорланишидан ҳамма томони тўрт бурчак ҳужайралар юзага келади. Бу ҳужайраларнинг ҳар бири ҳам бўлинниб, октанг (лот. окто-саккис) деб аталувчи ҳужайралар ҳосил бўлади.

Шу вақт мобайнида базал ҳужайра кўндаланг тўсиклар билан ажратилиб, тортма ҳосил қиласди. Тортма эмбрион пайдо қилувчи терминал ҳужайранинг озиқ моддаларини эндосперм жойлашадиган эмбрион ҳалтаси бўшлигига суреб туширади. Эндосперм маҳсус тўқимага айланиб ургудаги озиқ моддаларни тўплай бошлайди. Тортманинг учидаги ҳужайра ўсиб пуфаксимон найта ўхшаб, гаустория сўргичга айланади.

Октанг ҳужайраларининг остики қисмидан новда апекси, уругпалла, унинг устида гипокотиль тараққий

этади. Уругшаллар ва тортма ўртасидаги пастки ҳужай-ралардан бирламчи илдиз ҳосил бўлади.

Ургумуртак аста-секин урукка айланади. Интигументлардан пўст, нуцеллусдан перисперм ҳосил бўлади. Тұғунчанинг ҳамма қисми мевага айланади.

**Аломиксис**. Жинсий ҳужайралар қўшилишида ургуланмаган тухумхужайрадан янги организм ривожланиши аломиксис дейилади (юон. апо-инкор, миксис-қоришиш). Бу ҳодиса кўпинча қоқидошлар, раъногудошлар ва галладошлар сингари эволюцион жиҳатдан тараққий эттан оиласарда кузатилганлиги сабабли, аломиксис келгусида жинсий кўпайиш ўрнини эгаллади, натижада янги ўсимликлар гурухи пайдо бўлади, деган фикрлар билдирилмоқда.

Айрим ўсимликларда ургумуртаги тухумхужайра ургуланмасдан ривожланади. Бу ҳодиса партеногенез дейилади. Ургуланмасдан мева ҳам ҳосил бўлиши мумкин, лекин унинг уруғи пуч бўлади. Бу ҳодиса эса партенокарпия дейилади.

## 2§. МЕВА

Меванинг тузилиши ва типлари. Мева фақат ёпиқ ургули ўсимликларга хос. У гулнинг ургуланишидан кейин содир бўладиган ўзгаришилар натижасида ҳосил бўлади. Мева ургунинг етилишига, ҳимоя қилинишига, тарқалишига хизмат қиласи. Уларнинг морфологик тузилиши хилма-хилдир. Меваларнинг хилма-хиллиги қўйидаги З та белгилар билан белгиланади:

- 1) мева қатининг тузилиши;
- 2) очилиши ва тўқилиши усули;
- 3) тарқалиш билан боғлиқ хусусиятлар.

Айтиб ўғанимиздек, мева ургчининг тутунчасидан ҳосил бўлади. Айрим ҳолларда эса мева ҳосил бўлишида устунча, жуда кам ҳолларда – оғизча иштирок этади. Агарда мева ҳосил бўлишида мевачидан ташқари ургунинг бошқа қисмлари, кўп ҳолларда гулурни иштирок этса, мева соҳта мева дейилади.

Мевалар турли хил шакл ва ўлчамларда, мева қати

эса турли таркибда бўлади. Ҳўл меваларда мева қати З қисмдан: ташки – экзокарп, у одатда пишиқ ва мустаҳкам, ўрта – мезокарп, тўштдор ва яхши ривожланган, ҳамда ички – эндокарпдан иборат. Ички қавати турли таркибда, айрим ўсимликларда, масалан гилос, олчада у қағтиқ бўлади. Мева қати қуруқ меваларда кўзга ташланмайди.

Мева ҳосил қилишида қатнашган уругчининг сонига қараб мевалар *оғсий* ва *мураккаб* меваларга бўлинади. Агарда гулда битта уругчи бўлса, бу уругчидан ҳосил бўлган мева оғсий, гулда бир нечта уругчи бўлиб, бу уругчидан ҳосил бўлган мева *мураккаб* мева дейилади.

Агарда мева бир нечта гулдан ёки тўпгулдан ҳосил бўлса *тўп* мева дейилади. Масалан, анжир ва тутнинг меваси тўп мевага мисол бўлади.

Айтиб ўтилган хусусиятларга асосланиб, мевалар классификацияланган. Морфологик хусусиятларига қараб, бу сунъий система аввало мевалар қуруқ ва ҳўл меваларга бўлинади.

Куруқ мевалар эса очиладиган кўп уругли -кўсаксимон ва очилмайдиган бир уругли – ёнгоқсимон бўлади.

Кўсаксимон мевалар куйидаги типларга бўлинади:

Барг мева – битта мева баргчасининг бирикиб ўсишидан ҳосил бўлган бир уяли, кўп уругли, бир томонлама очиладиган қуруқ мена. Бунга айиқтовондошлар вакиллари мисол бўлади.

Дуккак – битта мева баргчасининг бирикиб ўсишидан ҳосил бўлган бир уяли, бир, икки ёки кўп уругли, икки томонлама очиладиган мевалар. Дуккак дошлар оиласининг вакиллари бунга мисол бўлади.

Қўзоқ ва қўзоқча мева – иккига мева баргчасининг бирикиб ўсишидан ҳосил бўлган, икки уяли, кўп уругли мева ҳисобланади. Уруглари сохта пардага ўрнашган, икки томонлама очиладиган қуруқ мева. Буларга карамдошлар вакиллари мисол бўлади.

Кўсак мева – икки ёки бир нечта мева баргларининг бирикиб ўсишидан ҳосил бўлган кўп уругли қуруқ мева, бангидевона, минидевона, гўза меваси бунга киради (24- расм).



24-расм. Күсаксимон мевалар.

А-барг мева, Б-тўп барг, В-дуккак, Г- қўзок,  
Д-бўлинган қўзок, Е- қўзоқча, Ж-И-кўсак.



25- расм. Ёнгоҳимон мевалар.

А-ёнгоқ, Б-ёнгоқча, В-дон, Г-желудъ, Д-қанотча,  
Е-бўлинган қанотча, Ж-писта, З-И-тўп ёнгоқча.

**Ёнгоқсимон маваларга эса:**

**Ёшоқ ва ёнюқча** – мева қати қаттиқ ёғочланган, бир уругли очилмайдыган куруқ мева. Ёнгоқда одатдаги ёнгоқлар, ёнгоқчага канопнинг ёнгоғи мисол бўлади.

**Дон** – иккита мева баргчасининг бирикиб ўсишидан ҳосил бўлган, очилмайдыган куруқ мева. Масалан, арпа, бугдой, шоли ва бошқалар.

**Қанотча** – мева ёнлиги терисимон, экзокарп қавати яхши ривожланган бўлиб, пардасимон қанотча ҳосил қилган. Қайрагоч, шумтол, заранг меваси бунга мисол бўлади.

**Желудъ** – мева қати ёнгоқникуига қараганда юмшок, асосида пиёлачага ўхшашибори мисол бўлади.

**Писта** – мева қати терисимон, спермодерма билан ёпишмаган (25-расм).

**Хўл мевалар** эса қўйидаги типларга бўлинади.

**Резавор мева** – серсув, кўп уругли хўл мева. Узум, итузум, картошканинг меваси резавор мева ҳисобланади.

**Данак мева** – битта мева баргчасининг бирикиб ўсишидан ҳосил бўлган хўл мева. Мева қати З қатламдан иборатлиги аниқ кўринади. Шафтоли, гилос, ўрик, мевалари бунга мисол бўлади.

**Қовоқ мева** – ҳосил бўлишида гулўрни иштирок этган кўпуругли сохта мева: экзокарп қавати қаттиқ, мезокарп ва эндокарп серсув. Тарвуз, ошқовоқ мевалари бунга киради.

**Мевалар табиий системага** кўра уларнинг қандай гинецийдан ҳосил бўлганлигига қараб классификацияланади. Яъни, мевалар апокарп, синкарп, паракарп ва лизикарп гурӯҳларга бўлинади.

**Апокарп меваларга** туташмаган ёки мураккаб мева, яъни юқори гул тугунчасидан ҳосил бўладиган бир неча уругчи барглардан ташкил топган мевалар киради. Айиктоворондошлар, магнолиядошлар, раъногулдошлар, бурчоқдошлар оиласи вакиллари шундай мевалар ҳосил қиласди.

Битта уругчи баргдан ҳосил бўлган бир чаноқли мева баргча баргак ёки монокарп мева деб аталади. Улар келиб чиқишига кўра жуда содда, очилиши унинг устки ўнг томонидан (исфара).

Баргакнинг мослашишидан дуккак мева келиб чиқсан бўлиб, улар бир-биридан очилиш хусусияти билан фарқ қиласди. Дуккак икки томондан, яъни қорни ва орқа чоқидан ёрилиб очиласди (цезальпиндошлар, мимозадошлар).

Баргчадан мезокарп ширасининг ошиши, эндо-карпнинг ёғочланиши, уругларнинг камайиши натижасида данакли мевалар: бир хонали, бир уругли (олча, гилос, ўрик, бодом) ва кўп данаклилар (дўлана, итузум) келиб чиқсан. Кўп уйли данакли мураккаб мевалар малина, маймунжон кабиларда учрайди. Улар гул ўрнидан ҳосил бўлади, данагида уруг сони битта.

**Синкарп мевалар** (юнон. син-биргаликда). Бу гурӯҳ мевалар апокарп меваларга яқин, чунки улар ҳосил бўлган гинецийлари ўзаро яқин. Синкарп кўсак – кўп уругли мева, икки ёки ундан кўп мева баргчалардан ташкил топади. Лоладошлар, сигирқўйруқдошлар, итузумдошлар, зубтурумдошлар, кўкнордошлар шундай мева ҳосил қиласди.

Тутгачагул, гулхайри, зирадошлар, ялпиздошларда учрайдиган икки ёки кўп уйли, пастки ёки ўрта тутгунчадан ҳосил бўладиган мерикарпий ёки бўлинадиган мевалар ҳосил бўлади.

Устки тутгунчадан ҳосил бўладиган бир уругли курук, қобиги пўст билан ўралган мева ёнгоқча дейилиб, айиктоворон ва эспарцетларда учрайди.

**Қанотчали мевалар** ҳам мерикарпий мевалар турига кириб, уларнинг ёнида қанотчалари бўлади (заранг, ясенъ, қайрагоч).

Кўзоқ ва қўзоқча икки уйли синкарп мева бўлиб, тушиб кетадиган икки қопқоқчага ўхшаб пастдан тепасигача ёрилиб, улар орасида уруглар бўлади (биттулдошлар).

**Резавор мевалар**, кўп уйли ва кўп уругли, баъзан бир уругли мевалар (узум, помидор, бақлажон).

**Олма** – эволюцион нуктаи-назардан кам тараққий этган содда синкарп мева (олма, беҳи, нок). Остки синкарп тутгунчаси гул найчасининг туташишидан ҳосил бўлади.

**Анор** – кўп уругли синкарп мева бўлиб, остки тутгунчадан ҳосил бўлади. Мева пўсти қалин.

**Ёнтоқ** – бир уругли, ёғочланган мева қатига зга қурук мева. Такомиллашган ости тутунчадан ҳосил бўлади (фундук, эман).

**Псевдомонокарп** (сохта). Остки тутунчадан пайдо бўлиб, бир уйли, бир уругли бўлади (ёнтоқ).

**Паракарп мевалар** (юнон. *пара-олигода*). Паракарп мевалар ҳам гинецийдан ҳосил бўлишини назарда тутадиган бўлсак, ёпиқ уруглилар ривожланишинг дастлабки этапларида синкарп мевалардан келиб чиққан. Бу гурӯҳ мевалар орасида кўп уругли ва бир уругли, очиладиган ва очилмайдиган, юқори ва пастки типлари учраб, бир неча мевабаргларнинг йигиндисидан ҳосил бўлган бир уйли меваларга айтилади.

Очиладиган паракарп мевалар кўкнор, лолақиз-галдоқ, картошкада учрайди. Паракарп қўзоқча кўсакчадан келиб чиққан. Бу мевалар икки уйли иккита мевабаргнинг бирикишидан ҳосил бўлган ва пастдан юқорига қараб очилади (карам, турп).

Қовоқдошлар оиласи вакиллари қуий паракарп меваларнинг маҳсус типини ҳосил қиласиди. Қовоқнинг меваси қаттиқ, экзокарп кўпинча пишиқ ва мустаҳкам, мезокарп серэт.

Карамдошлардан ташқари бир қанча оиласи вакиллари, аввало ҳилоддошлар ва галладошлар бир уругли устки паракарп мева ҳосил қиласидилар.

Остки паракарп меваларни эса қоқидошлар ва тўнгизтароқдошлар ҳосил қиласиди. Қоқидошлар пистаси остки паракарп тутунчадан иккита мевачи баргнинг кўшилиши ва ятона уругмуртакдан ҳосил бўлади.

**Лизикарп мевалар** (юнон. *лизис-эриш*). Бу типдаги мевалар кўсакча мева бўлиб, синкарп мевалар кўсакчасидан келиб чиққан. Чиннитулдошлар оиласининг аксарият туркумлари ҳақиқий лизикарп кўсакча ҳосил қиласиди. Лизикарп меваларга хос хусусиятлардан бири кўсакча тўлиқ очилмайди, аксинча учидаги тищчалари очилади.

Лизикарп мевалар бир неча уругчи барглардан ташкил топган синкарп (туша тутунчали мева) уругида кўсаклар ўртасидаги парда йўқолиб ҳосил бўлган бир уйли тутунчадан мевалардир (26-расм).



26-расм. Мевалар:

писта (қоқиүт); қанотча (ильм-2, шумтол- 3, заранг- 10); бир данакли (гилос- 4, аччиқ бодом- 19, ширин бодом- 20); дуккак (қараған- 5, гледичия- 15); бирбартгчали (исфарак- 6); күпбаргчали (магнолия- 7); күпенгоқчали хұл мева (земляника-8, нағыматак- 9); икки чаноқли қүзөқ (ёввойи гурп- 11); ёнғоқ (ўрмон ёнғоги- 12); желудь (эман-13); күсак (очимайдыған мева ва урут; сохта каштан-14); бир уругли дуккак (аморфа- 16); олма (рябина-17, олма- 18); күпданакли (маймунжон- 21); ризовор мева (марваридгул- 22).

**МЕВА ВА УРУГЛАРНИНГ ТАРҚАЛИШИ.** Мева ва уруглар ҳаво оқими (анемохория), сув (гидрохория), ҳайвонлар (зоохория) ва одам (антропохория) воситасида тарқалади. Лекин айрим ўсимликлар ўз меваси ёки ургини улоқтиришга мослашган (тегманозик, қутурған бодинг).

Айрим ўсимликларнинг урги шу қадар кичкинаки, улар озгина шамолда ҳам узоқ узоқларга учиб кетади. Масалан, солабдошлиар ва сигиркүйруқдошлиар вакилларининг 100 дона урги атиги бир неча миллиграмм келади. Бироз йирик уругларда эса тарқалиш учун турли воситалар пайдо бўлган. Тол ва терак уруглари тукчалар билан ўралган бўлиб, ургининг тарқалишини осоналашибди. Қоқидошлиар вакилларида ҳам шундай тукчалар мавжуд. Масалан, қоқида парашют шаклидаги туклар ургини осон тарқатади.

Қанотчалар қайрагоч, ясенъ, заранг, қайнин ва бошқа дараҳт меваларида учрайди. Чиннигулдошларнинг қатор вакилларида ҳам қанотчалар мавжуд.

Сув ёрдамида одатда сувда ўсуви ўсимликлар уруглари тарқалади. Бу гурӯҳ вакилларининг урги сувда узоқ муддат туришга мослашган.

Чўлдаги айрим ўсимликлар уруглари пишгач илдиздан узилиб шарга яқин шаклга киради. Шамол билан узоқ-узоқларга думалаб, ўз ургини тарқатиб чиқади. Шўра, янтоқ, боялич каби чўл ўсимликлари бунга мисол бўлади.

Ҳайвонлар ёки одам ёрдамида ҳам жуда кўп ўсимлик уруглари тарқалади. Уларнинг ташқи тузилиши жуда хилма-кил. Улар орасида ҳам қуруқ, ҳам ҳўл мевалар мавжуд. Қуруқ меваларда ҳайвонларга ёпишиб олиш учун турли илгаклар мавжуд (қўйтикан, қариқиз). Оқпарра ва келинсупургидаги илгаклар жуда бақувват бўлиб, бир илашганча бутун бошли мева бирданига илашади.

Мева қати серэт бўлган жуда кўп ўсимликлар ургини қушлар тарқатади. Қушлар истеъмол қилганда, одатда уларни урги ажralиб қолади, чунки бундай уруглар қатгиқ қобиқ билан қопланган. Ўрмондаги айрим ўсимликлар ургини, ҳатто чумолилар (мирмекохория) тарқатади. Буларга гунафша, бурмақора, ғозлиёз мисол

бўлади.

Мева ва уруғлар одам томонидан ҳам кенг тарқатилади. Шафтули, ўрик, тут, мөш, нўхат юртимизга Хитойдан Буюк Ииак йўли орқали келтирилган. Гултоҳихўроз, элодея, тамаки, картошка сингари кўпдан-кўп ўсимликлар Шимолий Америкадан келтирилган. Бугунги кунда Узбекистон Фанлар академиясининг Ботаника боғида 5 мингга яқин ўсимлик турлари иқлимлаштирилиб ўстирилаёттанини эслатиш ўринлидир.

## АДАБИЁТЛАР

1. Ахмедова М.М. Маҳмедов А.М., Ҳусанов Н.А.  
Инглизча -ўзбекча-русча ботаника атамалари лўғати :  
Ўзбекистон, 2002.1286.
2. Васильев А.Е., Воронин Н.С., Еленевский А.Г.,  
Серебрякова Т.И., Шорина Н.И. – Ботаника:  
Морфология и анатомия растений. М: «Просве-  
щение», 1988.
3. Жуковский П.М. - Ботаника. М., «Колос», 1982.
4. Зокиров Қ.З., Набиев М.М., Пратов Ў.П., Жамол-  
хонов Ҳ.А. Русча-ўзбекча ботаника терминлари-  
нинг қисқача изоҳли луғати. Тошкент, 1963.
5. Икромов М.И., Нормуродов Ҳ.Н., Юлдашев А.С.  
Ботаника. Ўсимликлар морфологияси ва анатомия-  
си. Тошкент: «Ўзбекистон», 2002.
6. Набиев М.М. Ботаника атлас-луғати. Тошкент, 1963.
7. Хржановский В.Г., Пономаренко С.Ф. Ботаника.  
М., «Колос», 1988.

## МУНДАРИЖА

<b>Кириш</b>	<b>3</b>
<b>1 боб. Ботаниканинг бўлимлари.</b>	
<b>Ўсимликларнинг аҳамияти.</b>	<b>5</b>
1§ Ботаниканинг бўлимлари.	5
2§ Ўсимликларнинг табиатдаги ва инсон фаолиятидаги аҳамияти.	7
<b>2 боб. Ботаника фанининг ривожланиш             тариҳи</b>	<b>12</b>
<b>3 боб. Ўсимлик ҳужайраси</b>	<b>21</b>
1§ Ҳужайра, унинг тузилиши ва компонентлари	21
2§ Ядро, унинг тузилиши	27
<b>4 боб. Тўқималар.</b>	<b>34</b>
1§ Ҳосил қидувчи (меристема) тўқималар	35
2§ Асосий тўқималар	37
3§ Қопловчи тўқималар	39
4§ Механик тўқималар	43
5§ Ўтказувчи тўқималар	45
6§ Ажратувчи тўқималар	48
<b>5 боб. Гулли ўсимликлар онтогенезининг             бошлангич даврлари</b>	<b>50</b>
1§ Уруг, унинг тузилиши ва типлари	50
2§ Ургунинг униши. Ўсимтанинг ривожланиши	54
<b>6 боб. Юксак ўсимликларнинг вегетатив             органлари</b>	<b>61</b>
1§ Илдиз	64
2§ Новда	71
3§ Поя	78
4§ Барг	87
<b>7 боб. Ўсимликнинг кўпайиши</b>	<b>98</b>
<b>8 боб. Юксак ўсимликларнинг генератив             (репродуктив) органлари</b>	<b>105</b>
1§ Гул	105
2§ Мева	121
Адабиётлар	130

Ёзиев Лутфулло Ҳабибуллаевич

**Ботаника**

Ўсимликлар морфологияси ва анатомияси

(ўқув қўлланма)

Ўзбек тилида

Муҳаррир: Э. Жабборов  
Техник муҳаррир: М. Раҳматов

Теришга 24.08.2003 йилда берилди. Босишга 24.08.2004 йилда рухсат этилди. Бичими 84x108 1/32. Офсет қозози. Офсет усулида чоп этилди. Шартли босма тобоги 16.1 Шартли кр.отт.16.2. 150 нусхада. Эркин нархда.

Қарши Давлат университети кичик босмахонасида босилди.  
Қарши шахри, Кўчабог кўчаси, 17- уй.